

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**А.НИЗОМОВ, Н.АЛИМҚУЛОВ,
З.ТИЛЛЯХОДЖАЕВА**

**ТАБИЙ ГЕОГРАФИК
ЖАРАЁНЛАР**

(Ўкув қўлланима)

ТОШКЕНТ – 2015

УЎК: 911.2 (075)

КБК 26.8я73

Н-57

- Н-57 А.Низомов, Н.Алимкулов, З.Тиллиходжаева. Табиий географик жарабёнлар. (Ўкув қўлланма). –Т.: «Fan va texnologiya», 2015, 112 бет+8 расм.

ISBN 978-9943-4349-1-2

Ушбу ўкув қўлланма табиий географик жарабёнлар, уларнинг илмий ўрганилиш даражаси, генетик турлари, келиб чиқишга кўра таснифланниши ҳақида тушунчалар беради. Шу билан биргаликда, ушбу китобда табиий географик жарабёнларнинг тектоник ҳаракатлар, иклим, сув, музликлар, гравитациян куч ҳамда антропоген омил таъсирида шаклланишига хос назарий асослари очиб берилган.

Ўкув қўлланма география, геология, инженерлик геологияси йўналишларининг бакалаврлари, катта илмий ходимлар ҳамда ўқитувчилар учун мўлжалланган.

Настоящее учебное пособие дает понятие о физико-географических процессах, истории научного исследования и классификации их по генетическому происхождению. В том числе, в этом учебном пособии освещаются вопросы о их происхождении в связи с тектоническими силами, климатическими факторами, водными потоками, деятельностью ледников и антропогенных сил.

Книга рассчитана на специалистов-географов, преподавателей ВУЗов, научных сотрудников, магистров и бакалавров.

The manual gives the presents pony about physiographic processes, their scientific research and their classification by a genetic prozhkhozhdeniye. Including, in this educational a grant questions about proshkozhdny them in connection with tectonic forces, climatic factors, water streams activity of glaciers and anthropogenous forces are taken up.

The book is calculated on spesalist of geographers of teachers of higher education insitution, research associates, masters and bachelors.

Масъул муҳаррар:

А.Рахматулаев – Самарқанд давлат университети «Ландшафтшунослик ва гидрометеорология» кафедраси доценти, г.ф.н.

Такризчилар:

П.Баратов – Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети «География ва уни ўқитвиши методикаси» кафедраси профессори, г.ф.н.;

Ў.Абдуназаров – М.Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети «Табиий география» кафедраси доценти, г.ф.н.

Ўкув қўлланма Низомий номидаги Давлат педагогика университетининг 2014 йил 16 январдаги б-сонли қарорига асосан нашир этилди.

ISBN 978-9943-4349-1-2

© «Fan va texnologiya» нашриёти, 2015.

КИРИШ

Эндоген ва экзоген кучлар таъсирида содир бўладиган барча ҳодисаларнинг аксарият қисми табиий географик жараёнлар тарзида юз беради. Демак, табиий географик жараёнлар табиатдаги модда ва энергия алмашиниши, шакл ўзгаришлари ҳамда ривожланишига сабаб бўлувчи барча турдаги ҳодисалар асосидир. Улар ташқи тузилиши, миқёси ва албатта шаклланиши жиҳатидан турлича (карст, суффозия, сурилма, эрозия, ботқоқланиш, шўрланиш, иккиламчи шўрланиш, музликларнинг ҳаракати туфайли юзага келадиган жараёнлар ва ҳоказо) тарзда ташқи муҳитга ўз таъсиrlарини ўтказади. Шу тариқа уларнинг табиатдаги тутган роли ҳам бирбирларидан фарқланади.

Табиий географик жараёнлар тоғ жинсларининг емирилиши, тоғ жинслари табиий кўрсаткичларининг ўзгариши, уларнинг ётиш ҳолати, рельеф шаклланиши, ер пўстининг тузилиши, ернинг ички қисми ўзгаришида акс этар экан, улар билан боғлиқ равишда турли ижобий, салбий ҳолатлар юзага келиши мумкин. Бу ҳолатлар аҳоли ҳаётининг хавфсизлиги турли ижтимоий муаммолар, деҳқончилик, чорвачилик, ўрмончилик, курилиш ишлари каби масалаларда ўз аксини топади.

Фанинг мақсади. Табиий географик жараёнларнинг шаклланиши, ривожланиши ва географик шароитга боғлиқ ҳолда тарқалиши ҳақида билимлар бериш.

Фанинг вазифалари:

- табиий географик жараёнларни ўрганишнинг долзарбилигини аниқлаш ва генетик жиҳатдан таснифлаш;
- табиий географик жараёнларнинг турларини ўрганиш;
- табиий географик жараёнларни ўрганишнинг илмий, амалий аҳамиятини таҳлил этиш.

Табиий географик жараёнлар фани талабаларга қүйидаги билимларни беради:

- табиий географик жараёнларнинг шаклланиш ва ривожланиш омиллари, уларни синфлаштириш ҳақида;
- ернинг ички кучлари таъсирида вужудга келадиган табиий географик жараёнлар (зилзила, вулкан, иссиқ булоқлар ва уларнинг оқибатлари) ҳақида;
- нураш жараёни: физик, кимёвий, органик нураш. Уларнинг бир-бирлари билан боғлиқлик даражаси ва маҳсулотлари ҳақида;
- ер усти сувлари фаолияти билан боғлиқ бўлган жараёнлар ва уларнинг бир-бирлари билан узвийлиги (денгиз, кўл ва сув омборлари қирғоқларининг ювилиши ва емирилиши, дарё қирғоқлари ва ўзанлари бўйлаб юз берувчи эрозия, сел ҳодисаси) ҳақида;
- гравитацион кучлар таъсирида шаклланадиган табиий географик жараёнлар (сурималар, кўчкилар, тоғ ўпирилишлари, қор кўчкилари, музликлар ҳаракати) ҳақида;
- шамол таъсирида ривожланадиган жараёнлар (кум, тупроқ заррачаларининг шамол таъсирида бир жойдан иккичи жойга олиб кетилиши, ётқизилиши ва ҳоказо) ҳақида;
- тоғ жинсларининг музлапи, эриши, музликларнинг ҳаракати туфайли вужудга келадиган жараёнлар (термокарст, гидролокколитлар, музлаган ерларнинг кўтарилиши, экзарация, маар ва зандр далалари, кўй пешоналари шаклланиши) ҳақида;
- тоғ жинсларининг ички кучлар таъсирида ривожланадиган жараёнлар (тоғ жинслиари ҳажмининг кенгайиши, камайиши, емирилиши ва бошқалар) ҳақида;
- атропоген таъсир туфайли шаклланадиган ва ривожланадиган жараёнлар (шўрланиш, иккиламчи шўрланиш, тупроқ эрозияси, лойқа босиш, тақирлар, ер юзасининг чўкиши, сув босиши, ботқоқланиши) ҳақида.

Фан бўйича талабаларнинг билим ва қўнакмаларига қўйидағиларни талаблар.

Улар кўйидағиларни билишлари лозим:

- курснинг мақсад ва вазифаларини, тадқиқот усусларини;
- табиий географик жараёнларнинг шакллантириш омилларини, синфлаштириш белгиларини;
- турли хил омиллар таъсирида шаклланадиган ва ривожланадиган табиий географик жараёнларни, уларнинг кенг тарқалган ҳудудларини, уларга қарши кураш чоратадбирларини;
- ҳар бир табиий географик жараённи ўрганишнинг илмий ва амалий аҳамиятини аниқлаш.

Талабалар қўйидағиларни ўзлаштиришилари зарур:

- ҳар бир табиий географик жараённи турига кўра ўз жойида аниқлай билишни;
- табиий географик жараённинг келиб чиқиш сабаблари ва маҳсулотларини ажратабилишни;
- табиий географик жараёнларнинг табиатдаги тутган ўрни ва амалий аҳамиятини белгилашни;
- табиий географик жараёнларнинг олдини олиш бўйича чора-тадбир турларини.

«Табиий географик жараёнлар» фанининг бошқа фанлар билан ўзаро алоқаси.

Ушбу предмет «Умумий ер билими», «Умумий геология», «Геоморфология», «Ўзбекистон табиий географияси», «Топонимика», «Материклар ва океанлар табиий географияси», «Гидрология», «Табиатни муҳофаза қилиш», «Тупроқшунослик», «Экология» «Атроф-муҳит муҳофазаси» каби фанлар билан чамбарчас боғлиқ ҳолда ўрганилади ва ривожланади.

Мавзууга оид савол ва топшириқлар

1. Предметнинг долзарблиги ҳақида сизнинг фикрингиз.
2. Фанинг мақсади нимадан иборат?

3. Фанинг вазифалари қандай масалаларнинг ечимиға қаратилган?
4. Фан бўйича талабаларнинг билим ва кўниҳмаларига кўйиладиган талаблар нималардан иборат?
5. «Табиий географик жараёнлар» фани юзасидан талабалар қандай вазифаларни уддалай олишлари керак?
6. «Табиий географик жараёнлар» фанинг бошқа фанлар билан ўзаро алоқадорлигини сўзлаб беринг?

1-мавзу. Табиий географик жараёнларнинг илмий ўрганилиш тарихи

Табиий географик жараёнларни ўрганиш тарихи қадимги даврларга бориб тақалади. Тарихий даврларда яшаб ўтган географлар, тарихчилар ўз замоналарида бўлиб ўтган кучли зилзилалар, вулқон отилиши, сел келиши, буронлар, кум буронлари, кўчкиласарнинг юз беришидан хабар берадилар. Уларнинг тафсилотлари, келтирган заарлари хусусида ёзиб қолдиргандар. Наршахий (Х аср), Беруний (XI аср), Ёкут Хамавий (XII аср), Заҳириддин Муҳаммад Бобур (XVI) шулар жумласидандир. Ушбу олимлар табиий географик жараёнлар хусусидаги маълумотларни маҳсус тарзда эмас, балки айrim масалаларни баён этиш мобайнинда тавсифлайдилар. Масалан, машхур географ ва тарихчи ҳамда йирик давлат арбоби (вазир) бўлган Аҳмад ибн Наср Жайҳоний Бухоро шаҳрида бўлиб ўтган даҳшатли зилзила туфайли вафот этади. Тарихчи олимларнинг ёзиб қолдиришича, бу сана 942 йилда юз берган эди. Ушбу маълумот табиий географик жараёнларни ўрганиш нуқтаи назаридан ҳам ўта муҳимдир. Чунки, Бухоро шаҳри 7 баллик зилзилалар худудига мансуб. Бу ерда ундан кучли зилзилалар камдан-кам ҳолатлардагина кузатилади ёки умуман кузатилмаслиги мумкин. Тарихий маълумотлар эса Бухоро шаҳрида ҳам кучли зилзилалар юз бериш эҳтимоли мавжуд эканлигидан дарак беради.

Абу Райхон Берунийнинг она шахри Котни 993 йили дегиши^{*} ювиб кеттганлиги хусусида «Ал Осор Боқия ан-ал-Курун ал Холия» («Ўтмиш халқларидан қолган ёдгорликлар») асарида ёзинб қолдиради. Қадимги муаллифлар томонидан баён этилган табиий географик жараёнлар ўз даврида «табиий географик жараёнлар» термини остида ифода этилмасада, айрим халқ терминлари тарзида аталгани маълум. Масалан, сел, кўчки, сурилма дегиши ва бошқаларни халқ табиий географик терминлари сирасидан бўлиб, улар замонавий илмий адабиётларда ҳам айнан шу кўринишда ишлатилиди.

Табиий географик жараёнларни илмий тарзда ўрганиш географик йўналишлар ва мактаблар илк шаклланётган XIX асрдан вужудга кела бошлади. Бу даврга келиб география фанининг қиёсий баён йўналишига Элизе Реклю (1830–1905), Э.Мартони (1873–1955) каби олимлар асос солди. Ушбу йўналиш асосида мажмуали география мактаби П.П.Семенов Тян-Шанский (1827–1914) раҳбарлигида, умумий географик мактаб Д.Н.Анучин (1843–1925) раҳбарлигида, Ю.М.Шокольский (1856–1940) раҳбарлиги остида «Океанология» каби мактаблар шаклланди.

Айниқса, Д.Н.Анучин асос соглан «Умумий географик мактаб» замирида унинг издошлари Л.С.Берг, А.А.Борзов, А.А.Крубер, А.С.Барков, Б.Ф.Добринин, И.С.Шукин каби географ олимлар етишиб чиқди. Уларнинг табиий географик жараёнларни геологик, геоморфологик нуқтаи назардан туриб ўрганган йирик асарлари шаклланди.

Академик В.А.Обручев, проф.О.К.Лангелар томонидан инженерлик геологияси нуқтаи назаридан табиий географик жараёнларнинг дастлаб айрим турлари ўрганилди, дарсликларга киритилди. Бу ўринда О.К.Лангенинг ўзига хос ўрни бор. О.К.Ланге (1883–1975) МГУ профессори, геолог А.П.Павлов мактабининг давомчиси сифатида 1924 йили Ўрта Осиё Давлат университети (САГУ) қошида илк бора

* Дегиши ҳакида ушбу асарнинг 50-саҳифасида тўлиқ тушунча олиш мумкин.

«Динамик геология», кафедрасига асос солди ва уни бошқариш асносида дарслерлар, қўлланмалар яратишга мувоффақ бўлди. Уларнинг барчасида табиий географик жараёнларнинг айрим генетик турлари, географик тарқалиш хусусиятлари тўғрисида тушунчалар мавжуд. Шунинг учун ушбу кафедра Ўрта Осиё бўйича ягона илмий тадқиқот марказига айланди. О.К.Ланге раҳбарлигидаги Н.И.Толстыхин, Б.Ф.Феоргиевский, Ф.Ф.Мужчинин, Г.А.Архангельский каби олимлар етишиб чиқдилар ва улар ўз навбатида гидрогеология фанини ривожлантириш билан биргаликда инженерлик геологияси йўналишини ўрганишга ўз дарслерлари, монографиялари орқали ҳисса қўшдилар. Улар табиий географик жараёнларни инженерлик геологияси нуқтаи назаридан туриб ўрганганлар. Кейинчалик О.К.Лангенинг Ўзбекистонда йирик инженер геологик мактаби шаклланди. Бу мактабнинг асосини академиклар Х.М.Абдуллаев, F.O.Мавлонов, А.Н.Султонхўжаев, г.ф.д., профессор Н.Н.Хожибоев, У.У.Умаров каби олимлар ташкил этган.

Академик Ҳабиб Мухамедович Абдуллаев мактаби. Ҳ.М.Абдуллаев 1935 йили инженер-геолог мутахассислиги бўйича ҳозирги Техника университетининг «Геология разведка» факультетини тутатгач, Ўрта Осиё индустрия институтининг фойдали қазилмалар кафедрасида доцент вазифасида ишлаб юриш билан биргаликда «Умумий геология» курси бўйича маърузалар ўқиди, юқори лавозимли давлат ишларида ишлади. Унинг F.O.Мавлонов, Н.А.Кенесарин, X.T.Тўлаганов, А.Султонхўжаев каби гидрогеология, инженерлик геологияси соҳаси бўйича йирик издошлари бор. Ҳ.М.Абдуллаев 1946 йили докторлик диссертациясини ҳимоя қилгач, шу йили Ўзбекистон Фанлар Академиясининг академиги вазифасига сайланди. У шу билан биргаликда табиий географик жараёнларни ўрганиш ишларига ҳам ўз ҳиссасини қўшган олимдир. Ҳ.М.Абдуллаев ташкил этган «Геология» илмий текшириш институти қошида «Гляциология» лабораторияси фаолият кўрсатар экан, унда А.А.Крейтер, К.Г.Кага-

ров, М.Носиров, А.Лесняк, А.Ким, А.Бассин каби гляциолог олимлар Ўрта Осиё тоф музликлари, уларнинг табиатдаги ўрни ва улар билан боғлиқ ҳолда кечадиган табиий географик жараёнлар устида илмий тадқиқот ишларини олиб бордилар.

Академик Фани Орифхонович Мавлонов гидрогеология ва инженерлик геологияси соҳасида йирик мутахассис, шу йўналишнинг Ўзбекистондаги кўзга кўринган вакили ва асосчиларидан биридир. У 1960 йили Тошкентда ГИДРОИНГЕО (Гидрогеология ва инженерлик геологияси) илмий тадқиқот институтини ташкил этишга эришади. Шу билан биргаликда леёс ётқизиқларининг шаклланиши ва унинг асосида юзага келадиган табиий географик жараёнларни ўрганишга катта ҳисса кўшган олимдир. Унинг ташаббуси билан ГИДРОИНГЕО илмий тадқиқот институти қошида, «Инженерлик геодинамикаси» бўлими ташкил этилди.

1969 йилнинг охирида ГИДРОИНГЕО илмий тадқиқот институти, ишлаб чиқариш ва олимлар кучини бирлаштириш мақсадида «Ўзбекгидрогеология» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси таркибига киритилди. Бу ишнинг ташкилотчилари г-м.ф.д., профессорлар Н.Н.Хожибоев, Х.Т.Тулаганов, Г.В.Куликов, А.С.Ҳасанов, г-м.ф.н. В.А.Гейнц, Г.А.Манжирова, М.Г.Хўжаев, М.И.Исмоилов, Р.С.Сайфуллаев каби олимлар эди.

ГИДРОИНГЕО илмий тадқиқот институти қошида ташкил этилган «Инженерлик геодинамикаси» бўлими табиий географик жараёнларни инженерлик геологияси нуқтаи назаридан туриб тадқиқ этган. Бу бўлим 1960 йиллари г-м.ф.д. М.П.Кузминов томонидан бошқарилган бўлса, кейинчалик у бир неча табиий географик жараёнларни ўрганувчи лабораторияларни бирлаштирувчи бўлимга айлантирилди. Бўлим қошида дастлаб П.М.Карпов, кейинчалик 1972 йилдан Р.А.Ниёзов бошчилигига «Ён бағирлар ва қияликлар турғунлиги» лабораториясида, Х.В.Ваҳобов, В.И.Мартемьяннов, Б.Т.Исмоилов, А.А.Башкирова, В.Д.Минченко фаолият кўрсатди. Ушбу лаборатория олимлари сурilmаларнинг юз бериш хусусиятларини тадқиқ этадилар.

П.М.Карпов, кейинчалик А.П.Пушкоренко бошчилигига сел жараёнлари «Қуюқ оқим үчоклари» лабораториясисида ўрганилди. Бу лабораторияда инженер геологлар билан биргаликда географ С.Р.Сайдова, Ш.Хўжаев, В.Ким каби олимлар фаолият юритдилар.

Ушбу лаборатория илмий ходимлари сув омборлар қирғонининг абразия туфайли қайта шакиланиш муаммосини ўрганишга ҳам катта зътибор қаратган ҳолда тадқиқотлар олиб бордилар.

Карст жараёни эса, г.ф.д. профессор М.М.Маматкулов бошчилигига «Карст ва спелеология» лабораториясисида нафакат Ўзбекистон, балки бутун Ўрта Осиё ҳудуди бўйича ўрганилди. Бу лабораторияда карст жараёни асосан географлар М.А.Ҳошимов, А.Алимов, К.Р.Арипов, И.А.Отажонов, А.Низомовлар томонидан тадқиқ этилиб, Ўрта Осиёнинг хусусан Ўзбекистоннинг тоғлик ҳудудларида карст жараёнининг ривожланиш хусусиятлари ўрганилди.

Умуман олганда, карст жараёни Ўзбекистонда бирмунча кенг тадқиқ этилгандир. И.А.Кастанье, Н.А.Гвоздецкий, Я.А.Левен, О.Ю.Пославская, М.М.Маматкулов, А.А.Крейтер, М.А.Абдужаборов, унинг сафдошлари А.Маматов, З.Султонов, М.Ҳошимов, А.Алимов, К.Арипов, Р.Халимов, Л.Б.Климчук, В.Кучерявиҳ, И.Отажонов, П.Отаев, А.Низомов шулар жумласидандир.

1982 йили «Карст ва спелеология» лабораториясисида проф. М.М.Маматкулов бошчилигига К.Арипов ва А.Низомовлар томонидан суффозия жараёнини ўрганиш, ишдан чиққан конлаҳмларидан оқилона фойдаланиш ва ер остида кечеётган айrim табиий географик жараён (ўпирilmа, кон сатҳининг шишиши, карст ҳодисаси) ларини тадқиқ этиш ишлари ҳам йўлга қўйилади.

Геоморфология йўналиши. Ушбу йўналишга америкалик олим У.М.Девис томонидан асос солинган. У географик циклларни ёшлиқ, вояга етганлик, кексалик даврига бўлиб ўрганди. Олим томонидан ушбу даврлар гарчанд

алоҳида тарзда ўрганилсада, аслида улар табиатан бир бутун, бир-бирларидан ажралмаган ҳолда ривожланади, дея уқтиради.

Геоморфолог В.Пенк (1888–1923) барча ёнбагирлар морфологияси тектоник ҳаракатлар туфайли юзага келишини уқтиради. Рус олимни М.В.Ломоносов эса рельефнинг ташки ва ички кучлар таъсирида шаклланишига ургу беради. Унинг ушбу ғоясини С.Н.Никитин, А.П.Карпинский, А.П.Павлов ўз асарларида ривожлантиради. Ушбу тадқиқотчилардан, айниқса, А.П.Павловнинг «Текисликлар рельефи ва унинг ер усти ва ости сувлари таъсирида ўзгариши ҳақида» номли китоби жуда кизиқарлидир.

1930 йилларда географлар Я.С.Эдельштейн ҳамда И.С.Шукин томонидан илк бора олий ўкув юрти талабалари учун геоморфология фани юзасидан дарслик яратилди.

Я.С.Эдельштейн (1869–1952) Санкт-Петербург геоморфологлар мактабининг асосчиси бўлиб, у Санкт-Петербург университети География факультетининг дастлабки декани эди. Я.С.Эдельштейн асарлари «Основы геоморфологии» (1938) олимнинг узок вактлар далада олиб борган кузатишлари, уюштирган кўплаб экспедиция материаллари асосида яратилган. Натижада Санкт-Петербург университети, География факультети қошида, геоморфология кафедраси ташкил этилди. Ушбу кафедрада Я.С.Эдельштейннинг издошлари сифатида К.К.Марков, И.П.Герасимов, Н.И.Соколов, Г.Д.Рихтер каби олимлар табиий географик жараёнларни ўрганишга хисса кўшган йирик геоморфологлар сифатида шаклланди.

А.А.Борзов (1874–1939) ва И.С.Шукин (1885–1984) Москва Давлат университетининг География факультети қошида Москва Геоморфологлар мактабига асос солдилар. И.С.Шукин кейинчалик География факультети қошида илк бор «Геоморфология» кафедрасини ташкил этди. Унинг уч томдан иборат «Общая морфология суши» (1936) номли олий ўкув юртлари учун яратилган дарслиги ҳозирда ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Ушбу олимнинг издошлари сифатида

шаклланган А.И.Спиридонов, А.И.Соловьев, Н.А.Гвоздецкий, Н.И.Михайлов, М.В.Карандеева, Г.К.Тушинский, О.К.Леонтьев, Н.А.Солнцев, С.С.Воскресенский каби олимлар табиий географик жараёнларни ландшафтнинг асосий компонентлари сифатида ўргандилар.

Кейинчалик Ўзбекистонда Санкт-Петербург ҳамда Москва геоморфологлар мактаби намоёндаларининг издошлиари сифатида бир гурух ўзбекистонлик Ю.А.Скворцов, А.Ю.Алферов, Н.А.Когай, Ю.Я.Кузнецов, О.Ю.Пославская, М.М.Маматқулов, Г.Ф.Тетюхин, Б.В.Яскович каби геоморфолог олимлар шаклланади. Улар Ўзбекистон, Ўрга Осиёning географик тузилиши ҳақидаги илмий гояларни ёритиш арафасида айрим табиий географик жараёнлар хусусида ҳам ўз фикрларини билдирадилар. Кейинги даврларда тектоник, гравитацион, денудацион, гляциал, супфозия, эрозия, аккумуляция, эол келиб чиқишига эга бўлган табиий географик жараёнлар Б.А.Федорович, А.Б.Бобоев, М.Ш.Шерматов, А.Рафиқов, Х.Ваҳобов, А.Н.Нигматов А.Низомов каби олимлар томонидан жиддий тадқиқ этилди ва бу борадаги илмий ишлар ҳозирда ҳам давом этмоқда.

Мавзуга оид савол ва тошириқлар

1. «Табиий географик жараёнлар» ҳақидаги фикрлар ўрга асрларга хос адабиётларда қандай олимлар томонидан қайд этилган?
2. «Табиий географик жараёнлар» фанининг асосчилари ҳақида сўзлаб беринг.
3. Академик Ҳ.М.Абдуллаев мактаби ва унинг давомчилари хусусида сўзлаб беринг.
4. «Табиий географик жараёнлар» фанини геологик нуқтаи назардан ўрганган олимлар ҳақида нималарни биласиз?
5. «Табиий географик жараёнлар» фанини геоморфологик нуқтаи назардан туриб ўрганган олимлар ҳақида сўзлаб беринг.

2-мавзу. Табиий географик жараёнларнинг турлари ва уларни ҳосил бўлишига кўра таснифлаш

Таснифлаш ўзига хос ўрганиш методи бўлиб, у ҳар бир фаннинг асосини ташкил этади. Шу боисдан Д.М.Менделеев илм таснифлашдан иборатдир, дея таъкидлайди. Табиий географик жараёнларни ўрганиш асносида ҳам уларнинг келиб чиқишига кўра бир-бирларига яқинларини гурух-гурух қилиб жамлаган ва ажратган ҳолда ўрганиш, уларни тадқиқ этишни енгиллаштиради. Шу боисдан турли даврларда, турли фанларни тадқиқ этувчи олимлар табиий географик жараёнларни ҳар хил нуқтаи назардан туриб таснифлаганлар. Жумладан геолоғлар, геоморфологлар, географлар амалга оширган табиий географик жараёнларнинг таснифи бир-бирларидан қисман бўлсада фарқланади, бири-иккинчисини тўлдиради, аммо инкор этмайди. Шу тариқа таснифлаш ишлари ривожланган сари, табиий географик жараёнларни ўрганиш тартиби ҳам мукаммаллаша борган.

И.П.Герасимов (1986) ўзининг рельеф ер юзи формаларини ўлчамига кўра уч гурухга ажратади. Геотектура – материклар, океанлар жойлашган ботиқлар, морфоструктура – тоғ тизмалари, тоғ оралиқ ботиқлари, текисликлар, морфоскульптура – экзоген жараёнлар билан боғлиқ бўлган рельеф кўринишлари. И.П.Герасимов рельеф кўринишларини таснифлар экан, уларни эндоген ва экзоген кучлар билан боғлиқ ҳолда содир бўлиш хусусиятини таърифлайди. Шу билан биргалиқда антропоген кучлар таъсирида юз берувчи табиий географик жараёнларга ҳам эътибор қаратади.

Кейинчалик ушбу таснифлаш геоморфологлар томонидан янада такомиллаштирилиб, кўламига кўра, қуйидагича акс этди. Планетар, яъни энг йирик рельеф формалари – материклар ва океанлар жойлашган ботиқлар, мегарельеф – тоғ тизмалари, текисликлар, денгизлар жойлашган ботиқлар, макрорельеф – тоғ тизмалари, баландликлар, йирик водийлар, мезорельеф – тепаликлар, водийлар, микрорельеф –

барханлар, дюналар, жарлар, террасалар, нанорельеф – кичик тепаликлар, сув ювиб кетган чукурликлар ва ҳоказолар. Гарчанд ушбу таснифлаш рельеф кўринишлари нуқтаи назаридан амалга оширилган бўлсада, уларнинг ҳосил бўлишида иштирок этувчи табиий географик жараёнларга ҳам диққат-эътибор қаратилиди ва натижада улар ўзига хос равища таснифланиб борилади. Масалан, планетар ва мегарельеф формаларининг шаклланишида тектоник кучлар энг асосий сабабчи қилиб кўрсатилган ҳолда, макрорельеф, мезорельеф, нанорельеф шаклларининг ҳосил бўлишида оқар сувлар, куёш нури, шамол каби омиллар иштирок этиши ва натижада турли табиий географик жараёнлар ҳосил бўлиши қайд этилади.

Яна бир геоморфологик таснифлашда Д.С.Кизевальтер ва бошқалар рельеф формаларини гурухлаштиради. Натижада табиий географик жараёнларнинг ҳам эндоген ва экзоген кучлар таъсирида шаклланувчи гурухлари генетик турлар тарзида ўрганилади.

Геоморфологлар турли туркумдаги ётқизиқларнинг келиб чиқишига кўра гурухларга ажратар экан, уларнинг шаклланишида ташки таъсир туфайли юзага келувчи (сув, шамол, куёш нури, музликлар) табиий географик жараёнлар муҳим роль ўйнайди, дея кўрсатма берадилар ва уларни турларга ажратадилар.

Ўтган асрнинг охирлари ва замонамиизда табиий географик жараёнларни ўрганиш учун диққат-эътибор янада кучайди. Чунки, геоэкологик ҳолатни барқарорлаштиришнинг маъқул йўлларидан бири тарзида табиий географик жараёнларни муфассил ўрганиш, айниқса, уларнинг юзага келиш сабабларини янада ойдинлаштиришдан иборат дея эътироф этила бошланган эди. Шу боисдан табиий географик жараёнларни илмий тадқиқ этиш ва унинг асоси сифатида турлича қарашлардан иборат таснифлаш варианtlари юзага кела бошлади. Жумладан, муаллифлар Э.Қ.Қодиров ва бошқалар табиий географик жараёнларнинг айримларини

ўрганиш билан биргаликда уларнинг биринчи тоифасини хавфли жараёнлар туркумига мансуб дея билади. Муаллифлар табиий хавфли жараёнларни учта йирик гурухга ажратади: ернинг ички кучларига боғлиқ хавфли жараёнлар, яъни тектоник ҳаракатлар, ер қимиirlashi (зилзилалар); ернинг ташқи кучларига боғлиқ хавфли жараёнлар – тоғ жинслари қатламларида сурилмалар, сел ҳодисалари; инсон фаолияти билан боғлиқ жараёнлар – дехқончилик, чорвачилик, сув иншоотларини куриш, саноат корхоналари билан боғлиқ ҳолда юзага келувчи табиий географик жараёнлар. Шубҳасиз ушбу таснифлаш барча турдаги табиий географик жараёнларни қамраб ола билмайди.

Г.Ф.Д. профессор М.М.Маматкулов (2007 й) томонидан ҳам табиий географик жараёнлар факат Ўзбекистон ҳудудида учрайдиган турлари мисолида тадқиқ этилиб, таснифланган. Натижада ушбу жараёнларнинг етти туркумдан иборат гурухи шаклланади. Ушбу тасниф куйидагича акс этади:

1. Денудацион кучлар билан боғлиқ табиий географик жараёнлар.
 2. Гравитацион кучлар билан боғлиқ табиий географик жараёнлар.
 3. Ер усти оқар сувлари фаолияти билан боғлиқ табиий географик жараёнлар.
 4. Ер усти ва ер ости сувлари фаолияти билан боғлиқ табиий географик жараёнлар.
 5. Шамоллар фаолияти билан боғлиқ табиий географик жараёнлар.
 6. Денгиз, кўл, сув омборлари тўлқинлари билан боғлиқ табиий географик жараёнлар.
 7. Инсоннинг хўжалик фаолияти билан боғлиқ табиий географик жараёнлар.
- Муаллиф тектоник ҳаракатлар, зилзила, тоғ музликлари туфайли юз берувчи табиий географик жараёнлар турига эътибор қаратмайди.

Табиий географик жараёнларнинг энг мукаммал ва маъқул таснифи проф. А.Рафиқов, Х.Ваҳобовлар томонидан амалга оширилган булиб, бу ерда муаллифлар табиий географик жараёнларни икки йирик гурӯхга ажратади. Дастребаки табиий омиллар таъсирида содир бўладиган табиий географик жараёнлар, иккинчи гурӯх сунъий омиллар таъсирида содир бўладиган табиий географик жараёнлардир.

Биринчи гурӯх яна икки гурӯхчага ажратилади. Дастребакиси ернинг ички (эндоген) кучлари таъсирида содир бўладиган жараёнлар. Бу гурӯхга вулканлар, зилзила, тоғларнинг кўтарилиши, ер юзасининг чўкиши каби жараёнлар мансуб дея қаралган. Иккинчи гурӯхга эса нураш, эрозия, сурималар, муз ва шамолнинг иши киритилган.

Сунъий омиллар таъсирида содир бўладиган жараёнлар сирасига эса зилзилалар, ер юзасининг чўкиши ва ўпирлиши, шўрланиш, сунъий эрозия киритилган.

Биз ушбу таснифларга қўшилган ва уларни янада тўлдирган ҳолда табиий географик жараёнларни ҳосил бўлишига кўра куйидаги гурӯхларга ажратиб ўрганишни таклиф этамиз.

Табиий географик жараёнлар таснифи

1-жадвал

№	Табиий географик жараёнларнинг ҳосил бўлишига кўра гурӯхларга ажратиши	Табиий географик жараёнларнинг турлари
1	Тектоник ҳаракатлар туфайли юзага келувчи табиий географик жараёнлар	Тоғ ҳосил бўлиш, ер юзасининг чўкиши каби планетамизда юз берувчи табиий географик жараёнларнинг барчаси бевосита баъзан билвосита тектоник ҳаракатлар билан чамбарчас боғлиқ ҳолда юзага келади.

2	Зилзилалар туфайли юзага келувчи табиий географик жараёнлар	Ер юзасининг силкиниши, ёрилиши, баъзан эгилиб-букилиши, лойли вулқонларнинг вужудга келиши.
3	Вулқонлар отилиши туфайли юзага келувчи табиий географик жараёнлар	Лаваларнинг оқиб чиқиши, вулқон тутунлари, бомбалари, кулларининг отилиши, ер силкиниши, вулқон конусларининг шаклланиши ва ҳоказо.
4	Иқлим омиллари таъсирида юзага келувчи табиий географик жараёнлар	Нураш, дефляция, корразия, аккумуляция
5	Сув фаолияти туфайли юзага келувчи табиий географик жараёнлар	Ўзан ва қирғоқ эрозияси, карст, суффозия, абразия, ботқоқланиш, шўрланиш.
6	Музликлар таъсирида юзага келадиган табиий географик жараёнлар	Термоабразия, термоэрозия, солифлюкция, термокарст, термоаккумуляция, альтiplинация, экзарация.
7	Гравитацион куч етакчилигига юзага келадиган табиий географик жараёнлар	Сурилма, солифлюкция, кўчки.
8	Антропоган таъсир туфайли юзага келадиган табиий географик жараёнлар	Шўрланиш, иккиласмачи шўрланиш, ботқоқланиш, чўлланиш, агроэрозия, сув омборлар қирғонининг абразияга учраши.

Мавзуга оид савол ва топшириқлар

1. И.Г.Герасимов рельеф ер юзи формаларини ўлчамига кўра неча гурухга ажратган?
2. Д.С.Кизевальтер ва Э.К.Қодиров таснифлари ҳақида сўзлаб беринг.
3. М.М.Маматкулов таснифи ҳақида сўзлаб беринг.
4. А.Рафиқов, Ҳ.Ваҳобов, А.Қаюмов, М.Азимов томонидан таклиф этилган таснифни, юқорида қайд этилган таснифларга солиштириб баҳоланг.
5. Ушбу сатрлар муаллифи томонидан таклиф этилган таснифнинг юқорида қайд этилган таснифлардан фарқли жиҳатини кўрсатинг.

З-мавзу. Тектоник ҳаракатлар туфайли юзага келувчи табиий географик жараёнлар

Тектоник – «textonika» – юнонча сўз бўлиб, қурилиш, тузилиш деган маънени англатади. Тектоник ҳаракатлар деганда ички кучлар натижасида ер қобиги қатламларининг силжиши, ётиш ҳолатининг ўзгариб эгилиб, букилиши, узилишининг юзага келиши англашинилади. Тектоник ҳаракатлар туфайли ер пустининг айрим қисмлари ҳаракатга келиб, узок геологик даврлар мобайнида тоғ тизмаларининг кўтарилиши, тоглар орасида ботикларнинг шаклланиши содир бўлади. Бундай ҳаракатлар ер пустининг барча қисмларида ҳамда геологик даврларда кузатилиб турган, ер шаридаги кўтарилаётган жойлар билан бир вақтда чўкаётган худудлар ҳам бўлади, лекин вақтлар ўтиши билан бундай худудлар ўрни алмасиб туради. Умуман олганда, ер шарининг геологик тарихида тўққиз бора тоғ ҳосил бўлиш жараёнлари кузатилган. Буларнинг энг асосийлари: каледон, герцин ҳамда альп бурмаланишлари. Альп бурмаланиш даври, тўртламчии давр тектоник ҳаракатлари таъсирида ҳанузгача давом этмоқда. Республикамизнинг ғарбий Тяньшан, Олой, Ҳисор тизмаларини ташкил этувчи қисмлари

йилига бир икки мән күтарилигандың қолда, Чирчик, Охангарон, Фарғона водийиси, Сурхондарё водийлари эса чўкмоқда.

Шу тариқа ўрганилаётган табиий географик жараён-ларнинг барчаси бевосита, балки билвосита тектоник ҳаракатлар, тектоник ҳаракатлар туфайли шаклланувчи ёриқлар, ёриқлар атрофидаги яхлитлилиги сусайган майдонлар бўйлаб юзага келади.


Тектоник ҳаракатлар туфайли надвиглар, сдвиглар, узилмалар каби тог кўтарилиш жараёнида юз берадиган литологик қатламлар бурмаланишининг, узилишишининг ўзига хос кўринишлари шаклланади.

Чинк. Узилмалар асосан чинк каби йирик рельеф шакларининг вужудга келишига асос бўлади. Чинк этимологияси номаълум бўлган ўзбек халқ табиий географик термини булиб, уни қорақалпоқлар ва қозоқлар шинг, қирғизлар эса чинг деб аташади.


Чинклар асосан Устюрт платоси бўйлаб Шимолдан Жанубга томон 200 км масофада, баландлиги 200 м бაъзи маёнбаларда эса ҳатто 350 м. гача бўлган тик кўтарилиб турувчи баландликларни ташкил этади. Чинклар Мангишлоқ ярим оролида ҳам мавжуд. Чинкларнинг орка қисми текис плато (масалан, Устюрт платоси) бўлгани ҳолда, олд қисми эса, кўпинча пастликлар, паст текисликлар тарзида ривожланади.

Куэсталар. Куэста – испан тилида «cuesta» – тог қояси деган маънени англатади. Ўзбек халқ табиий географик терминларида эса, учма, қоя, зов тарзида ифода этилган. Улар асосан алъп типидаги тог тизмаларига хос йирик рельеф формалариданdir. Куэсталар гумбазсимон кўтарилиганды қатламларнинг моноклинал (бир томонлама) ётган ҳолатида шаклланади. Моноклинал қатламлар эса аксарият ҳолларда надвигларнинг юз бериши туфайли вужудга келади (1-расм (A)). Шу боисдан куэста деб, асосий тог тизмасига ёки тизмаларига айтилади. Улар баъзан жуда баланд кўтарилиш хусусиятига эга бўлади. Масалан, Ҳисор тизмасидаги куэсталарнинг баландлиги тик кўтарилиганды 200 м. дан ошади.

Ўзбекистонда куэста рельефи Ҳисор тогини ташкил этувчи, зинапоясимон ривожланган олти қаторлик тизмалар тарзида ривожлангандир (1Б-расм).



**1-расм. (А) Надвигларниң бўйлама кесмаси
(С.С.Кузнецов бўйича).**



**(Б) Ҳисор тогида надвиглар туфайли куэсталар
рельефининг шаклланиши (А.Низомов бўйича).**

Энг баланд ва узун куэсталар Кавказ тизмасининг шимоли гарбида, шарқда Терек дарёси билан, Гарба Белая дарёси оралиғида жойлашган бўлиб, у бир неча йўналишлардан иборат (Шубаев, 1976, 300-б.). Бу ерда дастлабки куэста рельефи тоғ олди кўтаришмалари-қирлар тарзида намоён бўлади.

Иккинчи қатор 1400 м.га күтарилиган тог рельефини ташкил этган ҳолда учинчи қатор куэсталар рельефи дengiz юзасидан 3480 м.га қадар күтарилиган баланд тоглардан иборат.

Крим тоғларининг шимолий ён бағирларида шаклланган кусталарнинг тик күтарилиган олд қисми 340, ҳатто 720 м.га қадар бўлган қояларни ташкил этади.

Сирт. Туркий ўзакдан иборат тушунча бўлиб, ўзбек халқ табиий географик терминидир. Сирт атамаси ташқарида, орқа қисмида деган мазмун беради. Улар асосан надвигларнинг орқа қисмини ташкил этади. Шу боисдан сирт деганда Тяншань тоғларидағи каби 3500-4000 м баландликда жойлашган усти текис, билинар-билинмас тўлқинсимон тарзда ривожланган қия майдонларни ташкил этувчи ялангликлар тушунилади. Сиртлар тоғларнинг мезозой эрасида пасайган ва текисланган ҳамда кейинчалик қайта кутарилиган қолдиқларидир. Ҳисор тизмасида сиртлар юзасини юра даврига хос оҳактошлар ташкил этганилиги учун ўта кучли карстланган. Катта майдоилар карст даҳаналари, водийлари, ўпқонлари, горлар билан қопланган ва ялпи каррланган далаларни ташкил этади. Сиртлар буйлаб қисман альп ўтлоқлари ривожланган ҳолда иқлими салқин, ёзи қисқа, қиши давомли, серёғин (800-1000 мм дан зиёд) эканлигини кўрамиз. Шу боисдан сиртлардан ёзги ўтлоқлар сифатида фойдаланилади.

Канъон – испан тилида «Kanon» «дара» деган маънони беради. Ўзбек халқ табиий географик терминларида «танги», – деб ҳам аталади^{*}. Канъонлар гарчанд ўзан эрозияси туфайли шакллансада, унинг асосан тектоник ҳаракатлар йўналишига монанд шаклланган ёриқлар чизиги буйлаб оқар сувлар таъсирида юзага келишини кўрамиз. Канъонлар Ўзбекистон-

* Арабистон чўлларида тангиларни эслатувчи, вақтинча оқар сув таъсирида шаклланган, тор, ён бағирлари тик шаклланган рельеф информалари учрайди. Уларнинг тубида ён бағирлардан қулақ тушган ётқизиклар бетартиб сочилган ҳолда, террасалар янин кўзга ташланмайди. Бундай рельеф кўрнишлари араб тилида «вади» деб аталади (Геологический словарь М.Г.Н.Т. 1955. стр 107). Араб тилидаги «вади» тушунчasi ўзбек тилига кириб келиб, бир мунча ўзгарган ҳолда «водий» шаклини олган бўлиши мумкин. Аммо «вади» атамаси «водий» рельефининг табиий географик хуссиятларини очиб берга олмайди.

нинг Ҳисор, Зарабшон, Туркистан, Нурота, ғарбий Тянь-Шань тоғларида кенг тарқалган рельеф формалари дид. Каньон-тандылар айрим жойларда кенглиги 5-10 м бўлган ҳолда, чукурлиги 150-200 м, давомийлиги бир неча км. ларни ташкил этади ва тагидан сув оқади.

Гейзерлар – тектоник ёриклар бўйлаб, ернинг қуви қатламларида мавжуд бўлган ҳароратли ер ости сувларининг юзага ўқтин-ўқтин отилиб туриши, фавворалар ҳосил қилиши дидир.

Гейза – испан тилидан олинган сўз бўлиб, мавж урмоқ деган мазмун беради. Гейзерларнинг географик тарқалиши вулканли ўлкаларга тўғри келади. Чунки бундай ўлкаларда саёз магма ўчоқлари ўзига хос геотермик ва гидрогеологик шароит яратади. Шу боисдан гейзерлар ўқтин-ўқтин отилиб чиқиб туради.

Мавзуга оид савол ва топшириқлар

1. Тектоник ҳаракатлар ҳақида тушунча беринг.
2. Тектоник ҳаракатлар туфайли қандай табиий географик жараёнлар вужудга келади?
3. Тектоник ҳаракатлар таъсирида қандай рельеф формалари шаклланади?

4-мавзуу. Зилзила таъсирида вужудга келадиган табиий географик жараёнлар

Эндоген тектоник кучлар таъсири натижасида ҳосил бўладиган ер усти силкинишларига зилзила деб аталади. Бу жараён ер пўстининг ички қисмидаги табиий кучлар таъсирида содир бўладиган силкинишлар туфайли вужудга келади. Ҳар йили планетамизда 100 000 дан ортиқ ер қимирлашлари сейсмик асбоблар ёрдамида қайд этилади. Шундан 100 таси вайрон қилувчи аҳамиятга эга бўлган кучли зилзилалардир. Зилзилалар содир бўлишига кўра тўрт гурухга мансуб бўлиб, у куйидагича таснифланади:

- тектоник кучлар таъсирида юз берувчи зилзилалар;
- вулканик кучлар таъсирида содир бўлувчи зилзилалар;
- денудация туфайли юз берувчи зилзилалар;
- антропоган таъсир (порглаш, қурилиш ишларида грунтни шиббалаш ва ҳоказо) туфайли содир бўладиган зилзилалар.

Ушбу туркум зилзилалар ичида энг хавфлиси ва катта майдонларни қамраб олувчи тур биринчи гурухга мансуб тектоник зилзилалардир.

Тектоник зилзилалар. Улар кўпроқ тектоник ҳаракатлар фаол бўлган, тоғ қўтарилиш жараёни тўхтамаган ҳудудлар бўйлаб тез-тез такрорланиб туради. Силкиниш пайдо бўлган жой зилзила ўчоги – эпицентр, унинг маркази эса гипоцентр дейилади. Зилзила ўчоги ер пўстидан 50 км гача, баъзан 700 км гача чукурликда бўлиши мумкин. Гипоцентрининг ер юзасидаги нуқтаси эпицентргда силкинишлар кучли бўлиб, ундан горизонтал узоклашган сари силкиниш кучи сусая боради. Зилзила кучи кўпгина давлатларда 12 баллик шкала асосида ўлчанади. Зилзила кучи оша бориши билан табиатда турлича ўзгаришлар юз бериб, бу жараённинг кўлами ҳам ошиб боради.

Зилзила кучиининг ошиб бориши туфайли юз берувчи айrim ҳолатлар ва табиий географик жараёnlар

(Жадвал Россия Ф.А. Ер физикаси институти томонидан ишлаб чиқилган шкала асосида А.Рафиқов ва
б. маълумоти асосида тузилди)

2-жадвал

№	Ернинг қимирлаш даражаси	Ер қимирлаши туфайли юзага келадиган ҳолатлар ва табиий географик жараёnlар
1	Сезиларсиз	Фақатгина сейсмик асбобларгина қайд эта олади.
2	Жуда кучсиз	Үй ичида ўтирган баъзи одамлар сезиши мумкин, дераза ойналар титрайди.

3	Кучсиз	Күпчилик одамлар сезмайды, очиқ ҳавода тинч турған одам сезиши мүмкін. Осилған жисмлар аста-секин титрайди.
4	Үртача сезиларлы	Очиқ ҳавода турған ва бино ичидеги кишилар сезади. Үй деворлари қирсиллайды. Рұзгор анжомлари титрайди, осилған жисмлар тебранади.
5	Анча кучли	Хамма сезади, уйқудаги одамлар уйғонади. Күпчилик одамлар ҳовлига югуриб чиқади. Идишлардаги суюқлайлар чайқалиб түкилади, осилған үй жиһозлари қаттық тебранади.
6	Кучли	Хамма сезади, уйқудаги одамлар уйғонади. Күпчилик одамлар ҳовлига югуриб чиқадилар. Үй ҳайвонлари бетоқат бүлади. Баъзи ҳолларда жавонлардаги китоблар, идишлар ағдарилиб тушади.
7	Жуда кучли	Күпчилик одамларни күркүв босади, күчага югуриб чиқади, автомобиль ҳайдовчилари томонидан ҳаракат вақтида ҳам сезилади, үй деворларида катта-катта ёриқлар пайдо бүлади, ҳавзалардаги сувлар чайқалади ва лойқаланади.
8	Емирувчи	Хом ғиштдан курилған имаратлар бутунлай вайрон бүлади, анча пишиқ қилиб курилған имаратларда ҳам ёриқлар пайдо бүлади, томдаги мүрилар йиқилади, баъзан дараҳтлар бутун танаси билан йиқилиб тушади, синади, тоғлик жойларда кулаш, сурилиш ҳодисалари юз беради.
9	Вайрон қилувчи	Ер қимирлашига бардош берадиган қилиб курилған имарат ва иншоотлар ҳам қаттық шикастланади, пойдевори силжиб, қийшайиб қолиши мүмкін. Оддий имаратлар

		бутунлай вайрон бўлади, ер юзасида ёриқлар пайдо бўлади, ер ости сувлари сизиб чиқиши мумкин.
10	Яксон қилувчи	Ҳамма иншоотлар яксон бўлади. Темир йўл излари тўлқинсимон шаклга кириб, бир томонга қараб эгилиб қолади, ер ости коммунал қувурлари узилиб кетади, чўкиш ҳодисалари юз беради, ҳавзалардаги сув тўлқинланиб кирғоқча урилади, қояли ён бағирларда йирик сурималар содир бўлади.
11	Фожиали	Ҳамма иншоотлар деярлик вайрон бўлади, тўғон ва дамбалар ёрилиб кетади, темир йуллар бутунлай ишдан чиқади, ернинг устки қисмида йирик ёриклар пайдо бўлади, ер остидан лойқа, балчиқлар қайнаб чиқади, сурилиш, қулаш ҳодисалари ниҳоясига етади.
12	Ўта фожиали	Ернинг устки қисмида катта ўзгаришлар юз беради. Барпо этилган ҳамма иморатлар бутунлай вайрон бўлади, дарёларнинг ўзани ўзариди, шаршаралар пайдо бўлади, табиий тўғонлар вужудга келади.

Вулканик кучлар таъсирида содир бўлувчи зилзилалар. Бу турдаги зилзилалар вулқон содир бўлаётган чуқурликларда кечётган мураккаб жараёнлар, жумладан жерлолардаги тўпланиб қолган газларнинг портлаши, магманинг эгри-буғри ривожланган жерло деворларига жуда катта куч остида урилиши туфайли кичик амплитудадаги зилзилалар содир бўлади. Бу ҳолатда зилзила гипоцентри 30-50 км чуқурликда жойлашган бўлиши мумкин. Ушбу турдаги зилзила содир бўлган кўпгина ҳолатларда вулқон отилиши кузатилади. Шу боисдан сўнмаган вулқон атрофида

зилзиланинг юз бериши одатда лава отилишининг дастлабки даракчиси сифатида қаралади. Вулканик келиб чиқишга эга бўлган зилзилалар географияси фақат айрим худудларгагина, яъни вулканлар зонаси учун хосдир.

Денудация жараёни туфайли юз берувчи зилзилалар. Ер юзида содир бўлувчи зилзилаларнинг жуда оз қисми-нигина ташкил этади. Чунки улар фақат айрим ҳолатлардагина юз берадиган тоғлик худудлардаги йирик сурilmалар, қулашлар, кўчкilar ёки улкан карст бўшлиқлари шифтининг ўпирлиб тушиши туфайли содир бўладиган силкинишлар туфайли юзага келади. Шу боисдан денудация туфайли юз берувчи зилзилаларнинг гипоцентри анча юзада ётиши билан ва эпицентрда ҳам силкиниш даражасининг сустлиги ва узоқ давом этмаслиги билан хусусиятланади.

Антropоген таъсир туфайли юзага келувчи зилзилалар. Ушбу турдаги зилзилалар инсоннинг табиатга таъсири туфайли шаклланади. Кон қазиши, инженерлик ва ҳарбий ишлар мақсадида портлатиш ишларини йўлга кўйиш, муайян юза бўйлаб оғир юкнинг жуда катта микдорда тўпланиши, масалан, йирик сув омборлар курилиши ёки сув, газ, нефть маҳсулотларининг зўр бериб сўриб олиниши туфайли юзага келади. Чунки охирги ҳолатларда катта куч билан босилиш туфайли сув омбор косасини ташкил этувчи тог жинсларининг сикилиши ва таранглашиши туфайли мавжуд бўлган тектоник синклар ривожланади, янгидан шаклланади ва зилзила бўлишига олиб келади. Уларнинг гипоцентри 5-25 км чуқурликда жойлашган бўлишининг ўзиёқ айрим ўзга турдаги антропоген таъсирлар туфайли юз берувчи зилзилаларга қараганда кучли бўлишини кўрсатади. Масалан, 1976, 1984 йиллари юз берган 8 баллик Газли зилзиласи шу худудда мавжуд бўлган газни зўр бериб сўриб олиш туфайли юзага келган, дея шарҳланади.

Демак, антропоген таъсир туфайли ҳам бирмунча кучли зилзилалар содир бўлиши мумкин экан, деган хулоса қилиш имконияти юзага келади. Дарвоқе антропогон таъсир туфайли

вужудга келган зилзилалар Ҳиндистон, АҚШ ҳудудларида бир неча бор кузатилган. Аммо улар ҳам планетамизда юз берувчи жами зилзилаларнинг жуда оз қисминигина ташкил этади холос.

Мавзуга оид савол ва топшириклар

1. Зилзилаларни келтириб чиқарувчи қандай кучларни биласиз?
2. Тектоник харакатлар туфайли юз берувчи зилзилалар қандай хусусиятга эга?
3. Вулканик кучлар таъсирида содир бўлувчи зилзилалар қандай хусусиятга эга?
4. Денудация жараёни туфайли юз берувчи зилзилалар қандай хусусиятга эга?
5. Антропоген таъсир туфайли юз берувчи зилзилалар қандай хусусиятга эга?

5-мавзу. Иқлим омиллари таъсирида юзага келувчи табиий географик жараёнлар

Иқлим элементлари тарзида ўрганиладиган, қуёш нури, ҳарорат, ёғин турлари, шамол таъсирида нураш, дефляция корразия каби табиий географик жараёнлар юзага келади.

Нураш. Нураш экзоген жараёнлар туркумига мансуб бўлиб, у ҳарорат кўрсаткичининг тебраниши, сув, шамол, муз, ўсимликлар, микроорганизмларнинг механик, физик ёки кимёвий таъсирида ўзгариши натижасида бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтиши ва уваланиши туфайли юзага келади.

Нурашнинг физик, кимёвий ва биологик турлари мавжуд.

Физик нураш деганда, тоғ жинсларининг ҳаво ҳарорати таъсирида (сутка ёки соатлар мобайнида кескин ўзгариши натижасида) бўлакларга ажralиши тушунилади.

Уваланиш ҳаво ҳароратининг кўтарилиши сабабли тоғ жинслари ҳажмининг кенгайиши, совиши ва аксинча сиқилиши натижасида, майда бўлакчаларга ажralиши туфайли

юзага келади. Төг жинсларининг қуёш нури таъсирида қизипши, унинг рангига ҳам боғлиқ. Түқ тусли (қора, жигарранг ва ҳоказо) төг жинслари нурни ўзига кўпроқ қабул қилганлиги учун оқ ёки унга яқин тусдаги төг жинсларининг қуёш нурини кўпроқ қайтариши ва қисман ўзига қабул қилиши туфайли, қора тусли төг жинсларига нисбатан сустроқ даражада қизийди. Демак, қора рангли төг жинслари қуёш нури таъсирида кўпроқ уваланади, оқ рангли төг жинсларида эса нураш нисбатан камроқ ривожланади. Ушбу жараён төг жинсларининг юза қисмида фаолроқ кечганлиги боисдан нураш даражаси асосан төг жинсининг сиртидан ички қисмига томон камайиб боради.

Натижада нураш жараёни асосан төг жинсининг юза қисмида фаол кечади ва чуқурлик даражаси ошган сари нураш кўрсаткичи сусая боради.

Төг жинси таркибида ҳосил бўлган ёриқлар тектоник кучлар таъсирида ҳам шаклланиши мумкин. Айниқса, йирик маштабдаги тектоник ёриқ ўтган йўналиш бўйлаб бир неча юзлаб, ҳатто минглаб метр кенглиқда уваланиш майдони юзага келади. Бу ерда тектоник ёриқлар кўлами капилляр ўлчамлардан энига бир неча см, чуқурлиги ҳам шунга мутаносиб равишда бир неча ўнлаб см, ҳатто бир неча метрларга етиши мумкин. Физик нураш туфайли ушбу жараён кўрсатилган юза бўйлаб янада кенгроқ ривожланади, балки бу ҳолат бирмунча чуқурликларда ҳам кечиши мумкин.

Уваланган жинслар бўлаги қанчалар кичик бўлса, физик нураш фаолиятининг шунчалар сусая боришини кузатамиз. Чунки уваланган төг жинсининг парчаси қанчаик кичик бўлса, ҳарорат унинг барча қисмида деярлик бир хил тарзда кузатилади, шу боисдан ўша жинсининг чатнаши натижасида янада кичик бўлакларга ажralиш коэффициенти ҳам шунчалар кичик бўлади.

Кимёвий нураш. Нурашнинг бу тури асосан сув, ҳаво (CO_2 ва O_2) ҳамда микроорганизмлар таъсирида кечади. Маълумки, барча төг жинслари сув таъсирида маълум

микдорда эрийди. Айниңса, сув таркибида эриган карбонат ангидрид микдори күпайса, бу жараён янада кучаяди. Эриган карбонат ангидрид эса, атмосфера ёғинлари таркибида күпроқ учрайди, чунки қор ёмғир суви уни ҳаводан күпроқ ютиб олади. Натижада атмосфера ёғинларининг табиатда эришидан ҳосил бўладиган карбон кислотаси жинсларини эритувчанлик даражаси кескин ошади. Карбонат ангидриднинг сувда эришидан ҳосил бўладиган карбон кислотаси таъсирида силикатларни парчалаб, уларнинг таркибидаги кремнозёмни ҳайдаб чиқаради, кислотанинг ўзи эса силикат металларига кўшилади ва улар билан биргаликда турли карбонат кислота тузларини ҳосил килади, бу тузларнинг кўпчилиги ҳар ҳолда осон эрийди. Қийин эрийдиган монокарбонатлар (кальций карбонат) карбон кислота иштирокида осон эрийдиган биокарбонатларга (кальций гидрокарбонатта) ҳам айланади. Бундан ташқари, сув сувсиз минералларга кўшилиши ва уларни сувли минералларга айлантириши мумкин. Масалан, қизил темиртошнинг лимонатта, ангидриднинг гипсга айланishi ушбу жараёнга мисол бўлади. Шундай қилиб, кимёвий нураш натижасида тоғ жинси таркибидаги дастлабки мураккаб минераллар, оддийроқ минералларга парчаланади (С.В.Колесник 1966).

Биологик нураш. Тирик организмларнинг тоғ жинсларига таъсири натижасида биологик нураш содир бўлади. Тоғ жинслари таркибидаги майдада ёриклар бўйлаб ўсган ўсимлик, бута баъзан арча каби йирик танали дарахтлар ривожлана бориб, ёрикларнинг кенгайишига, натижада тоғ жинсларининг парчаланишига сабабчи бўлса, иккинчидан тоғ жинсларининг таркиби таъсир этадиган эритмалар ажратиб чиқариб, уларни емиради ва тоғ жинслари кичик бўлакларга ажралиб, парчаланиб кетади.

Умуман олганда, нурашнинг барча (физик, кимёвий, биологик) турлари бир-бири билан узвий алоқада бўлган ҳолда ва бир-бирларини ривожлантирадиган равишда кечади.

Нурашнинг табиатдаги роли ва географик тарқалиш хусусиятлари. Ер юзасининг барча худудларида ҳам нураш жараёни юз бериб, унинг уч туридан бири устуворлик қиласади. Демак, нураш гарчанд барча худудлар бўйлаб юз берсада, бу жараённинг ривожланиши бир хил тарзда кечмайди. Чунки нураш омиллари бўлган ҳарорат, ҳарорат амлитудаси, сув микдори турли жойларда турличадир. Натижада нураш туфайли кичик бўлакларга ажralган тоғ жинсларига айланган қоплам қалинлиги (нураш пўсти) ҳам турли жойда турлича бўлиши мумкин. Бу кўрсаткич иқлим шароити, нураш омилларининг фаолият даражасига кўра бир неча см дан (ҳарорат паст нукталарда) 100 м гача (ҳарорат ва нам етарли бўлган мингақаларда) 100 м гача (ҳарорат ва нам етарли бўлган мингақаларда) етади. Ҳар қандай шароитда ҳам нураш пустининг куйи чегараси сизот сувининг юқори сатҳига қадар давом этади. Демак, кўрсатилган қатлам бўйича уваланган тоғ жисмларининг физик, кимёвий ҳолати фаоллашади ва бу жинслар гравитацион куч, шамол, сув, муз таъсирида бир жойдан иккинчи жойга кўча бошлайди. Натижада юз берган ҳаракат туфайли уваланган жинслар янада майда заррачаларга бўлинади ва тупроқ қопламишининг шаклланиши учун зарурий шароит вужудга келади. Маълумки, ҳар қандай тупроқ тўрт органик қисмдан ва говак минерал массадан иборат бўлиб, нураш маҳсулотлари билан биологик омилларнинг ўзаро таъсири натижасида ҳосил бўлади.

Нураш пустининг шаклланиши даражаси, албатта, унинг тури билан ҳам узвий боғлиқ ҳолда кечади. Чўл зонаси бўйлаб бир кеча-кундуз мобайнида ҳаво ҳарорати кескин ўзгарганилиги учун физик нураш ҳукмронлик қилиб, нам кам бўлганлиги учун кимёвий нураш сусаяди. Тупроқ қопламидаги нам пастдан юқорига томон кўтарилиб чиқади ва нураш пустидаги туз заррачалари тўпланиб, тупроқ қопламишнинг шўрланишига сабабчи бўлади.

Нам ва ҳарорат етарли бўлган тоғли худудларда физик нураш билан биргаликда кимёвий нураш ҳамда биологик нураш ҳам авж олиб ривожланади. Шу боисдан, бу ерда

тупроқ ҳосил бўлиш жараёни кечади. Юза қатлам бир неча ўнлаб метрғача нурайди. Ҳатто йирик тектоник ёриқлар ўтган ҳудудлар бўйлаб (зона ослабления^{*}) нурап жараёни юзлаб метр қалинликда кечади. Аммо қияликнинг юқорилиги, шамол, сув, қор кўчкилари, музликларнинг ҳаракати туфайли нуроқ жинсларнинг бир жойдан иккинчи жойга кўчиши кўп-лаб кузатилади. Натижада нуроқ жинслар бир жойда кўпроқ тўпланса, иккинчи жойда юпқалашади. Уларнинг ушбу ҳолатига мутаносиб равишда тупроқ қопламишинг ривожланиши ҳам турлича кечади. Ҳатто баъзан қояли жинслар очилиб қолган ҳудудлар бўйлаб тупроқ қоплами учрамайди.

Баланд тог минтақалари бўйлаб ҳарорат бирмунча паст, айникса, ҳатто ёз фаслида ҳам сув музлаши мумкин. Шу боисдан тог жинсларининг ёриқларида тўпланган сув ҳам музлаб ва кундузлари ҳароратнинг кўтарилиши туфайли яна эрийди. Ҳаво ҳароратининг бу тариқа кескин кўтарилиши ва совиши натижасида тог жинсларининг ҳажми ҳам ўзгаради, чатнаш даражаси кучаяди. Натижада физик нураш фаоллашади. Аммо нураш жараёни йил бўйи бир хил тарзда эмас, фасллар бўйлаб танлаб ривожланади. Яъни баҳорнинг охир, ёз ва кузнинг дастлабки кунларида фаолроқ, қолган пайтлари эса, сустроқ кечади. Шу боисдан баланд тог минтақасида тупроқ ҳосил бўлиш жараёни бирмунча секин ривожланади.

Қайси бир баландлик минтақасида бўлмасин, тог жинслари нураган жойда ўрнашиб қолиши натижасида ҳосил бўлган ётқизикларни Е.В.Шанцер (1966) эловий дея атаган. Шу боисдан эловий ётқизикларнинг она жинслар билан узвий бирлиги, таркибий тузилишига нисбатан ўхшашлиги, ушбу ётқизиклар учун жуда хос хусусиятдир. Эловийларнинг яна бир хос хусусияти уларнинг таркибида ўзга таркибли ётқизикларнинг аралаш тарзда учраши, сув таъсирида силликланиши, сараланиши ёки қатлам-қатлам ҳолда бўлиши кузатилмайди. Баланд тог минтақалари бўйлаб

* Зона ослабления – рус тилидаги тушувча бўлиб, у тектоник ёриклар атрофияда тог жинслар монолитларининг бузилиши, натижада говакдорлик даражасининг ошишини билдиради.

мавжуд бўлган криоген^{*} зоналарда манфий ҳарорат туфайли юзага келган элювийлар кузатилади. Ҳар қандай ҳолатда ҳам элювийлар таркибини катта-кичик ўлчамдаги харсанглар, бурчаклари киррадор чақиқ жинслар, ўлчами 1-10 мм дан ошмайдиган тоғ жинси бўлаклари ташкил этади.

Элювийлар тупроқ қопламининг шаклланишида муҳим роль ўйнайди. Бундай тупроқлар генетик келиб чиқишига кўра автоморф ва гидроморф гурухларга ажратилади.

Мавзуга оид савол ва топшириқлар

1. Нураш ва унинг сабаблари ҳақида тушунча беринг.
2. Нурашнинг неча тури мавжуд?
3. Физик нураш ва унинг хусусиятлари ҳақида сўзлаб беринг.
4. Табиатда кимёвий нураш қандай содир бўлади?
5. Биологик нураш ҳақида тушунча беринг ва унинг физик ва кимёвий нурашдан фарқини айтинг.
6. Нураш табиатда қандай аҳамият касб этади?

Шамол таъсирида юз берувчи табиий географик жараёнлар ва рельеф шакллари. Ҳаво массаларининг горизонтал ҳаракати туфайли юзага келувчи куч шамол деб аталади. У иқлим омилидир. Чунки, ҳароратни бир жойдан иккинчи жойга кўчириб, ҳаво таркибидаги намни ўзгаришига кунларнинг исисиши ёки совишига сабабчи бўлади. Ҳаво массалари ҳаракатланганда ер юзасига ишқаланиб, уни емиради, минерал заррачаларни бир жойдан иккинчи жойга олиб кетади ва тўплайди. Натижада эса геоморфологик омилга айланади. Демак, шамол кучи туфайли дарё ўзанини емиргандаги каби бир чизиқли йўналишда эмас, балки кенг майдон бўйлаб, аммо майдонларни танлаган ҳолда емириши ишларини олиб боради. Биз бу ерда «танлаш» тушунчасига атайлаб ургу бердик. Чунки, шамолнинг таъсири ер юзасининг барча худуд-

* krios – лотинча совуқ демақдир.

лари бўйлаб бир хилда эмас, балки қуруқ, ўсимликлар сийрак ўсувчи худудларида фаол кечади. Бундай майдонларни чўллар, чала чўллар, қумли соҳиллар, нураш, сув таъсирида кучли емирилган майдонлар ташкил этади. Шамолнинг ишини табиатда юз беришига кўра қуидаги гурухларга ажратишмиз мумкин:

Емириш. Шамол ўз ҳаракати мобайнида ер юзасига ишқаланар экан, унинг ташқи таъсирга сербардош бўлмаган худудларни емира бошлайди. Шамолнинг емириш иши дефляция ва корразия тарзида рўй беради.

Дефляция – лотинча «deflatio» – пуфлаш, пулфайман деган маъно беради. Бу жараён туфайли тоғ жинсларининг шамол таъсирида емирилиб, майдаланган заррачаларнинг бошқа жойларга кўчирилиб кетилиши кузатилади. Дефляция жараёни, айниқса чўлларда, ёғингарчилик кам бўладиган, ўсимликлар сийрак ўсадиган, курғоқчил иқлим ҳукмон бўлган худудлар бўйлаб кўп кузатилади. Чунки бундай майдонлар бўйлаб шамол майда, қуруқ ва енгил заррачаларни осонлик билан жойидан қўзғатиб, бир нуқтадан иккинчи нуқтага кучира олади. Олиб кетиладиган заррачалар ўлчами шамолнинг тезлиги билан чамбарчас боғлиқдир. Масалан, М.С.Шерматов ва бошқаларнинг маълумотларига кўра, секундига 6,5 м тезлиқда эсувчи шамол диаметри 0,25 мм дан ошмайдиган чанг заррачаларини осонгина бир жойдан иккинчи жойга кучира олади. Ундан кучли шамол эса, янада йирикроқ заррачаларни учира олади. Масалан, секундига 10 м тезлиқда эсувчи шамол диаметри 1 мм бўлган тоғ жинси заррачаларини жойидан қўзғатиб ўнлаб, ҳатто юзлаб км узоқликка олиб бориб ётқизиши мумкин. Секундига 20 м тезлиқда эсувчи довул тарзида шаклланган шамоллар эса, диаметри 4 мм гача бўлган тоғ жинси булакларини учирив кетади. Ўртacha тезлиқда эсувчи шамол ер юзасидан 25 km^3 ёки 50 млрд. тонна миқдордаги чанг заррачаларини атмосферага кўтара олади. Бунча миқдордаги юкни бир жойдан

иккинчи жойга олиб бориш учун В.Мильничук маълумотига кўра 8 млн. та темир йўл вагони керак бўлар эди.

Дефляция нураш жараёни кучли бўлган худудларда фаол кечади. Натижада 5-10 см қалинликдаги тупроқ қоплами, шўрхоклардаги туз заррачалари шамол таъсирида кўкса кўтарилади ва қуюқ чанг булутлари куёш нурини тусиб, теварак-атроф қоронгулашади. Шундай чанг бўронлари айниқса, Кизилкум, Қорақум каби йирик чўлларда тез-тез такрорланиб тургани ҳолда, баъзан унинг атрофларида ҳам кузатилади. Масалан, кузатишларимизга кўра, Кизилкум чўлида шаклланган чанг бўрони кейинги 50 йил давомида биринчи маротаба Зарафшон водийси бўйлаб 2011 йилнинг август ойида юз берган бўлиб, жараён уч-тўрт соат давом этди. Ўшанда Ер юзасини бир неча мм қалинликдаги майдо чанг заррачалари қоплаб олган эди. 1953, 1968, 1975 йили Ашхобод атрофида кузатилган чанг бўрони туфайли ҳар бир гектар майдон бўйлаб 30 тонна чанг заррачалари ётқизилган. Демак, 2011 йилнинг августидаги Зарафшон водийсида кузатилган чанг бўрони ҳам шундан кам бўлмаган миқдордаги дефляция материалларини – эол ётқизикларни олиб келтириб ётқизган бўлиши мумкин. Демак, шамол тоғ жинсларининг майдо заррачаларини олиб кетиш, транспортировка ва аккумуляция қилиш – тўплаш хусусиятига эга экан. Шамол элтиш, яъни олиб кетиши вазифасини бажарган жойларда, дефляция туфайли юзага келган рельеф шакллари, шамол котловиналари ҳосил бўлади. Шамол котловиналари жинсларни шамол учирив кетиши учун шароит айниқса, кулай бўлган майдонлар (шўрхоклар, ер юзаси кучли механик таъсирига учараган ерлар) да ёки маҳаллий шамоллар мудом кучли эсадиган жойлар (масалан, шамол бирон механик тўсиқقا – дўнглик, тепаликка учраб уюрма ҳосил бўладиган ерлар) да вужудга келади. Орол дengизининг шимолий қисмида жойлашган Қорниёриқ шўрхокли ботиги худди шундай йўл билан ҳосил бўлгандир. Демак, В.А.Федорович фикрига кўра, ушбу ботик 1 миллион йил давомида шаклланган. В.А.Федорович фик-

ридан келиб чиқиб, мазкур худудда дефляция 1 миллион йилдан оширок давр мобайнида давом этмоқда дейиш мумкин.


Дефляция асосан ялпи тарзда, кенг майдонлар бўйлаб ривожлангани каби таассурот уйғотсада, аслида у нуқтали баъзан чизикли тарзда юз беришини ҳам англаш мумкин.

Нуқтали тарзда ҳосил бўлувчи дефляция ўчоқлари йирик бўлмаган шўрхоклар, чорва туёклари ёки механик таъсир туфайли кучли ўзгарган майдонлар тарзида юзага келади. Масалан сувлок – кудуқлар аторфида.

Чизикли тартибда юз берувчи дефляция ўчоқлари эса асосан қум, шагал ёки асфальт, бетон каби қопламалари бўлмаган дала йўллари мисолида вужудга келади. Айниқса, лёсс ётқизиклари кенг тарқалган Ўзбекистоннинг адир минтақасида чизикли тартибда юз берувчи дефляция кучли сезилади. Шу боисдан адирлар бўйлаб ўтган йўллар чорва моллари, транспорт турлари, умуман серқатнов ҳаракат туфайли кучли топталганлиги учун шамол таъсирига тез берилади. Натижада шамол кўпчиган тупроқ қоплами (маҳаллий ёки ўзбек халқ табиий географик терминларида бу ҳолатни гурпак тупроқ деб аталади А.Н.) енгилгина кўчира олади ва натижада йўл юзаси йилдан-йилга чукурлаша бориб, бир неча метрдан, ҳатто ўнлаб метргача чукурлашиб кетади. Бу жараённи ривожланишига ёмғир, эриган қор суви туфайли юз берадиган сув эрозияси ҳам сабабчи бўлиши мумкин. Чунки дефляция туфайли чукурлаша борган йўл йўналиши, атмосфера ёғинлари учун табиий ўзан ўрнини ўттай олади. Шамол туфайли турли рельеф шакллари ҳосил бўлади. Улар қуидагилардир:

Бархан. Кумли чўллар бўйлаб шамол йўналиши бўйича ёйсимон ёки яrim ёйсимон тарзда шаклланган 5-20 м баландликдаги қум тепалар барханлар деб аталади. Уларнинг шамолга рўбарў томони қия, шамолга тескари ён бағирлари тик бўлади. Барханлар шамол таъсирида йилига бир неча см дан, юзлаб метрга қадар кўчиб юради. Кучли шамол эсган даврда бир неча соат мобайнида ҳам янги бархан уюми шаклланиши мумкин. Барханлар асосан қум заррачаларининг

бирон бир түрғун предмет (бута, йирик харсангош, бутасимон пакана дараҳт ва ҳ.к.) атрофида тұпланиши туфайли юзага келади (2-расм).



2-расм. Бархан.

Планда барханлар шакли ярим ой ёки ўроқ шаклида булиб, параболик дюналарга үхшаб кетади. Лекин барханлар билан параболик дюналарнинг фарқи анча катта: параболик дюналарнинг узуунлиги тепасидан ҳисобланганда бир неча километрга етади, ўрта қисми ингичка, икки учи узун, қавариқ ён бағри тиқ, ботиқ ён бағри ётиқ бұлади; уларга нисбатан барханлар жуда кичик, ўрта қисми көнд, баланд, икки учи қисқа ва бархан силжиб кетаётган томонға қараган бұлади (ъynни барханнинг учлари унинг ўрта қисмидан доимо олдинда юради, параболик дюнанинг учлари эса, ўрта қисмидан орқада боради), барханнинг қавариқ ён бағри ётиқ, ботиқ ён бағри тикдир (С.В.Колесник, 1966).

Дюна (кельтча *duna*-тепалик деган мазмун беради). Денгиз, дарё, күл баъзан йирик сув омборлар соҳили буйлаб түзима құмларнинг шамол таъсирида баландлиги 10-30 м

баъзан ҳатто 300 м бўлган тепаликлар ҳосил қилиши туфайли ҳосил бўлади. Дюналар ҳам шамол таъсирида йилига бир неча см силжиб туриши мумкин. Дюналар барханлардан шамолга рўбарў томони узун ва олдидағи тик томони дўмбок бўлиши билан фарқланади.

Корразия – лотинча «corrasio» сўзидан олинган бўлиб, унинг маъноси чархлайман, силлиқлайман демакдир. Демак, корразия жараёни, шамолнинг тоғ жинсларининг майда заррачаларини учириб бора туриб, зарб таъсирида қояларнинг силлиқлаши, ўйилиши, емириши туфайли юз беради. Натижада қоялар турли ғаройиб шаклларга киради. Бу ҳосилалар баъзан инсон, жониворларнинг ҳайкалларини эслатса, баъзан асалари уяси, қўзиқорин, минора ва бошقا шакллар тарзини олади. Чунки ҳаракатланаётган ҳаво массаси (шамол)нинг ер юзасига яқин қисмида майда заррачалар нисбатан кўп бўлади. Шунинг учун шамол таъсири қояларнинг юқори қисмiga нисбатан қуий қисмини кўпроқ емиради. Баъзан эса чукурчалар, қамбар ўйиклар тарзида юқорида таърифланган рельеф кўринишлари юзага келади.

Чўл минтақасида ҳам, айниқса, корразия фаол ривожланган. Масалан Устюрт чинклари Орол денгизи томондан эсувчи шарқий шамоллар таъсирида турли шакллар ҳосил қилиб кучли емирилганлигини кўрамиз.

Адир минтақасининг юқори, тоғ минтақасининг қуий қисмида корразиянинг қояли жинсларга таъсири, айниқса, яққол сезилади. Бу минтақада кўпроқ гранит қоялар Нурота (Кўйтош, Сангги жуман, 40 т оғирликдаги тебранувчи тош Зарбанд), Туркистон (Зомин давлат қўриқхонасидаги 15 м баландликдаги тош минора, тош қўзиқорин шаклдаги брекчия, конгломерат қолдиқлари), Зарафшон тизмаси (динозаврлар жангини эслатувчи гранит қоя, Лангар қишлоғидаги ғаройиб гранит қоялар) даги корразия туфайли юзага келган ҳосилаларни мисол келтириш мумкин.

**Шамол кучини аниқлаш учун Бофорт томонидан
тузилган халқаро шкала**

3-жадвал


Баллар	Шамолнинг тезлиги м/сек.	Шамолнинг хусусиятлари
1	0-0,5	штиль, тинч ҳаво
2	0,6-1,7	секин
3	1,8-3,3	енгил
4	3,4-5,2	кучсиз
5	5,3-7,4	ўргача
6	7,5-9,8	хунук
7	9,9-12,4	кучли
8	12,5-16,2	каттиқ
9	16,3-18,2	жуда қаттиқ
10	18,3-21,5	довул
11	21,6-25,1	кучли довул
12	25,2-29,0	ўта кучли довул
13	29,0 дан ортиқ	тўфон

Шамолнинг майдаланиб қумга айланган тоф жинслари заррачаларини учирив кетиши унинг фақат тезлигигина эмас, балки юқорига томон ҳаракатланиб кўтарилаётган ҳаво массаларининг қуичига ҳам боғлиқдир. Шамолнинг кучи қанчалик юқори бўлса, у шунча катта донадор заррачаларни юқорига томон учирив кета олади.

Гилли майдонларда, шамол эсаётган йўналиш бўйлаб чукур, қатор-қатор жўяксимон ўйиклар шаклланади. Рельефнинг бундай кўриниши ярданглар деб аталади. Ярданг – соф туркий ўзакли тушунча бўлиб, жарчалар деган мазмун беради. Чунки жар ҳалқ табиий термини сифатида Фарғона водийсида яр, ёр, Ўзбекистоннинг жанубий-гарбий қисмларида жор тарзида кўлланилади*. Демак, ярданг ўзининг морфологик ўлчамларидан келиб чиқиб, жартанг, тор

* Шу боисдан Красноярск, Куйғанёр, Єркент, Болтажарбоши каби топонимлар шаклланган.

жарчалар деган түшунчага тұғри келади. Ярданг сўзининг этимологик мазмуни, унинг геоморфологик тузилишидан келиб чиқкан ҳолда юз беради. Чунки ярдангнинг чуқурлығи баъзан 1 м дан 6 м гача, бўйламасига ўнлаб метрларгача бўлган ҳолда, энига атига 0,5-1 м атрофида ривожланади (3-расм).



3-расм. Ярдангларнинг бўйлама кесмаси.

Аккумуляция – шамол тоғ жинслари, турли ётқизикларни дефляция, корразия туфайли олиб кетиши билан биргаликда, уларни маълум худудлар бўйлаб тўплайди. Ушбу жараён аккумуляция деб аталади. Аккумуляция – лотинча «akkumulo» - тўплаш деган мазмунни беради. Шамол аккумуляцияси туфайли барханлар, дюналар каби рельеф формалари, эол ётқизиклари бўлган лёссли, қумоқ лёссли ётқизиклар юзага келади.

Мавзуга оид савол ва топшириқлар

1. Шамол таъсирида юз берувчи табиий географик жараёнлар ҳақида түшунча беринг.
2. Дефляция қандай табиий географик жараён?
3. Шамол кучи туфайли юзага келувчи қандай рельеф формаларини биласиз?
4. Корразия табиатда қандай кечади?
5. Корразия туфайли юзага келувчи рельеф кўринишлари ҳақида түшунча беринг.

6-мавзу. Сув фаолияти туфайли ҳосил бўладиган табиий географик жараёнлар ва рельеф формалари

Гидрологик ва гидрогеологик оқим табиатда муҳим роль ўйновчи энг йирик омиллардан биридир. Шу боисдан улар билан боғлиқ ҳолда кўпгина табиий географик жараёнлар юз беради. Жумладан карст, сүффозия, ўзан ва қирғоқ эрозияси, сел, жарланиш ушбу гурухга мансубдир. Гидрологик ва гидрогеологик оқим ўзаро чамбарчас боғлиқ ҳолда шакллансада, улар табиий географик жараёнларнинг юз беришида турлича аҳамият касб этади.

Гидрологик оқим деб, сувнинг ер юзаси бўйлаб ҳаракатланаётган қисмига айтилади. Гидрологик оқимни ўз навбатида ўзансиз ва ўзанли дея икки гурухга бўлиб ўрганиши мумкин.

Ўзансиз оқим. Эриган қор суви, ёмғир ёғиши, дўл тушиши туфайли қиялама ён бағирлар бўйлаб, бир неча мм қалинликда ер юзасини ёппасига қоплаб олувчи оқим шаклланади. Улар баъзан майда жўяқчалар ҳосил қилсада, бу жараён узоқ вақт давом этмайди. Шу боисдан ушбу майда жўяқчалар куригандан кейин нураш, дефляция ва бошқа жараёнлар таъсирида ўзгариб емирилиб кетади.

Ўзансиз оқим гарчанд қисқа муддат мобайнида фаолият кўрсатсада, ён бағирларнинг емирилиши, емирилган жинсларнинг оқим билан биргаликда кўшилиб, бошқа жойга олиб бориб ётқизилиши, тўпланиши каби жараёнлар юз беради. Ён бағирлар бўйлаб карбонатли, сульфатли ва хлоридли жинслар очик учраган ҳолатларда эса карст жараёни ривожланади.

Ўзанли оқим. Майда жўяқчалар бўйлаб оқиб тушадиган сувларнинг кўшилишидан ён бағирнинг куйироқ қисмида нисбатан бирмунча кенг ва чукурроқ бўлган жўяқчалар вужудга келади. Бундай чукурликлар бўйлаб ҳаракатланаётган сув ўзанли оқим дейилади. Чунки оқим ҳаракатланаётган табиий пастқамлик ўзан ўрнини ўтайди.

Ўзанли оқимништеги тарзидан күра, шартли равищда икки гурухга ажратған ҳолда ўрганишимиз мумкин:

- ✓ вақтингча ҳаракатланувчи сув оқими;
- ✓ доимий сув оқими.

Уларни табиий географик жараёнлар шаклланишида тутған ўрнига биноан алоҳида-алоҳида тарзда тавсифлашимиз мумкин.

Вақтингча ҳаракатланувчи сув оқими. Бундай хусусиятта эга бўлган оқимлар асосан арид иқлимли минтақалар учун ўта хусусиятлайдир. Чунки, вақтингча оқар сувлар эриган қор суви, ёмғир, дўл тушиши ёки ер ости сув заҳираларининг қисқа муддат мобайнида ер юзасига кўтарилиши туфайли юзага келган сув манбалари-булоқлар (эфемер булоқлар) таъсирида юзага келади.

Вақтингча оқар сувлар таъсирида тупроқ эрозиясининг асосий кўриниши тарзида жарларни вужудга келтиради.

Жарланиш^{*}. Жарланиш – республикамиз ер ресурсларидан самарали фойдаланиш ишларига жиддий путур етказувчи табиий географик жараён тарзида Т.С.Муҳамедов (1965,1993), Б.Р.Жўраев (1977), Х.М.Махмудов (1980), А.А.Хоназаров (1983), С.Р.Сайдова (1983), А.Н.Нигматов (2005) лар томонидан атрофлича ўрганилган. Мутахассисларнинг эътироф этишларича, бу жараён, айниқса, Зарафшон водийисининг ўрта қисмларида ўта ривожланган булиб, биргина Оқтепасой ва Андоқсой оралигидаги 220 кв.км. майдонда 100 дан ортиқ жарланиш ўчоги кузатилади (Баратов П. 2003). Ўрганилаётган худудда олиб борилаётган кузатишларнинг натижаларига кўра жарларнинг аксарияти чизиқли тартибда ривожланган булиб, планда дарахтсимон шакл касб этади. Чунки, уларнинг ривожланиши вақтингчалик оқар сув ўзанларининг йўналишларига мос булиб, ҳар бир янги шаклланаётган тармоқ ёнлама, ўзан эса жарлик

* Жар соғ туркӣ ўзакдаги тушунча бўллаб «ёриши» Жанубий Фарбий Ўзбекистонда «жоридин» сўзининг ўзаштирилиши, қисқариши тифайи «сар» тарзини оғландир. Ўзбек халқ табиий географик терминаларда жарнинг бошлиниш қисми Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларидаги тупроқ копламилиният йирилишлага ишора сифатидаги «сарна» деб аталади.

ривожланаётган бош ирмоқ ҳисобланади. Агар бу ҳолатни «Зарафшон водийси ўрта қисмининг базис юзалари бўйлаб жарланишининг ривожланиш босқичлари» номли картага солиштириб кўрадиган бўлсак ёки тармоқлар, яъни ёш жарликлар ҳосил бўлаётган йўналишлар базис юзасининг I тартибли майдонларига, жарланишининг ўзак қисмлари эса базис юзасининг II тартибли майдонларига тўғри келишини кўрамиз. I тартибли базис юзалари геоморфологик жиҳатдаи бирмунча тик ($30-40^{\circ}$), II тартибли юзалар эса биринчисига нисбатан бироз ётиқ ($10-15^{\circ}$) майдонларни ташкил этади. Ҳар иккала ҳолатда ҳам жарланиш содир бўлаётган жинслар қалинлиги ўртача 8-12 м дан иборат бўлган лёсс қатламларидан иборат эканлигини кўриш мумкин. Зарафшон водийсининг ўрта қисмларида лёсс қатламлари дарёнинг I-II тартибли террасаларидан юқорига томон сидиргали тарзда адир минтақасини қоплаб олган бўлиб, юқорига кўтарилиган сари қалинлик даражаси бирмунча камая боради. Энг қалин лёсс қатламлари деңгиз сатҳидан такрибан 360-450м баландликдаги ҳудудлар бўйлаб учрайди. Жарланиш жараёни ҳам айнан шу кўрсаткичдаги баландликларда кучли ривожлангандир. Уларнинг морфологик кўрсаткичлари турли аҳамият касб этади. Жанубий Нурота тизмасининг жанубий ён бағридаги Хотинқочдисой, Ровонхона, Тошбақалисойнинг юқори қисмлари бўйлаб жарларнинг давомийлик даражаси 300-400 м. дан ошиб кетгани ҳолда, чукурлиги юқори қисмларида 5-6 м. ни ташкил этади. Аксарият ҳолларда жарланиш кучайган йўналишлар бўйлаб ҳар иккала ёнбағир тик емирилган ҳолда, юқоридан куйига томон улар кенгая боради ва унга мос равишда саёзлашади. Шу боисдан қадимги жарлар мавжуд майдонлар бўйлаб ёнбағирлар бирмунча ётиқ, айрим ҳолатларда эса эфемер ва эфемероидлар билан қопланган тўлқинсимон ривожланган юзаларга айланганини кўрамиз. Илмий манбаларда кўрсатилгани каби жарланиш Зарафшон водийсининг ўрта қисмларида жуда кучли ривожланган ва бу ҳолатнинг юзага келишида қуйидаги табиий ва антропоген омил-

ларнинг мавжудлиги, деб биламиз. Бу ҳолатни дастлаб жойнинг геологик тузилиши, айниқса, литологик ҳолати билан чамбарчас боғлиқдир. Чунки сув эрозиясига мойил лёсс ётқизиклари Зарафшон водийсининг ҳар иккала ёнбағри бўйлаб кенг тарқалгандир. Жарликларнинг вужудга келишида фаол иштирок этувчи навбатдаги кулайлик тектоник омил тарзида намоён бўлади. Локал тартибдаги тектоник ёриқлар контури билан ифодаланувчи ён тармоқлар вақтингча оқар сув ўзанлари тарзида намоён бўлади, натижада шиддатли оқим туфайли жарланиш учун кулаги шароит юзага келади. Регионал тартибдаги Оқтov тизмаси бўйлаб ривожланган тектоник ёриқларнинг тармоқлари ўлароқ шаклланган локал тартибдаги тектоник ёриқлар бир-бирига параллел, регионал тартибдаги тектоник ёриқ йўналишига перпендикуляр ҳолда ривожланган бўлиб, сон-саноқсиз сойлар йўналиши билан мутаносиб келади. Биргина Оқтovнинг жанубий ёнбағри бўйлаб аэрофотосуратлар ва 1:100 000 масштабдаги топокарталар асосида юздан ортиқ локал тарздаги тектоник ёриқлар йўналиши аниқланди. Бу кўрсаткичларнинг барчаси жарланиш жараёни жойнинг тектоник ҳолати билан чамбарчас боғлиқ эканлигидан далолатdir.

Ўрганилаётган худуднинг геоморфологик хусусиятлари, жарланиш учун муҳим бўлган учинчи омил тарзида намоён бўлишини кўрамиз. Чунки тўлқинсимон ривожланган адир минтақасида вақтингча оқар сув ёнбағирлар бўйлаб тартибсиз эмас, аксинча маълум ўзанлар бўйлаб ҳаракатланишига, ирмоқларнинг бир-бири билан қўшилиб, шиддатли оқим, емирувчи кучга айланишига шароит яратиб беради. Ёнбағирларнинг етарли даражада тикилиги (баъзан $45\text{--}50^\circ$ гача ҳатто ундан ҳам юқори) сув ҳаракатининг янада шиддатли тус олишига шароит яратиб беради. Жилғалар бошланишидаги «сел ўчоги» номи билан маълум бўлган ярим доирасимон шаклдаги геоморфологик ҳосилалар бўйлаб қор суви, ёмғир, айниқса, жала тарзидаги ёғин суви қисқа вақат ичида йигилиб жарлик ҳосил қилувчи, вайрон этувчи кучга айланади.

Ёнбағирларнинг Куёш нур сочишига кўра - ўнг ёки терс жойлашуви ҳам маълум микдорда жараённи, кучайтириши ёки аксинча сусайтириши мумкин. Терскай ёнбағирларда қор қоплами бирмунча турғун, секин эрувчан, демак, емирувчанлик даражаси пастроқ, жануб ёнбағирларда эса ушбу ҳолат аксинча бўлиб, жарланиш бирмунча жадалроқ кечади, чунки қор қоплами тез эриб, емирувчанлик даражаси ошади. Шу боисдан Жанубий Нурота тизмасининг жануби-шаркй ёнбағирлари жарланиш энг тигиз тарқалган ҳудудлар тарзини олган.

Навбатдаги омил – Зарафшон водийсида иқлимий элементлар ўзига хос ҳолатда шаклланади. Йиллик ёғин микдори адир минтақасида 300-350 мм атрофида кузатилиб, жала тарзида тушиши, айниқса, баҳор фаслида қор қоплами бирмунча турғун бўлсада, эриш даражасининг кескин кечиш ҳоллари тез-тез такрорланиб туриши сабабли, қор ёғишидан кейин кузатиладиган ёмғир ёки ҳаво ҳароратининг қиши фаслида ҳам баъзан кескин илиши бу ҳолатнинг содир бўлиши учун кулай имконият яратиб беради. Зарафшон водийси ички сувлари, жарланиш жараённининг фаоллашувини таъминловчи энг муҳим омил, деб билмоқ лозим. Ушбу жараён фаол кечувчи Зарафшон водийсининг адир минтақаси бўйлаб ер ости сув сатҳи 17-25 м, баъзан ундан ҳам чукурроқ қатламларда ётади. Демак, тупроқ юзаси куруқ тарзда кузатилсада, вақтинча оқар сувлар таъсирига тез берилувчанлиги, яъни емирилиш даражаси ўз кучини сақлаб қолади. Чунончи, жарланиш кетаётган ҳудудлар бўйлаб вақтинча сув ўзанларидан бўлак ички сув турлари кузатилмайди. Демак, жарланиш жараённининг ривожланиши учун вақтинча оқар сув ўзанлари асосий омил тарзида намоён бўлиб, унинг меъёрий даражаси ушбу жараённинг шаклланиш тезлигини аниқлаб беради. Жумладан, жилга бўйлаб ҳаракатланаётган оқимнииг ҳарорати, кимёвий таркиби ҳамда ўлчами, яъни оз-кўплик хусусияти. Кўкламги илиқ оқимлар, қиши фаслидаги эриган қор суви каби емирувчанроқ бўлгани сингари,

кимёвий таркиби турли тузларга түйинган ҳолда шаклланган оқимларнинг ҳам агрессивлик даражаси чучук оқимларга нисбатан кучлироқдир. Худди шунингдек, жилға бўйлаб ҳаракатланаётган оқимнинг ўлчам жиҳатдан кўпроқ тарзда ҳаракатланиши катта майдонлар бўйлаб жарланишини кучайтириш хусусиятига эга эканлиги билан белгиланади.

Зарафшон водийсининг ўрта қисмлари бўйлаб лёсси қатламларининг кенг ва бирмунча қалин тарқалиши, жарланиш жараёнини янада фаол ривожланиши учун қулай шароит яратиб беради. Чунки лёссли асосда шаклланган оч ва қисман типик бўз тупрокларда эрозиядан ҳимоя ролини ўтовчи ўсимликлар бирмунча сийрак бўлган чириндили қатлам юпқа, емирилишга мойил бўлган лёссли қатлам тез очилиб қолади. Натижада, жарланиш жараёни кучаяди. Шу боисдан республикамиз бўйича лалмикор дехқончилик қилинадиган, адирларнинг яйлов тарзида фойдаланиладиган 700 минг гектар ери жарланишга учраган (Баратов, 1996).

Зарафшон водийсининг ўрта қисмларида жарланишнинг кучайиши жойнинг органик дунёси ҳолати билан ҳам узвий боғлиқдир. Сабаби, кўпгина киялиги катта майдонларда ўсимликларнинг сийрак учраши, натижада тупроқ юза қатламишнинг ювилиб эрозияга мойиллик даражасининг ошишига сабаб бўлади.

Юмонқозиқ, дала сичқони, қўшоёқ каби кемирувчи жониворлар қазиган инлар йўналиши бўйлаб ҳаракатланувчи ёмғир, қор суви оқими, айниқса, нишаблик баланд бўлган майдонлар бўйлаб сүффозиянинг авж олиши натижасида худди шу йўналишлар изидан жарланиш кучайишига сабабчи бўлади.

Жарланиш учун табиий географик шароитнинг қулайлиги антропоген таъсир туфайли янада ошади. Бу борада айнан жарланиш кенг тарқалган ҳудудлардан маҳаллий аҳолининг яйлов сифатида фойдаланиши етакчилик қилмоқда. Чунки, айниқса, адир минтақаси бўйлаб яйлов майдонига нисбатан чорва туёқ сони меъёридагидан ортиқ. Айрим аҳоли пунктлари атрофида (масалан, Оқтепасой бўйлаб) чорва

түёклари остида тупрок қоплами шунчалар кучли эрозияга учраганки, қир ёнбагирлари бўйлаб чукурлиги 60-70 см, кенглиги 50-80 см, узунасига бир неча юз метрли чукурликни ташкил этувчи жўяклар тарзида шаклангандир. Уларнинг айримлари аллақачон жарланишнинг биринчи босқичини ўтамокда. Шу боисдан жарланиш даражаси Самарқанд шахри атрофида 0,52 ва 0,8 кв.км.ни, Иштихон туманига тегишли худудлар (яъни биз талқин этаётган майдонлар) бўйлаб 1,5 кв.км. зичликка эгадир (Нигматов, 2005).

Лалмикор деҳқончилик қилинадиган бирмунча қия ёнбагирларни нотуғри шудгорлаш ҳам ушбу жараённи кучайтиришга сабабчи бўлмоқда. Шу боисдан республикамиз бўйича лалмикор ерларнинг 20% хавфли даражада сув эрозиясига учрагандир. Зарафшон водийсининг ўрта қисмларида бу кўрсаткич янада юкорироқ.

Доимий фаолият юритувчи сув оқими. Доимий сув оқими туфайли ўзан бўйлаб узлуксиз тарзда ҳаракатланадиган сой ёки дарёлар шакланади. Бундай тартибда сув оқишига сабаб ўзанинг маълум даражада нишаб эканлиги ҳамда ўзанга муттасил тарзда сув оқиб келиб туришидир. Ўзанинг нишаблиги ҳамда сувнинг оғирлик кучи туфайли оқим шакланади ва у турбулент тарзда кечади. Айнан шу ҳаракат тури муҳим геоморфологик оқибатларга сабабчи бўлиб, табиий географик жараёнларни шаклантиради. Чунки оқим ўзанинг турли нуқталарида ҳаракат тезлиги ва йуналишини ўзгартира олади.

Ўзан эрозияси. Дарё ўзани бўйлаб оқаётган сув турбулент тарзда ҳаракатланади. Шу боисдан суюқлик ўзанинг ён ва таг қисмига урилади ва ғрунт заррачаларини узиб олиб оқизиб кетади. Йирик ҳажмдаги тоғ жинслари бўлакларини эса ўзан бўйлаб юмалатиб, парчалаб олиб кетиши туфайли эрозияемирилиш жараёни юз беради. Эрозия эса ўз навбатида транспортировка – жинсларни сув қисман оқизиб, юмалатиб бир нуқтадан иккинчи нуқтага олиб кетиш жараёнига ўрнини бўшатиб беради. Кўпинча эрозия ва транспортировка жараёни

бир-бирларидан узилмаган ҳолда юз беради. Үзан бүйлаб нишаблик даражаси пасая борган сари, оқимнинг ҳаракат тезлиги ҳам сусая боради. Натижада оқим билан биргаликда ҳаракатланиб келаётган жинслар катталик ҳажми ҳамда оғирлигига кўра юқоридан пастга томон саралана бошлайди. Оқим тезлиги, сувнинг ҳажми ва оқизик жинслар миқдори бир-бирларига тўғри пропорционал тарзда кечади. Оқим кўп ва тез бўлган худудларда йирик харсанглар ҳам қуига томон ҳаракатланаётган бўлса, оқим камайиб ва тезлиги сусая боргач, уларнинг йириклари тўхтаб қолган ҳолда, бирмунча кичик-роқлари ҳаракатда давом этаверади. Оқим тезлиги янада сусайгач, у билан биргаликда ҳаракатланаётган жинсларнинг ҳажми ҳам кичиклашаверади. Ниҳоят, дарё оқими эрозия базисига етганда эким билан биргаликда энг майда тоғ жинси заррачалари лойка ётқизиклар тарзида етиб келади ва у ерда тўпланана бошлайди. Натижада дельталар вужудга келади.

Дельта термини ушбу рельеф формаси юонон алиф-босининг бош ҳарфи «Δ» га монанд бўлганилиги сабабли, шу ном билан аталган. Дельта вужудга келган худудда оқим сусайиб, дарё панжасимон тармоқларга бўлинган ҳолда оқади. Натижада ётқизиклар янада кўпроқ тўпланаверади ва дельта денгиз ичкарисига кўпроқ сукилиб кириб бораверади. Дарёларнинг қадимги дельталари авандельта деб аталади. Демак, дельталар шакланган нуқтада оқизик жинслар тўпланади, натижада аккумуляция жараёни коз беради.

Доимий фаолият юритувчи оқим билан биргаликда олиб келиниб тўпланган жинслар аллювиал ётқизиклар деб аталади. «Alluvio» юононча сўз бўлиб, «ётқизик» деган мазмунни беради.

Дунё океани сатҳи барча дарёларнинг сўнгги эрозия базисидир. Шу боисдан үзан эрозияси дунё океани сатҳидан қуий нуқталарда юз бермайди. Ички сув үзанлари – кўл, дарё үзанлари эса маҳаллий эрозия базиси ҳисобланади.

Дарё бўйлаб кечаетган үзан эрозияси регрессив равишда ривожланади, яъни дарё қуиладиган жойдан сув айирғич томонга узайиб ва чукурлашиб боради. Баъзан эса бир-

бирларига яқин, аммо эрозия базиси турлича баландликда бўлса, орадан вақтлар ўтиши билан бир дарё сувини, иккинчи дарё ўзига кўшиб олади. Чунки эрозия базиси баландроқ бўлган дарёга нисбатан эрозия базиси пастроқ бўлган дарёнинг нишаби каттароқ бўлган сув ва унинг регрессив эрозияси кучлироқ бўлади (С.В.Колесник, 1966).

Антецедент водийларнинг шаклланиши. Ўзан эрозияси кечачётган водийга перпендикуляр тарзда тоғ тизмалари шаклланиши туфайли антецедент водийлар юзага келади. Чунки тектоник ҳаракат туфайли кўтарилаётган тоғ массивини дарё табора емира боради. Тоғ эса кўтарилишида давом этаверади. Кўтарилиш даражасига кўра емириш кучи шиддатлироқ кечиши туфайли, дарё ўзани йўналишида икки томонлама очиқ антецедент (лотинча antecedo – ёши улуг демакдир) водий юзага келади (4-расм). Бу туркумдаги водийга нисбатан кўтарилаётган тоғ тизмаси ёш бўлгани учун шундай аталади. Туркистон ва Нурота тизмаси туташган нуқта, яъни Илонўтти водийси бўйлаб худди шундай антецедент водий шакланган. Демак, бу ерда антецедент водий ҳосил қилувчи Сангзор дарёси ўзани, ўзининг йўналишида кўтарилган Туркистон тоғ тизмасига нисбатан қадимгироқ экан. Шу боисдан у ўз йўлида кўтарила бошлиган Туркистон тизмасининг энг гарбий қисмларини кесиб ўтган.

Ўзан эрозияси туфайли шаршаралар, остоналар, исполин қозонлари шакланади.

Ёнлама эрозия^{*}. Ўзан эрозияси сусая борган сари ёнлама эрозия кучая боради. Натижада дарё водийси кенгая бошлиайди. Дарё олиб келаётган ётқизикларнинг ўзан бўйлаб ўрнашиб қолиш даражаси оша боради.


Ёнлама эрозия баъзан қирғоқ эрозияси деб ҳам аталади. Чунки дарё суви кўпроқ қирғоқларни емириб оқади. Натижада дарё оқаётган ўзан илон изини эслатувчи эгри-буғри йўналиш касб этади. Улар меандралар деб аталади (5-

* Баъзи адабиётларда қирғоқ эрозияси деб аталади.

расм). Меандра тушунчаси Кичик Осиёда эгри-бугри из солиб оқадиган Катта Мендерес дарёси номидан олинган.



4-расм. Озарбойжондаги Қорамарән тизмаси бүйлаб шакланган антеңедент водий. (К.А.Гроссгейм бүйича).



5-расм. Дарёning меандралар ҳосил қилиб оқиши.
(Л.П.Шубаев бүйича):

1-туб қирғоқ жарлыклари, 2-кум келтирмалари, 3-меандра бүйинлари, 4-сув энг тез оқадиган ва ўзаннынг энг чуқур жойларини кўрсатувчи чизик.

Дарё қирғогини емириш жараённанда қирғоқ бүйлаб ётиқ соҳиллар ўрнида тик жарликлар вужудга келади. Бу ҳолат кўпроқ дарё, лёссли ёки қумоқ ётқизиқлардан иборат тўлқин-симон юза ҳосил қилувчи текисликларини кесиб ўтувчи жойларда шаклланиши хусусиятларидир. Ушбу жараён айрим ҳолатларда маҳаллий ҳалқ терминларига айланган ва ўша жойда кенг тарқалғанлигидан далолат беради. Масалан, дегиши ёки дейгиш худди шундай ҳалқ табиий географик терминлари сирасидандир. У аслида дагиши Хоразм лажжасида даг-таг, ишиш ювиши, дарёнинг қирғоқ тагини ювиши иши мазмунини беради ва ушбу жараённинг моҳиятини тўлиқ очиб бера олади. Чунки оқим (Амударёнинг суви) дастлаб қирғоқнинг сув юзасидан кўйи қисмини емира бошлайди, натижада ғовакдор бўлғанлиги учун унинг устки қисми ўпирилиб тушади ва шиддатли оқим таъсирида оқиб, ювилиб кетади.

Сел. Тот ва тот олди ҳудудларида сойлар бўйлаб қисқа вақт ичидаги жуда катта тезлик билан оқиб келувчи кум, шағал, тот жинси бўлаклари, ўсимлик баъзан дарахт таналари аралаш шаклланган лойқа сув оқими сел деб аталади.

Шу боисдан сел тушунчаси араб тилида «сайл» ўзбек тилида тошқин сув маъносини беради. Демак, ҳалқ табиий географик терминига айланган бу ибора замонамизда илмий луғавий маъно берувчи ҳалқаро тушунчага айланган бўлиб, у замонавий (кўпроқ рус тилидаги) илмий адабиётларда ҳам сел деб айтилади. Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону лугатит турк» асарида, Европа мамлакатларида сел тушунчаси «мур» тарзида ишлатилиши маълум.

Селининг географик тарқалиши асосан қуруқ иқлимли, ёғин қисқа муддат ичидаги кўп ёғадиган ҳудудлар бўйлаб кўп кузатилади. Ўрта Осиёнинг тоғли, тот олди ҳудудлари бўлган, Зарафшон, Фарғона, Қашқадарё, Суҳондарё водийларида, Копетдоғда, Тянь-Шаннинг Ғарбий ва Шымолий тизмаларида, Кавказда, Ғарбий Европа, АҚШ, Жанубий Американинг тоғли ҳудудларида ҳамда Япония, Хитой, Мұғалистаннинг айрим ҳудудларида ҳам сел кузатилади.

Сел оқимининг шаклланиши ҳамда таркибига кўра уч гурухга бўлиб ўрганилади (Е.Дуйсенов, 1966).

Биринчи гурухга (грязевые) мансуб сел лойқа деб аталиб, оқими қуидаги хусусиятга эга бўлади: селнинг таркиби асосан юқори қисми қуюқ лойқадан иборат бўлсада, ҳаракатланаётган суюқликнинг олд қисми девор каби кўтарилигдан ҳолда, баъзан ҳатто юқори қисми олд томон эгилган тарзда кузатилади. Бу туркумдаги сел таркибida илдизи билан қўпорилган катта-кичик дараҳтлар танаси, шоҳшаббаси кўп учрайди ва шу боисдан теваракка катта хавф түғдиради. Чунки сел ҳаракатланаётган сой бўйлаб қурилган кўприк, акведук ёки қувур тиргакларига тақалиб қолган шоҳшабба ва дараҳт таналаридан табий ҳолда тўсиқ яратилади. Натижада ҳаракатланаётган сел йўли қисман тўсилиб, оқим ўзандан ташқарига оқиб чиқа бошлиди, баъзан эса тўсиқни қўпориб кетиши туфайли тўпланиб, тобора янада хавфли тус олаётган оқимнинг қуига томон шиддат билан ҳаракатланиши кузатилади. Натижада, унинг вайронагарчилик келтириши мумкин бўлган хавфи бир неча ўн баробар ортиб кетади. Бу гурухдаги сел 1942 йили Шимолий Фарғона канали бўйлаб юз берган ва натижада катта экин далаларини лойқа босиб қолган.

Иккинчи гурухга мансуб сел оқими кўпроқ (грязекаменный) лойқа, майда қум заррачалари, шагал, қайроқтошлар билан биргаликда одатий оқим жойидан қўзғата олмайдиган харсангларни ҳам юмалатиб ҳаракатлантира бошлиди, оқим таркибida йирик дараҳтлар ҳам кўплаб учрайди. Сел жуда кучли шовқун-сурон билан кечади, ҳатто сел оқаётган ўзандан 200-300 м узокликда ҳам заминнинг титраши сезилади. Шундай сел 1956 йили Кичик Алмота дарёсида кузатилган.

Тўлин сув даврида сойларнинг сув сарфлари кескин ўзгариб туради, чунки авжи қор эриётган давр (май, апрель ойлари) да ёмғир энг кўп ёғади. Худду шу сабабга кўра тўлин сув даврида кўпчилик сойлардан сел қелади. Ана шундай

селлар вақтида сойларнинг сув сарфи қисқа вақт ичидан бир неча ўн м³/сек га кўпайиб кетиши мумкин. Сел келиш хавфи ён бағирлари бўйлаб дараҳт ўсмайдиган пастак тоглар учун айниқса, хусусиятгидир. Масалан, Нурота тоғ тизмалари худди шундай хусусият касб этади. Шунинг учун сел келиш хавфи Нурота тоғлари ён бағирларидаги сойлар учун ўта хусусиятгидир. Масалан, Соғишимонсойнинг (Қорасув дарёсининг чап ирмоги) сув сарфи 1962 йили 3 май кунги сел вақтида 27 м³/сек, 1963 йил 15 апрель кунги сел 56 м³/сек га чиққан. Ваҳоланки, Соғишимонсой ҳавзаси майдони атига 40 м² ўртача йиллик сув сарфи эса бор йўғи 0,130 м³/сек га teng бўлган кичик сойдир. Ҳавза майдони катта бўлган сойларнинг сел вақтидаги максимал сув сарфи ҳатто бир неча юз м³/сек ни ташкил этиши мумкин. Масалан, Тўсунсойнинг йиллик ўртача сув сарфи секундига 1,3 м³ бўлса, Каттасойнинг йиллик ўртача сув сарфи секундига 0,268 м³ ни ташкил этади. Лекин сел келганда Тўсун дарёси секундига 200 м³ гача, Каттасой эса ҳатто секундига 609 м³ гача оқизади (Шульц 1969). Бундай катта оқим ўз йўлида учраган қишлоқларни, экин далаларини, кўприк ва йўлларни бузиб, тупроқ қопламини ювиб, жарликларни вужудга келтиради.

Сел Нурота, Зарафшон, Туркистон, Ҳисор тизмаси этакларида нафақат дарёларнинг тўлин (март, апрель ойлари) даврида, балки бу атрофда тез-тез кузатиладиган ёзги ёки кузги жала ёки кучли дўл тушиши қор қопламининг эриши муносабати билан ҳам кузатилиши мумкин.

Учинчи туркумга мансуб (водакаменный) сел таркибини асосан лойқа сув ва турли ўлчамдаги тоғ жинси бўлаклари ташкил этади. Бу тушунчага мансуб сел сувнинг лойқалик даражаси биринчи ёки иккинчи гурухга нисбатан камроқ булиши мумкин. Чунки бу, яъни учинчи гурухга мансуб сел асосан серёриқ, тупроқ қоплами кам кузатиладиган тошлоқ ён бағирлар бўйлаб кузатилади. Шу боисдан лойқа кам бўлсада, ҳаракатланаётган сувнинг итарувчи кучи ўта катта бўлган-

лиги сабабли оғирлиги 80 т дан ортиқ бұлган, 40 м³ ҳажм-даги йирик ғұлатошларни ҳам оқизиб, юмалатиб кета олади.

Хар учала гурухға мансуб сел вақтида оқимнинг вахимали кучли шовқин-сурони 400-500 м узоқликда, фақат сел учунгина хос бұлган лойқа сувнинг құланса ҳиди эса кирғөдан 100-150 м масофада ҳам сезилиб туради.

Селни шакллантирувчи сабаблар ва сел сувидан фойдаланиш йұллари. Бу ҳолат асосан атмосфера да ёғинларнинг кучли жала тарзидә содир бўлиши. Қор қопламиның қисқа муддатда тезлик билан эриб кетиши ёки қалин қор қоплами устига илиқ ёмғир ёғиши, кучли дўл тушиши натижасида содир бўлади. Фанда «сел ўчоклари» деб аталувчи кичик сойларнинг юқори қисмлари бўйлаб тўпланувчи оқим, бир-бирлари билан қўшилган ҳолда, табора кучая боради ва бошқариши қийин бўлган «бебошвоқ оқим» – селга айланади. У баъзан ҳаракатланаётган сой ёки дарё ўзанидан тошиб чиққан ҳолда далалар, йұллар, боғлар, кўпприклар, иморатларни ювиб кетиши мумкин. Натижада сел босган худудни қалин лойқа қоплаб ва унинг ҳаракатидан вайронагарчиликлар содир бўлиши туфайли халқ ҳўжалигига катта зарар етказилади.

Селнинг айрим ижобий жиҳатлари ҳам мавжуд. Үлкамизда маҳаллий ахоли селнинг оқибатларидан омилкорлик билан фойдаланғанлар, яъни дарё, сой террасаларида сел олиб келган лойқа ётқизиклар бирмунча нами қочиб, ишлов бериш имконияти шаклланиши биланоқ кетмон билан (бел билан эмас) майда чопиқ қилиниб буғдой, арпа, сули, тарвуз, қовун, ҳандалак каби тез пишар навли экинларнинг уруги экилади. Ишлов берилған даланинг юза қисми кетмоннинг орқа тарафи билан енгил шиббалаб чиқилади. Баъзан эса лойқага тўғридан-тўғри уруғ сочилган. Натижада экилган экинлар сугорилмасдан, лалми усулда ҳосил олингай. Аммо ишлов берилған пайкални қайта сел босиши, барча ҳосилни бой берилишига олиб келган.

Қадимги қадриятларда сел сувидан омилкорлик билан фойдаланишнинг иккинчи йўли – маҳсус селхоналар куриб уни тўплашдан иборат эди. Нурота тизмасининг шимолий ёнбағирларида, Осмонсой дараси бўйлаб X асрда курилган Хонбанд тўғони, Нурота тизмасининг жанубий ёнбағрида Охчобой дараси бўйлаб XVI асрда Абдуллахон II томонидан курилган Абдуллахонбанди тўғони, Зарафшон тизмасининг жанубий-гарбий ёнбағрида XV асрда курилган Гиштбанд тўғони айнан сел сувини тўплаш учун бунёд этилган эди. Улардан ташқари республикамизда яна бир неча селхоналар мавжуд бўлган бўлса-да, уларнинг аксарияти бизнинг давримизга қадар етиб келган, аммо улардан «Селга», «Селхона», «Кўлтўсин», «Пигав», «Тўсинсой», «Сарбанд» каби топонимик атамалар сақланиб қолган холос.

Замонамизда ҳам селга қарши кураш чора-тадбирлари куйидаги қуринишларда ташкил қилинмоқда:

- селхоналар курилмоқда;
- тоғ ёнбағирларининг яйлов сифатида муттасил чорва молларн боқилиши тартибга солинмоқда;
- тоғ ёнбағирларида ўрмонзорлар ташкил этиш орқали, қор қопламининг секин эришига, атмосфера ёғинларининг тупроқ қатламига кўпроқ сингиб, гидрологик оқимни сусайтиришга эришилмоқда.

Гидрологик ва гидрогеологик оқим туфайли карст, суффозия каби табиий географик жараёнлар шаклланади.

Карст. Эрувчан тоғ жинсларига сув таъсир этиши туфайли юзага келувчи табиий географик жараён карст деб аталади. Ушбу атама Болқон ярим оролидаги оҳактошли (юра даврига хос) Карст платосининг номидан келиб чиқсан бўлиб, у детопоним, яъни географик номларнинг терминларга, оддий турдош отларга айланиши туфайли юзага келгандир. Бу жараён табиатда, рельефнинг шаклланиши, гидрологик ва гидрогеологик оқимнинг ўзаро алоқаси, қазилма бойликларнинг ва ҳ.к. жараёнларининг шакллани-

шида мұхым роль үйнаганлиги учун XIX аср охирлари ва XX аср бошларидан изчил үрганила бошланди.

Карст жараёниның илмий үрганиш жаһоннинг күпгина мамлакатларида көнг үйлігі күйилған, натижада рус платформаси, Урал, Кавказ, Альп, Аппенин, Болқон ярим ороли, Кордильера, Анд тоғлари, жанубий Хитой, Вьетнам, Япония каби Үрта Осиё тоғлари қисман текислик (Устюрг платоси)ларида ҳам ушбу жараённинг ривожланиш хусусиятлари тадқиқ этилган. Н.А.Гвоздецкий, О.Ю.Пославская, М.М.Маматкулов, Я.А.Левен, А.А.Крейтер, А.Маматов, М.А.Абдужаборов, З.С.Султонов, П.Атаев, М.А.Хошимов, А.Алимов, В.И.Кучерявих, Р.Х.Халимов, К.Р.Арипов, И.И.Отажонов, А.Низомов каби олимлар Үрта Осиёning бир қанча регионларида мавжуд бүлган карстнинг турли муаммолари билан шуғулландилар. Натижада карстнинг генетик-литологик, геоморфологик турлари, гидрологик, гидрогеологик хусусиятлари илмий ва хұжалик аҳамияти каби күплаб муаммолари ёритилди.

Карст жараёни мобайнида карбонатлы (оқактош, доломит, мергель), сульфатлы (гипс, ангидрид), хлоридлы (тұз, тош тұз) каби жинсларни кесиб үтгап тектоник ва қисман механик ёриклар бүйлаб ҳаракатланады. Агар сув таркибида эркін тарзда карбонат ангидрид мавжуд бұлса, карстланиш жараёни янада тезлашади. Натижада, ер усти ва остидаги зерін таркибида турли шактадағи бүшлиқтар вужудда келади.

А.Шубаев маълумотига күра ер шарининг қуруқлиқдан иборат бүлган 34% қисмини карстланувчи жинслар эгаллаган. Ушбу күрсаткыч таҳминан 50 миллион кв.км ни ташкил этади. Демек, шунча миқдордаги майдон маълум даражада карстланишга урагандыр.

Уларни үрганиш мұхым илмий ва амалий аҳамият касб этганлиги учун иккі: ер усти ва ер ости гурухларига бўлиб үрганилади.

Ер усти карст ҳосилалари. Бундай ҳосилалар карстланувчи жинслар очилиб қолган бир пайтда юзага келиши хусусиятлидир. Чунки барча тоғ жинслари каби карстланувчи жинслар ҳам тоғ күтарилиш жараёнида тектоник ёриқлар таъсирида парчаланади, уваланади. Натижада тоғ жинслари бўйлаб турли ўлчамдаги ёриқлар юзага келади. Атмосфера ёғинлари, эриган қор суви, умуман гидрологик оқим айнан ўша ёриқлар бўйлаб ҳаракатланар экан, денудация жараёни юз беради, яъни оқим таъсирида тоғ жинси эриб ва қисман ювилиб олиб кетила бошлайди. Бу жараён айнан карст бўлиб, унинг натижасида қуйидаги рельеф формалари юзага келади:

Каррлар – карстланувчи жинслар тупроқ қопламидан ҳоли, баъзан қисман ҳоли, ёпиқ ҳолатда ёки ер ости бўшлиқларининг деворлари (ёнлама деворлари, сатҳи ёки шифти) бўйлаб ривожланган ҳолда куйидаги гуруҳларга бўлинниб ўрганилади ва шаклланиш жараёниларига кўра бир-бирларидан қисман бўлсада, фарқланади. Улар:

Очиқ каррлар – ушбу туркумдаги каррлар тарқалган карстланувчи жинслар тупроқ қоплами билан мутлақо қопланмаган, яъни тўла очиқ ҳолда учрайди. Шундай бўлсада, ушбу ҳолатда ҳам каррларнинг турли геоморфологик кўринишлар тарзида учрашини кузатамиз. Улар қуйидагилардан иборат.

Новсимон каррлар – кўринишидан новга ўхшайди. Шу боисдан новсимон каррлар деб аталади. Улар узунасига бир неча метрларни, чукурлиги ва энига ҳам бир неча ўн см ларни ташкил этган ҳолда учрайди. Новсимон каррлар баъзан бир неча кв.м. майдонларни эгаллаб каррланган далаларни ташкил этади.

Меандрасимон каррлар – дарёларнинг меандра солиб оқишини эслатади. Бу туркумдаги каррлар, карстланувчи ётқизиклар бирмунча ётиқ юза ташкил этган ҳудудларда учрайди.

Вертикал каррлар – тик қоялар бўйлаб ривожланади. Уларнинг шаклланишига атмосфера ёғинлари қоялар

вертикал ҳолатда бўлганлиги учун жуда кам таъсир этади. Шу боисдан кам ҳолатда учрайди ва катта майдонларни ташкил этмайди.

Ёриқли каррлар – кичик йўнайдаги тектоник ёриқларнинг каррлар тарзида ривожланиши натижасида кенгайиб ва чукурлашиб бориши туфайли юзага келади. Ушбу турдаги каррларнинг чукурлиги баъзан бир неча метрларни ташкил этган ҳолда, кенглиғи 0,5 – 0,7 м га етади. Ушбу турдаги каррларнинг ҳосил бўлиш жараёни соф атмосфера ёғинлари таъсирида шакланади. Уларнинг юзага келишида эркин тарздаги CO₂ учрамайди.

Ярим очик каррлар. Бу турдаги каррлар очилиб қолган карстланувчи тоғ жинсларининг айрим жойларида ороллар тарзидаги тупроқ билан қопланган ҳолда учрайди. Тупроқ қоплами баъзан карр йўлакчаларини беркитиб турган ҳолда, карстланувчи жинсларни фаолроқ эришига имконият яратиб беради.

Ушбу гурухга қуйидаги кўринишдаги каррлар киради:

Тошдон – митти ҳовузсимон чукурликлар. Ушбу карр турларининг туби ётиқ бўлиб, аксарият ҳолларда эфемерлар ўсувчи ҳамда тупроқ қоплами ва увоқ тоғ жинслари парчалари билан ярим тўлган ҳолатда учрайди ва шу боисдан тошдон деб аталади.

Корразион ўйиклар – бундай гурухдаги каррларнинг деворлари уни қоплаган тупроқнинг бирмунча намланиши таъсирида емирила бошлайди, натижада митти айвонсифат деворли каррлар шакланади.

Ёпик каррлар – тупроқ қоплами тагида ривожланади. Шу боисдан уларнинг шаклланиш жараёнини кузатиш қийин тус олади. Шундай бўлсада, уларнинг аксарият ҳолларда юмалоқ шаклга эга бўлган ҳолда ривожланишини илғаш мумкин. Гумид иқлимли ўлкаларда ушбу турдаги каррларнинг ўсимликлар билан тўлиқ қопланган ҳолда учратамиз.

* Тошдон ушбу тушунча халқ табиий географик терминлари асосида илк бора кўлланилмоқда.

Шу боисдан гумус остида мавжуд бўлган карстланувчи жинсларнинг эрувчан минераллар билан тўйинган нуқталари юмалоқ шакл касб этувчи кўринишга эга бўлади. Ёпик каррлар асосан намгарчилик юқори бўлган тропик ўлкаларга хосдир.


Форлардаги каррлар – ушбу турдаги каррларнинг форларнинг деворлари, қисман сатҳида, кўпроқ шифт қисмида учрайди ва бир вақтлар унинг сув билан тула ҳолда бўлганлигидан далолат беради. Шу боисдан айрим адабиётларда (масалан Шукин И.С. 1964, стр 44) реликт каррлар деб ўрганилади.

Қирғоқ бўйи каррлари – денгиз, кўл, сув омборлари бўйида тўлқин уриши туфайли юзага келадиган каррлар тури.

Карст даҳаналари. Улар карстланувчи жинсларда гидрологик ва гидрогеологик оқимнинг ҳаракати туфайли шаклланаидиган ҳосиладир. Карст даҳаналари асосан ер ости карст бўшлиқлари шифт қисмининг ўпирилиши натижасида вужудга келиб, даҳана (юқори қисми кенг, таг қисми ингичка бўлган мослама даҳана ёрдамида оғзи тор идишларга сув, мой, сут ва ҳ.к. каби суюқликлар куйилади. Даҳан форс тилида «офиз» деган тушунча беради) гидрологик оқимнинг гидрогеологик оқимга айланишида ўтиш босқичини бажаради. Яъни ер устида ҳаракатланаётган сувнинг куйи қатламларга куйилишини таъминлайди. Шу боисдан сульфатли, хлоридли, қисман карбонатли кучли карстланган массивлар бўйлаб ернинг юза қисмида оқувчи оқим кузатилмайди.

Карст даҳаналарининг шаклланиш даври, карстланувчи тоғ жинсларининг генетик турига кўра турлича вақт мобайнида юзага келади. Нисбатан юмшоқ ва эрувчанлик даражаси юқори бўлган хлоридли жинсларда қисқа муддат мобайнида тузга нисбатан қаттиқроқ ва эрувчанлик даражаси камроқ бўлган гипсда ўртача тезликдаги муддатда ва ниҳоят карбоантли жинслар каби ҳар иккала гурухга мансуб тоғ жинсларидан қаттиқроқ ва эрувчанлик даражаси нисбатан

суст бўлган қатламларда даҳаналар узоқ геологик муддатлар мобайнида содир бўлади (6-расм).



6-расм. Карст даҳаналарининг шаклланиши.

Даҳаналарнинг шаклланиш жараёни улар ҳосил бўлган тог жинсларининг тектоник ёриклар билан нечоғлик даражада парчалангандик ҳолати билан ҳам чамбарчас боғлиқдир. Чунки гидрологик оқим тектоник ёриқ туфайли ҳосил бўлган сой бўйлаб ҳаракатланар экан, ёриқнинг бирон кенгайган нуқтасида қуий қатламларига томон йўналади. Бундай ҳолатларда кўпроқ инфильтрация (шимилиш) эмас, балки инфлюация (юзада оқаётган оқимнинг пастки қатламларга тўғридан-тўғри қуилиши) жараёни юз беради. Инфильтрация кучайган ёки инфлюация жараёни кечайдан нуқтада карсталаниш кучайиб, бўшлиқлар кенгаяди ва ниҳоят унинг шифт қисми ўпирилиб тушиб ер юзасида ботик рельеф шакли ҳосил бўлади. Даҳаналар қисман ўпирилиш, чўкиш, емирилиш каби жараёнлар иштирокида вужудга келганлиги сабабли Г.А.Максимович (1972) уларни генетик турларига кўра тўрт гуруҳга бўлиб ўрганади.

Карст даҳаналарининг шакли тўғри юмалоқ, эллипс-симон, мураккаб кўринишдаги юмалоқ, тухумсимон юмалоқ бўлгани ҳолда, бир неча метрдан, бир неча ўн метргача кузатиладиган ўлчамни ташкил этади. Чукурлиги ҳам бир

нече метрдан, ўнлаб метргача етиши мумкин. Уларнинг таг қисми аксарият ҳолларда конуснинг уч қисми каби асимметрик ён бағирларнинг туташувн билан тугалланади. Кўпинча даҳаналарнинг тубида сув хўпловчи ўпқонларнинг оғзи очиқ ҳолатда кўриниб туради. Бу кўринишдаги даҳаналар тубида қор-ёмғир суви тўпланмасдан тўғридан тўғри карст массиви қаърига куйилиб кетаверади. Даҳаналар тубида ўпқон кузатилмаса, ёки аксинча улар кум, шагал, тупрок, лойка каби ётқизиклар билан тўлиб қолган ҳолатларда, бу ерда кичик карст кўллари шаклланади. Аммо карст даҳанаси туби бўйлаб инфильтрациянинг ўта кучли кечиши туфайли кўллар мавсумий – «эфемер» хусусиятига эгалиги билан ажralиб туради.

Карст даҳаналарининг деворлари кўп ҳолатларда (карбонатли ётқизиклар тарқалган ҳудудларда) ётиқ ва симметрик, айrim (сульфатли, хлоридли ётқизиклар тарқалган) ҳудудларда эса асимметрик–бир ёнбағри ётиқ, унга қарама-қарши томони тик ҳолда ривожланганини кўрамиз.

Карст даҳанаси асосан тектоник ёриқлар йўналиши бўйлаб ривожланганилиги (карбонатли ҳудудларда) сабабли уларнинг ипга тизилган маржон каби тартиб билан ривожланиши хусусиятларидир. Агар тектоник ёриқлар бир неча қатордан иборат бўлса, уларнинг йўналишига монанд равишда карст даҳаналар тизими ҳам бир неча қаторларни ташкил этади. Уларнинг шакли ҳамда морфометрик ўлчамлари ҳам бири-иккинчисидан кучли фарқ қилмаган ҳолда кузатилади.

Карст даҳанаси сульфатли, хлоридли массивларда тартибсиз, баъзан тифиз, баъзан сийрак тарқалганлигини кўрамиз. Бундай хусусият касб этган ҳудудлар бўйлаб гидрогеологик оқим кузатилмайди. Аксинча инфлюоациянинг зўрлигидан гидрогеологик оқим кучаяди.

Ҳисор тоғида бир неча Мингчуқур номи билан аталувчи гипсли массивлар мавжуд бўлиб, бу ерда минглаб карст даҳаналари ривожланганилиги сабабли шу номни олган.

Карст даҳаналари ривожлана борар экан ўзаро туташиб, карст водийларини ташкил этади. Карст водийлари, карст даҳаналарининг шаклланишига сабабчи бўлган тектоник ёриқларнинг йўналишига монанд равишда ривожланиб чўзиқ, тогорасимон, баъзан «кўр» - яъни охирида йирик карст ўпқони бўлган ёпиқ ботиқ тарзида туталланади.

Карст водийларининг эни ўнлаб, хатто юзлаб метр, бўйи эса, бир неча км га қадар чўзилиши мумкин.

Карст ландшафтларининг асосий элементларидан бўлган даҳаналар қишида ёқсан ва шамол учиреб келтирган қор қоплами билан тўлади. Айниқса, куёш нури тик тушмайдиган соя тарафларда у ёз фаслининг ўрталари (Уртacha баландликдаги тогларда) да ҳам сакланиб қолган ҳолда, тобора эрий бориб, ботиқ тубидаги ҳосил бўлган куплаб карст ўпқонларига қуиила бошлияди ва ер ости сув захираларини бойитади. Натижада денудация жараёни янада зўрайиб, карстланиш даражаси орта боради. Демак, ер ости карст бўшлиқлари кенгайиб, айримларининг шифтлари ўпирлиб тушиши туфайли ер юзасида даҳаналарнинг ривожланиши, даҳаналар тубида эса ўпқонларнинг кенгайиши кузатилади.

Йирик карст даҳаналари ёки карст водийларининг тубида ўпқонлар кузатилган ҳолатда ёки мавжуд ўпқонлар кум, шағал, лойка ётқизиклари билан бекилиб қолар экан, бу ҳолатда, албаттга, карст кўллари шаклланади.

Карст кўллари. Улар ер ости карст бўшлиқлари – шифтининг ўпирлиши билан биргаликда чўкиши ҳамда юзада ётган гипс, туз каби ўта тез эрувчан тог жинсларининг сув таъсирига берилиш туфайли юзага келадиган бўшлиқлар, ботиқлар ўринида ҳам шаклланиши мумкин. Масалан, бу туркумдаги кўллар сирасига Сувсизтоғнинг жанубий-ғарбий қисмида дениз сатҳидан 1200 м баландликда шаклланган Хомкон ёки Кон бешбулоқ кўли мисол бўла олади. Бу ерда қуий юра даврига хос гипс ҳамда туз қатламлари карстланган бўлиб, у республикамиздаги энг ёш (100-150 йил муқаддам

шакллана бошлаган) ва энг йирик карст кўли ҳисобланади. Хомкон энига 100-150 м, бўйига 300-350 м атрофида ўпирилган карст бўшлиғи ўрнида шакллангандир. Карсталниш жараёни ҳамон давом этгани ҳолида Хомкон ёки Кон бешбулоқ қулининг сатҳи йилдан-йилга тупроқ қоплами тагидаги туз, гипс қатламларининг карсталниши ва бўшлиқларнинг ўприлиши эвазига жануби-тарб томонга сари ривожланиб бормоқда.

Республикамизда 100 га яқин катта-кичик карст қўллари мавжуд бўлиб, уларнинг аксарияти косаларининг таги ғовакдор, кучли карсталган тоғ жинсларидан ташкил топганлиги сабабли инфильтрация^{*} баъзан эса инфлюация^{*} жараёни шиддатли равишда кечади. Натижада, карст даҳанаси ёки водийси бўйлаб тўпланган сув тезда ер остига шимилиши ёки қуилиши туфайли куриб қолади. Бундай «эфемер» мавсумий карст қўллари бирон бир тектоник ёріклар йўналиши бўйлаб кенг тарқалганлигини кўрамиз.

Гойиб бўлувчи дарёлар. Ер остига, яъни пастки қатламларига тўғридан-тўғри қуилиб, кўздан гойиб бўлувчи дарёлар кучли карсталган ҳудудлар учун энг хусусиятли қўринишлардан биридир. Чунки гидрологик оқим ўзан тубида шаклланган карст үпқонлари ёки карст қудуклари орқали тўғридан-тўғри гидрогеологик оқимга айланиб инфлюация жараёнини юзага келтиради. Натижада ўзан бўйлаб ҳаракатланаётган оқим тўсатдан қуий қатламларга қуилиб гойиб бўлувчи дарёларга айланади. Шуниси хусусиятлиги гойиб бўлувчи дарёлар меъёрий кўрсат-кичларига кўра мавсумий ҳамда муттасил оқувчи туркумларга мансуб бўлиши мумкин.

Мавсумий хусусиятга эга бўлган гойиб бўлувчи дарёлар ёмғир, эриган қор суви билан тўйинганлиги туфайли баҳор ва

* Инфильтрация – гидрологик оқимнинг тупроқ, кум, шагал ва ҳ.к. тўртламчи давр ётқизиқлари оркали ер остига шимилиши.

* Инфлюация – гидрологик оқимнинг карст үпқонлари, қудуклари, шахталари оркали пастки қатламларга тўғридан-тўғри қуилиши.

куз фаслигагина хос даврларда кузатилиши мумкин. Қиши фаслида бундай дарёлар нисбий балан длкнинг юқорилиги, ҳаво ҳароратининг пастлиги туфайли фаолият кўрсатмайди. Ёзниг иссиқ кунлари бу ердаги қор қатламлари эриб, жилгага айланади. Куэсталар йўналишига параллел ривожланган сой тубидаги Зинданак карст қудуғи (чуқурлиги 320 м) баҳор ва куз фаслларида инфлюация ўчоғини ташкил этиб, шу даврда оқимга эга бўлган сойнинг мавсумий гойиб бўлувчи дарёга айланишига сабабчи бўлади. Бундай дарёлар карбонатли, сульфатли карст массивларида кўп учрайди ва улар инфлюация нуқтасида карстнинг мавсумий ривожланишига сабабчи бўлади (Низомов А. – 1989).

Гойиб бўлувчи дарёларнинг меъёрий кўрсаткичи турғун ҳолда кузатиладиган турлари аксарият ҳолларда ер ости сувларидан туйинади. Ёки бундай турдаги дарёлар гоҳ ер юзасига чиқиб, гоҳо яна гойиб бўлиб оқишида давом этади. Сувсизтоғнинг Панжобсой дараси бошланишида ана шундай гойиб бўлувчи дарё мавжуд бўлиб, бу ерда 5 л/с атрофида суви бўлган жилға гипс қатламлари бўйлаб инфлюацияга учрайди ва карстнинг муттасил ривожланишига сабабчи бўлади.

Ушбу жараёнларнинг юзага келишида денудация муҳим роль ўйнайди.

Денудация – лотинча *denudatio* – очилиб қолиш демакдир. Бу ҳолат карст жараённинг асосий механизмини ташкил этади.

Бу жараён туфайли тоғ жинсларининг эриши ювилиши ва сув таркибидаги заррачаларнинг пастқам жойларда тўпланиши юз беради. Эрозия (оқар сувлар), абразия (денгиз ва кўл сувлари) карст ва суффозия (гидрологик ва гидрогеологик оқим), экзарация (музликлар таъсирида) тоғ жинслари бўлакчаларининг бошқа жойларга кучириб олиб

* Зинданак карст қудуғи Кетмончопти тоғининг жануби-гарбий қисмида жойлашган

борилишидир. Денудация натижасида тоғ жинслари емирилиб, пенепленлашади.


Ер ости карст ҳосилалари

Карст жараёни ривожланаётган худудларда унинг ер ости ҳосилалари ҳам шаклланади. Ер ости карст ҳосилалари туркумига карстланган ёриқлар, карст қудуклари, карст шахтлари, ғорлар ҳамда күр ер ости карст бүшликлари мансубдир.

Карстланган ёриқлар. Ушбу карст ҳосилалари сув таъсирида енгил эрувчан тоғ жинслари (карбонатли, сульфатли, хлоридли) бўйлаб юзага келган тектоник дарзларнинг карстланиши туфайли юзага келади. Улар баъзан бир неча ўн см дан 1 м ҳатто ундан ҳам кенгайган ҳолатда учрайди. Карстланган ёриқларнинг чукурлиги вертикал тарзда бир неча метрдан 50 м. гача бўлган ўлчамларни ташкил этади. Карстланган ёриқларнинг геоморфологик тузилиши ўта мураккаб, эгри-бугри бўлиши билан биргаликда баъзан жуда содда тўғри чизиқ шаклида ҳам ривожланиши мумкин. Кўпгина ҳолатларда карстланган ёриқлар ўтиб бўлмас даражадаги тор йўлаклар тарзида тугалланади.

Карст қудуклари. Улар гидрологик оқимнинг гирогеологик оқимга айланиш жараёни туфайли сувнинг ҳаракати натижасида шаклланадиган вертикал тарзда ривожланган карст бўшликлариидир. Карст қудукларнинг кириш қисми табиятда карст водийлари, карст даҳаналарининг тубида жойлашганлиги учун инфлюоция ўчоклари тарзида намоён бўлади.


Карст қудукларининг чукурлиги бир неча метрдан 10-15 м. гача бўлган ҳолатда кузатилади. Карст қудукларининг кўйи қисми ўтиб бўлмас даражадаги тор, турли ўлчамдаги тоғ жинси бўлакалари билан қопланган ҳолда, деворлари бўйлаб эса, каррланган тектоник ёриқлар кузатилади (7-расм). Карст қудуклари чукурлаша бориб, карст шахталари тарзида намоён бўлади. Демак, карст шахталари, карст қудукларидан чукурлиги билан фарқланиб туради.



7-расм. Турли күринишдаги карст қудуқларининг бўйлама кесмаси. (М.М.Маматқулов бўйича).

Карст шахталари. Карст шахталарининг чукурлиги, тахта ривожлангаётган литологик қатламнинг қалинлиги билан чамбарчас боғлиқ ҳолда ривожланади. Масалан, Бойсунтог тизмасини ташкил этувчи ўз даврига хос оҳактош қатламларининг қалинлиги 300 м. дан ошиди. Шу боисдан ушбу ётқизиклар бўйлаб юзага келган карст қудуғининг чукурлиги 300 м. га қадар тик, вертикал ҳолатда ривожланган бўлиб, кейин карст шахтасининг йўлаги ғарбий йўналиш бўйлаб субгоризантал ҳолатда давом этади ва йирик ер ости кўлига бориб тақалади. Ушбу сатрлар муаллифининг 1980–1985 йиллари далада олиб борган тадқиқотларига кўра йўлак ер ости кўлидан кейин, ер ости дарёси тарзида ривожланади ва 8 км ғарбда жойлашган Мачайдарё ҳавзасида

юзага келган йирик карст ғоридан, Хўжай Майхона ота булоги тарзида ер юзасига чиқади.




*8-расм. Қирқтогдаги карст шахтасининг бўйлама кесмаси
(М.Н.Абдужаборов бўйича).*

Нафоат республикамизда, балки бутун Ўрта Осиёдаги энг чукур карст шахтаси Зарафшон тизмаси, Қирқтоғ платосида жойлшгаи бўлиб, КИЛСИ номи билан аталади. Чукурлиги 1200 м. дан знёд бўлган ушбу карст шахтасининг кириш қисми улкан карст даҳанасининг қуи қисмida жойлашган ўпқондан иборат (8-расм).


Карст шахталарининг геоморфологик тузилиши турли мураккаб тарзда кузатилиши билан биргаликда, кенглиги бир неча метрдан, айрим ҳолларда ўнлаб метрларгача ўзгариб туради. Карст шахтаси деворлари бўйлаб баъзан ёнлама йўлаклар очилса, аксарияти тармоқланиб кетади ва КИЛСИ каби ер ости кўллари билан тугалланади.

Карст горлари. Горизонтал ёки бирмунча қия ривожланган ер ости бүшлиқлари горлар деб юритилади. Улар карбонатли, сульфатли, хлоридли жинслар бўйлаб ер ости сувларининг вертикал, горизонтал ҳамда сифонли тарзда ҳаракатланиши туфайли юзага келади. Горлар турли давр ва кимёвий таркибидағи бўлган литологик қатламда шаклланиши баробарида турли ўлчам ҳамда геоморфологик тузилишига ҳам эгадир. Шу боисдан уларни бир қаватли, кўп қаватли, икки томонлама очик каби турларга бўлиб ўрганилади. Кесмадаги кўринишга кўра горларни чизиқли ривожланган, тиззасимон ривожланган, тармоқланувчи турлари мавжуд (9-расм).

Горларда ўзига хос ер ости ландшафти шаклланади. Кўпинча горларда сталактитлар, пардасимон ҳосилалар, сталагмитлар, кўллар, ер ости шаршаралари, ўзига хос органик дунё вакиллари ривожланади (10-расм).



9-расм. Мақбил (гарбий Тянь-Шань този М.М.Маматкулов бўйича) гори.



10-расм. Ер ости карст бүшликлари бүйлаб учровечи турли күршишидаги ҳосилалар.

1-сталактитлар, 2-пардасимон ҳосилалар, 3-байроқсимон ҳосилалар, 4-макаронсимон ҳосилалар, 5-гелектитлар, 6-мураккаб сталагмитлар, 7-ходасимон сталагмитлар, 8-кальцит таркибли «шоввалар», 9-сталагнатлар, 10-ер ости карст күли, 11-өр марвариди (кальцитли пизолитлар), 12-кулаб тушан харсанглар, 13-күм тупрокли гор ётқизиклари.

Күр карст бүшликлар. Ер ости карст ҳосилаларининг ушбу тури кириш ва чиқиши йўллари кузатилмайдиган бүшликлар тарзида намоён бўлади. Күр карст бүшликлари газ, нефть, ер ости суви ва бошқа қазилма бойликлар захирасини аниқлаш ёки уларни қазиб олиш, шахта, штольнялар ўтказиш ишларини амалга ошириш жараёнида намоён бўлади. Күр карст бүшликлари Жанубий Фарғона, Чумқартов, Зарафшон тоғининг гарбий қисмлари, Зарабулоқ-Зиёвуддин тоғлари, Марказий Қизилкум қолдиқ тоғлари, Ҳисор тизмаси бўйлаб (Кетмончопди тоғининг жанубий-шарқий ён бағридаги, Бойсун кўмир конини қазиш ишлари жараёнида) аниқланган. Уларнинг аксарияти хақиқ-оникс қатламлари билан қопланган сталактит, сталагмитлар ривожланган ҳолда намоён бўлади.

Суффозия. Суффозия (лотинча suffosio-қазиш деган мазмун беради), фанда псевдокарст (псевдо-ёлғон деган маъно беради), яъни ёлғончи карст деб ҳам аталади. Чунки

суффозия шаклланиш жараёнига кўра, карстни эслатади. Аммо карст жараёнида кўпроқ денудация эритиш ва қисман ювиги олиб чиқиб кетиш жараёни иштирок этгани ҳолда, суффозия жараёнида эса ювиги олиб чиқиб кетиш катта роль ўйнайди.

Суффозия айниқса, ювилувчанлик хусусияти юқори бўлган лёссли ҳудудларда кенг тарқалгандир. Чунки суффозия лёсс каби увог тог жинсларидан таркиб топган ғовакдор тупроқли юза бўйлаб оқиб ўтаётган сув ўзи билан биргаликда майда заррачаларни ювиги олиб кетади. Натижада ўша жой бўйлаб бўшлиқлар ҳосил бўлади, баъзан эса бўшлиқларнинг юқори қисми ўпирилиб тушиб, ер юзасида ўпирилмалар, даҳаналар, ботиклар таркиб топади.

Суффозия халқ табиий географик терминларида «обгурда» номи билан аталади. Форсча об-сув, гурда-буйрак маъносини беради. Яъни бу ибора орқали инсон танасида ичилган сувнинг буйракка бориб куйилишини эслатувчи жараёнга ишора тарзидаги ҳолат акс этади. Баъзан обгурда-оббурда шаклида ишлатилади. Бунда об-сув, бурда парчаламоқ маъносини беради. Чунки оқим лёссли қатламни тиф каби кесиб бўлакларга ажратади. Жараён хусусиятининг шаклланишига кўра, ҳар иккала халқ терминини ҳам тўғри, дея қабул қилиш мумкин.

Суффозия юз бериши учун ер юзаси бўйлаб ҳаракатланаётган оқим, пастки қатламларга томон ҳаракатланиши лозим бўлади. Бу ҳолатни келтириб чиқарувчи куйидаги сабаблар мавжуд:

1. Кемирувчи (дала сичқони, кўшоёқ юмронқозиқ ва ҳ.к. каби) баъзан йиртқич (тулки, бўри, сассиқ кўзан ва ҳ.к. каби) жониворлар қазиган инлар бўйлаб сув қуий қатламларга томон ҳаракатланади.

2. Куриб қолган кўп йиллик ўсимликлар, буталар, дараҳтларнинг илдизлри ўрнида шаклланган бўшлиқлар бўйлаб гидрологик оқимнинг ер остига йўналиши натижасида, оқим ғовак жисмларни ювиги олиб кета бошлайди.

3. Зилзила, сурима, механик ҳаракатлар туфайли шаклланган ёриқлар бўйлаб ер усти сувларининг, ер остига қуишиши натижасида.

4. Лёссли асосда шаклланган тупроқ қопламининг (асосан оч тусли бўз тупроқлар) сугорилгандан сўнг, куриб кейин дарз кетиши туфайли юзага келган ёриқлар бўйлаб ер усти сувларининг пастки қатламларга қуишиши туфайли.

Суффозия юз берган қатламда бўшликлар ҳосил бўлади, баъзан уларнинг шифти ўпирлиб ер юзаси бўйлаб даҳанаалар, ўпирималар шаклланади. Шу боисдан суффозия авж олган худудларда жарланиш жараёни кучаяди. Бу ҳолат ўша жойда дехқончилик қилиш, курилиш ишларини олиб бориш каби юмушларни қийинлаштиради.

Мавзуга оид савол ва топшириқлар

1. Гидрологик оқим тўғрисида тушунча беринг.
2. Ўзансиз оқим қандай хусусиятга эга?
3. Ўзанли оқим, ўзансиз оқимдан қандай фарқланади?
4. Ўзансиз оқим туфайли қандай табиий географик жараёнлар юз беради?
5. Жарланиш ва унинг географияси ҳақида тушунча беринг.
6. Ўзан эрозияси натижасида юз берувчи табиий географик жараёнлар ҳамда рельеф формалари хусусида тушунча беринг.
7. Антецедент водийлар қандай шаклланади?
8. Ёнлама-қирғоқ эрозияси қандай юз беради?
9. Сел ҳақида тушунча беринг.
10. Сел таркибига кўра неча гурухга бўлиб ўрганилади?
11. Селнинг шаклланиш сабаблари хусусида сўзлаб беринг.
12. Селнинг салбий ва ижобий хусусиятлари ва унга қарши кураш турлари қандай ташкил этилади?
13. Ўзбекистонда карст жараёнини ўргангандан олимларни кўрсатинг.

14. Карст ва унинг литологик турлари ҳақида тушунча беринг.
15. Карст ҳосилаларининг ер усти ва ер ости күринишлари ҳақида сўзлаб беринг.
16. Карст жараёнинни ўрганишнинг илмий ва амалий аҳамияти нимадан иборат?
17. Карст жараёни табиатда қандай ижобий ва салбий аҳамият касб этади?
18. Псевдокарст ёки суффозия ҳақида тушунча беринг.

7-мавзуу. Музликлар билан боғлиқ ҳолда шаклланадиган табиий географик жараёнлар

Хозирги пайтда ер шарининг 11 % га яқин қисми музликлар билан қопланган. Жойлашган ўрни ҳамда айрим табиий географик хусусиятларига кўра улар икки гурухга бўлинади: материк музликлари ва тоғ музликлари.

Материк музликлари билан боғлиқ ҳолда шаклланган табиий географик жараёнлар. Материк музликлари ер шарининг манфий ҳароратга эга бўлган ҳар иккала қутбий қисмida шаклланган бўлиб, улар музлик қалқонлари, деб ҳам юритилади. Материк музликларининг чекка қисмларида ҳарорат жуда паст бўлғанлиги учун грунт қатлами доимий равишда музлаб ётади. Шу боисдан бундай худудларни доимий музлоқлар, мутгасил музлаб ётuvчи ерлар, деб юритилади. Доимий музлаб ётuvчи ерларнинг юза қисми гарчанд йилнинг илиқ фаслларида бир неча ўн см дан бир неча м гача эрисада, грунтнинг куйи қисми доимо музлаган ҳолда кузатилади.

Материк музликлари асосан қор ёғиши ва қисман атмосферадаги намлик ҳисобига тўйиниб, ҳажми ошади. Ҳосил бўлган муз қатлами рельефнинг ҳолатига кўра эгилиб букилувчанлик, силжиб ҳаракатланувчанлик, ҳаво ҳароратининг кўрсатгичи мусбат ҳолатга етганда эса эрувчанлик

ҳамда аксинча ҳарорат манфий даражага етганда қаттиқлашиш хусусиятига эгadir. Материк музликларининг мана шундай хусусиятлари асосида турли жараёнлар вужудга келади. Биз уларни алоҳида тарзда кўриб чиқишни лозим деб билдиқ.

Материк музликларининг ҳаракати туфайли юзага келувчи табиий географик жараёнлар ва рельеф шакллари. Материк музликлари ўз оғирлик кучи туфайли силжиб ҳаракатланади. Ер юзаси 1^0 қияликка эга бўлган худудларда шаклланган 60-65 м қалинликдаги муз массаси силжиб ҳаракатланишга тушади. Қиялик ортиб борган сари, муз массасининг қалинлиги кўрсатилган даражада бўлиши шарт эмас. Масалан, 45^0 қияликдаги ҳосил бўлган 1,5-2 м қалинликдаги музлик ҳам силжиш хусусиятига эга. Айнан шу ҳаракат бир қанча табиий географик жараёнларнинг шаклланишига асос бўла олади. Улар куйидагилардан иборат:

Типик музлик қатламлари ниҳоятда катта, шакли эса ўша жойнинг рельефига боғлиқ бўлмаган ҳолда, уст қисми ясси дўнг бўлади. Музлик қалинлаша боргани сари қиялик томонга ҳаракатга келади.

Тарос. Муз юзасининг ҳаракатланиши давомида тартибсиз, нотекис ҳаракатта келиши. Тарослар сифатида музликларнинг ўрта қисмида жуда катта босим вужудга келиб, юзасининг баландлиги 10 м, баъзи ҳолатларда ундан ҳам юқори бўлган муз қатламлари, юқори қисми киррадор, баъзан бирмунча ётиқ, тик ёнбағирли муз дўнгликлари вужудга келади. Таросли далалар ўнлаб, баъзан юзлаб км ларга чўзилиб кетади. Шу боисдан тарослар бўйлаб ҳаракатланиш жуда қийинлашади. Тарослар музликнинг ҳаракатига муносиб равишда қисқа муддатлар ичida ҳам шаклини ўзгартириб туриши мумкин.

Зандр далалари. Датча sandur-кум ёки исландча sand-kum маъносини беради. Материк музликларининг чекка қисмларида морена жисмларининг муз сувлари ювиб кетиши ва қайта ётқизиши натижасида ҳосил бўлган кум, шагал,


қисман харсанг, чақиқ тошлар аралаш дүңгликлар бетартиб сочилған күмлоқ текисликлар зандр далалари дейилади. У муз босиши босқычлари билан узвий боғлиқ бұлғанлыги учун шимолий үлкаларда, жумладан гарбий Сибир, Днепр, Ока дарёси водийларида учрайди.

Кам – Камлар генетик хусусиятларига күра, озларни эслатади. Яъни флювогляциал ётқизікіларнинг қат-қат түгри чизиқли тарзда шаклланиши туфайли вужудға келади. Бу борада бир неча илмий қарашлар мавжуд бўлиб, уларга күра камлар қадим геологик даврларда музлик устида, балки музлик остида шаклланган кўллар ўрнида ҳосил бўлгандир. Камлар ҳам ён бағри тик (45^0 гача) бўлган дүңгликлардан иборат, алоҳида хусусият касб этувчи рельеф шакли бўлиб, асосан харсангтошлар аралаш, қат-қат ётувчи кум ўюмларидан таркиб топган ҳолда учрайди.

Оз – швед тилидан олинган бўлиб, озач ёки оз–тизма мазмунини беради (11-расм). Ушбу рельеф формалари қатор, аммо эгри-бугри тизилган тоғ тизмаларини эслатувчи, таркиби кум, шағал, харсанг тошлардан иборат дүңгликлардир. Уларни узунасига 30-40 км, кенглиги асосида 40-100 м, ўркач қисмидә 4-5 м\ баландлиги 25-30, ҳатто 90 м гача етади. Озларнинг ўркач қисмидә чуқур даҳаналар мавжуд бўлиб, улар оз қозонлари номи билан аталади.

Қўй пешоналар – материк музликлари ҳаракатланиш жараёнида ер юзасига чиқиб ётган қаттиқ она жинс (гранит, кристаллашган сланецлар, гранадиорит ва бошқалар) ларнинг музлик босиб келаётган томонини силликлаб кетади. Шу боисдан қадимги геологик даврларда материк музликлари ҳукмрон бўлган ҳудудлар бўйлаб ер юзасига чиқиб қолган қоятошларнинг бир томони қўй (түғрироғи қўчқор)нинг пешонаси каби бўртган ҳолатда силликланиб, унинг қарама-қарши томони эса бирмунча тик ҳолатда кузатилади.

* Флювогляциал – лотинча Fluvius – оқим, glacialis – муз. Яъни муз эриши туфайли шаклланган оқим олиб келган кум, лойка аралаш ётқизиклар.



*11-расм. Озларнинг кўндаланг кесмаси
(М.Ф.Иванов бўйича).*

Доимий музлаб ётган ерларда юз берувчи табиий географик жараёнлар ва рельеф шакллари. Ер пустининг устки қисмида пайдо бўлиб, силжиб ҳаракатланадиган музликлардан ташқари, ер пустининг жуда узоқ геологик даврлардан буён доимий хукм сурувчи манфий ҳарорат туфайли музлаб ётишидан вужудга келган абадий музлаб ётувчи майдонлари ҳам мавжуд. Бундай худудларда ер қобигининг дастлабки қатламларида учрайдиган грунт сувлари муз ҳолатида бўлади. Доимий музлоқ ерларнинг ташкил этувчи қатламларда ҳарорат 0° дан -8° гача кузатилилади. Бундай жойлар ер юзасининг куруқлик майдонларини 100 % деб оладиган бўлсак, унинг 20 % га яқин қисмини тўнглоқ ерлар ташкил этади. Доимий музлоқ ерларда тоғ жинслари бир неча метрдан, 600 м гача бўлган чукурлиқда музлаган ҳолда кузатилади.

Қиши совуқ ҳамда давомли тарзда кечадиган, қор кам ёғиб, ёзи қисқа вақтда тугайдиган ҳудудлар бўйлаб музлаб ётган грунт қарийб эримасдан узоқ вақт барқарор музлаган ҳолатда туради. Аксинча ёзи нисбатан давомли ва илик кечувчи ҳудудларда доимий музлаб ётган жинсларнинг устки қисми эрийди ва ўзгариб турувчи қатlam юзага келади. Ёз фаслида эриган қатlam, қиши совуқлар таъсирида қайтадан

музлайди. Айнан шу жараён туфайли доимий музлок ерлар бўйлаб бир қанча табиий географик жараёнлар юз беради.

И.С.Шукин маълумоти бўйича, абадий музлок ерларда юз берадиган табиий географик жараёнлар ва улар билан боғлик равишда ҳосил бўлувчи рельеф формаларини келиб чиқишига кўра куйидаги гурухларга бўлиб ўрганади:

– совук туфайли, қор қоплами юпқа бўлган ҳудудларда грунт турли кўрсатгичдаги чуқурликлар бўйлаб музлайди ва натижада ёрилиб кетади. Ушбу ёриклар турли ўлчам (кенглиги ва чуқурлиги бўйича) ва кўринишга эга бўлади. Ушбу ёриклар юза қисмида 1-3 см (И.С.Шукин, 1964) кенгликни ташкил этган ҳолда, бу кўрсаткич қуийга томон табора қисқара боради. Маълум чуқурликка еттач, ёриклар табора торая бориб, ниҳоят тугайди. Йилнинг илик фасллари келгач музлаган грунт, қор қопламининг эриши, атмосфера ёғинларининг тўпланиши туфайли ушбу ёриклар сувга тўлади. Йилнинг совук фасллари бошлангач, бу ерда тўпланган сув музлайди ва у тобора кенгайиб, юқорига томон бўргиб кўтарила боради. Ушбу муз шакллари кесмада понага ўхшаш бўлганлиги сабабли, музлик поналари деб аталади. Музлик поналари йиллар ўтиши билан тобора кенгайиб, бу кўрсаткич бир неча метрга этиши мумкин.


– абадий музлаган ерларда тупроқнинг қабариб, гумбазсимон шаклга кириши. Дарё террасалари, поймалари, кўл соҳиллари, ер ости сувининг юзага яқин ётган жойлари, ёки уларнинг тўғридан-тўғри булоқлар шаклида юзага чиқиш нуқталари ёки ботқоқлашган пастқамликлари грунтнинг қаттиқ совук туфайли музлаши натижасида, ер юзасида гумбазсимон кўтарилган рельеф шакллари юзага келади. Уларнинг шаклланиш жараёни лакколитларнинг ҳосил бўлишини эслатади. Лакколитлар табиатда вулканик жараёнлар билан узвий боғлик ҳолда юз берган каби, грунт сувининг музлаши туфайли ер юзасида гумбазсимон рельеф формаларини ташкил этиши эса, лакколитларга қиёсан гидролакколитлар дея аталади. Демак, гидролакколитлар

иичида муз ёки музлаган жинслардан иборат ядро мавжуд бўлган кўп йиллик дўнгликлардир (12-расм).

Булар шимолий қутбга яқин, абадий тўнглоқ ерларда кўплаб учраганилиги сабабли, ўша жойда яшовчи маҳаллий аҳоли ёкутлар томонидан «булгуннях» дея аталади. Ёкутлар туркий халқлар таркибиға кирганлиги сабабли, бу халқ термини мазмунан туркча билқиллоқ ёки булкуллак сўзига жуда яқин туради. Чунки гидролакколитлар табиий хусусиятига кўра билқиллоқ ёки булкуллак сўзининг этимологиясини очиб бера олади. Гидролакколитлар йилнинг илиқ фасллари кириб келгач қисман эриб, гумбазсимон қабариқ юзани қоплаб олган торф қоплами юмшайди, аниқроғи билқиллаган хусусият касб этади. Шу боисдан И.С.Шукин (1964) гидролакклоитлар – муз гумбазлари таркибини ёз фасллари муз эмас, кўпроқ суюқ ҳолатдаги сув аралаш, торф ташкил этади деб ёзади. Шу боисдан иссиқ фаслда гидролакклоитларнинг ичидаги муз ядро эриб кетга, дўнглик чўкиб, бирмунча пасайиб қолади.


Гидролакколитларнинг кўриниши юмалоқ, гумбазсимон шаклда булиб, ён бағирлари деярли тик $40-50^{\circ}$, юқори қисми яссироқ бўлган ҳолда, баландлиги бир неча ўн метрни ташкил этиши мумкин. Улар Ёкутистон, Байкал орти ўлкаси, Амур области каби тайга ва Европанинг тундра унга туташ худудларида кенг тарқалгандир.

Термоабразия – денгиз ёки кўл қирғоқлари бўйлаб тўлқиннинг емирувчан кучи таъсирида шаклланадиган жараён abrasion – сидириш деган маънони беради. Бу жараён туфайли қирғоқ бўйининг емирилиши, баъзан тик ҳолатта келиши ёки текисланиши кузатилади. Термоабразия жараёни эса нисбатан илиқ бўлган денгиз ёки кўл юзаси бўйлаб ҳаракатланаётган тўлқиннинг музлаб ётган қирғоқни эритиши ва емириши туфайли юзага келади. Натижада абадий музлаб ётган қирғоқлар бўйлаб тўлқин таъсирида эриган нуқталарда айвонсифат ғорлар шаклланади (13-расм).



**12-расм. Гидролакколит
(М.Я. Чернишев бүйича)**

- 1-Мавжуд тог жинси қатламлари.
- 2-Ер ости сувининг муз ҳолатига кирган қисми.
- 3-Ер ости суви юзага күтарилаётган ёриқлар.



**13-расм. Термоабразия туфайли түнглок қирғокъининг эриб
айвонсифат ҳолатга кириши.**

Термоэрозия – абадий музлаб ётган худудларнинг ўзан бўйлаб оқар сув таъсирида эриб емирилиши туфайли вужудга келади. Чунки оқар сувнинг ҳарорати. 0^0 дан паст бўлган гўнглоқ тупроққа нисбатан иликроқ бўлиши кузатилади. Илик сув гўнглоқ ґрунтни эритиб, ювиб кета бошлайди. Натижада жарликлар, пастқамликлар, водийлар вужудга келади. Термоэрозия туфайли юз берадиган емирилиш чизиги кўпинча термокарст, таъсирида ҳосил бўлган пастқамликлар томон йўналган бўлади. Бундай водийларда тез-тез эримасдан сақланиб қолган абадий музлоқ ерларнинг қ олдиқлари тепаликлар тарзида учрайди. Улар фанда *бойжараҳлар* дея аталади. Бойжараҳларнинг баландлиги бир неча метрдан, бир неча ўнлаб метрга етади.

Солифлюкция – бу тушунча лотинча маъно касб этиб, solum-тупрок, luchus-оқим деган мазмун беради. Демак, солифлюкция жараёни туфайли музлаган ёнбағирларнинг ҳарорат таъсирида эриб оқмалар тарзига кириши тушунилади. Солифлюкция баланд тоғларда учрагани каби абадий музлаб ётвучи худудларда ҳам кузатилади. Солифлюкция сувга тўйинган ґрунтнинг ўз оғирлик кучи туфайли ён бағир бўйлаб, куйига томон оқишини таъминловчи асосий куч гравитация туфайли юз беради. Тупроқ массасининг музлаши ҳамда эриши туфайли унинг оғирлиги ортиб, сув ҳароратининг 0^0 дан 4^0 га қадар ўзгариши туфайли зичлигининг камайиши, каллоидларнинг бўкиб ҳажман ошиши туфайли юзага келади. Солифлюкция туфайли ґрунт юзаси бир фасл давомида бир неча см дан, бир неча метрга қадар ҳаракатланиши, натижада эса солифлюкция супаларининг вужудга келиши, айрим пастқамликларнинг текисланиши кузатилади 14-расм. Солифлюкция тўғрисида ушбу китобнинг «Гравитацион куч туфайли юзага келувчи табиий географик жараёнлар» мавзусида батафсил мълумот берилган.

Термокарст. Псевдокарстнинг бир кўриниши. Ушбу жараён абадий музлоқ ерларнинг ҳарорат натижасида эриши туфайли юзага келади. Музлаб ётган ґрунт эригач, уни

қоплаб олган қатламлар чўкиб, ер юзасида тоғарасимон ботиқлар, водийлар, даҳаналар шаклланади. Термокарст ҳаво ҳароратининг кўтарилиши, грунтни қоплаб олган ўрмонзор бўйлаб ёнгин юз бериши, музлаган қатламлар бўйлаб ўсган ўрмонзорни кесиб олиниши туфайли қуёш нурининг юза қатламни кучлироқ иситиши, қисман антропоген таъсир туфайли шаклланади.



14-расм. Солифлюкция туфайли супасимон рельеф шаклларининг вужудга келиши (С.Ф.Богам бўйича).

Озлар музлик сувлари қолдирган диагонал қат-қат ёки горизонтал ётқизиклар бўлиб, улар музлик узок даврлар сақланиб қолгач, эриган муз суви келтирган лойқа дельталар ҳосил қиласди. Ўша дельталар тузилишига кўра турли ўлчамлардан иборат бўлади. Улар музликларнинг кўлами, сақланиш даврига боғлиқ ҳолда шаклланади. Озларнинг шаклланиши хусусидаги гоялар тугал исботини топмаган бўлиб, бу борадаги илмий мунозаралар ҳамон давом этмоқда.

Баъзан озлар ташкил этган оралиқларда сув йиғилиб күллар вужудга келади. Бу ҳолатда ушбу сув ҳавзалари оз күллари деб аталади.

Тоғ музликларининг ҳаракат фаолияти билан боғлиқ ҳолда юз берувчи табиий географик жараёнлар ва рельеф шакллари. Тоғ музликлари материк музликларига нисбатан жуда кичик ўлчамларда кузатилади. Улар шаклан турлитуман бўлиб, жойлашган водийларнинг кўринишига ўхшайди. Музлик жойлашган водий қайси томонган нишаб бўлса, муз массаси ҳам ўша тарафга томон ҳаракатланади. Тоғ музликларининг айнан шу ҳаракатланиши хусусияти орқали бир қанча табиий географик жараёнлар вужудга келади. Шуни ҳам эътироф этиш керакки, музликлар геоморфологик жиҳатдан уч (фирн-узоқ в актдан буён босилиб ётган ва зичлашган, муз учкунларидан иборат қор тўплами, яъни музликнинг юқори қисми, глетчер (немисча glatter ялтироқ демакдир) фирн – донадор тузилишига эга бўлган, лекин муз ҳолатига келмаган ҳолда музликнинг ўрта қисмларини ташкил этади, тил – музликнинг энг қуий қисмини ташкил этиб, у қаттиқ, аммо эластик ҳолатда, яъни рельефнинг ҳолатини ўзида акс эттира олувчи бирмунча ётиқ, тик, эгри-буғри ёки тўғри ва ҳ.к. ҳолатларда кузатилади) қисмидан иборат бўлиб, ҳаракатланиш даражаси турли қисмларида турлича ҳолатларда кузатилади. Шундай бўлсада, музлик ҳаракати туфайли шаклланадиган иш уч гуруҳга табақаланади. Улар:

- 1) эрозия;
- 2) транспортировка, яъни жинсларнинг олиб кетилиши;
- 3) аккумуляция (турли жинсларни тўплаш)дан иборатдир.

Уларни қуида алоҳида-алоҳида тарзда кўриб чиқамиз.

Музлик эрозияси. (Лотинча «erosion» – емириш маъносини беради) Музликлар ўз ҳаракати туфайли водийнинг таг қисми ҳамда ён бағрида мавжуд бўлган яхлит, монолит қояларни қириб, парчалаб юлиб олиб, ўзи билан олиб кетиши жараёнида, йўл-йўлакай қояли ён бағирларни

гўё омоч билан ер ҳайдагани каби тирнаб, турли чукурликдаги чизиклар ҳосил қиласди. Баъзан эса қояли ён бағирларни ойна каби силлиқлаб ялтиратади, водийларнинг тагини емиради. Ушбу жараён фанда экзарация деб аталади. (Экзарация – «exaratio»- ҳайдайман деган мазмун беради) бу музликларнинг қояли жинсларни силлиқлаши сувнинг худди шу турдаги ишидан сон-саноқсиз ва турли ўлчамдаги чизикларнинг мавжудлиги билан фарқланади. Экзарация туфайли ҳосил бўлган қоялардаги чизиклар узунасига бир неча метрларни ташкил этган ҳолда, кенглиги 2-3 см, чукурлиги бир неча мм дан иборат бўлади. Шуниси хусусиятлики, экзарация юзага келиши учун музлик таркибидаги қиррадор тоғ жинси бўлаклари, экзарацияга учраётган қоялардан қаттикроқ бўлиши лозим. Акс ҳолда экзарацияга учраши мумкин бўлган қояли ён бағирлар бўйлаб тирналиш юз бермайди.

Музликларнинг транспортировка – элтиш ва йиғиш аҳамияти. Тог музликлари суткасига 20-80 см, йил бўйича 100-300 м гача ҳаракатланиши мумкин. Айрим музликлар эса ўқтин-ўқтин тебраниш хусусиятига эга бўлиб, у лар даврий бўйлаб қуйига томон силжийди. Масалан, Помир тоғидаги Федченко музлигининг йирик тармоғи Хирсдара – Медвежий музлиги шундай хусусиятга эга бўлиб, айрим йиллари унинг тезлиги 1 суткада 100 м. гача етади (Акбаров А. 1985).

Музликлар ҳаракат қилганда унинг устига ҳар иккала ён бағир бўйлаб кулаб тушган тоғ жинси бўлаклари, кум, шағал, шамол натижасида келтирилган чанг зарралари тўплами музлик билан биргаликда ҳаракатлана бошлайди. Музлик олиб келаётган ушбу ётқизиклар тўплами мореналар дея аталади. Ушбу тушунча француз тилидаги «morena» сўзидан олинган. Мореналар музга нисбатан тўқ тусли бўлганлиги учун қуёш нури таъсирида тез қизиб, тош остидаги муз эриб чукурча ҳосил бўлади. Бундай ҳосилалар муз ётқизиклари дея аталади. Шу тариқа мореналар музликларга табора сингишиб боради. Музлик устида қолган ётқизиклар эса янги ёқсан қор

қоплами остида қолади, натижада мореналарнинг муз қатлами билан аралашуви жараёни янада ривожланади. Ҳаракат қилганда музликлар бўйлаб зўриқиш юз берib, у таранглашади. Натижада музликлар бўйлаб ёнлама, бўйлама, кўндаланг ёриқлар вужудга келади. Ушбу ёриқлар туб қисми бўйлаб эриган сув оқади. Айрим ҳолатларда мореналар музликлар таъсирида қиррадорлигини йўқотиб, йирик қайроқтошлар, фўлатошлар тарзига киради.

Йирик мореналар аксинча куёш нурини тўсиб қолиб, музликни тез эриб кетишидан сақладайди. Натижада ўша йирик морена атрофидаги муз қоплами эриб кетгани ҳолда, унинг тагидаги муз тош соясида эримасдан сақланиб қолади ва муз курсилари, (кўзиқоринлари) вужудга келади.

Мореналар музликнинг ён томонида, ўргасида, ички қисмida, таг қисмida, охирги тил қисмининг тугаш қисмida учраган ҳолда бешта турга бўлинib ўрганилади (15-расм).




15-расм. Мореналар:

T-таг морена, У-устки морена, Ё-ён морена, И-ички морена, Ў-ўрта морена ва ОХ-охирга морена, Фг-флювиогляциал қум-шагал таркибли ётқизиклар.

Мореналар қандай туркумга мансуб бўлишидан қатъи назар музлик билан биргаликда ҳаракатлана боради. Музлик асосан абляция–музнинг эриши, буғланиши, куёш нури, ёмғир ва шамол таъсирида кичрайиши кузатилади. Музликнинг тўйиниши унинг юкори фирм худудига тўғри келгани

ҳолида, унинг эриши энг қуи тил қисмида кўпроқ юз беради. Чунки музликнинг тил қисми кор чизигидан бирмунча қуида ётади. Шу боисдан музликнинг тил қисми эриши баробарида, унинг таркибидаги турли ётқизиклардан таркиб топган мореналар ҳам тўплана боради. Лойқа, майда кум заррачалари йирик харсанглар, чақиқ тош, шагаллар орасидан ювилиб кетган ҳолда музлик тили тугаган жойда сараланган мореналар тўплами йиғилиб қолаверади (16-расм). Бу жараён узоқ геологик даврлар мобайнида давом эта бориб, мореналарнинг йирик қатлами вужудга келади. Ушбу жараённинг барчаси музликларнинг элтиш-транспортировка ва ниҳоят аккумуляция-тўплаш фаолияти туфайли юз беради.



Музликлар ҳаракати туфайли турли рельеф кўринишлари вужудга келади:



16-расм. Мореналарнинг тўпланиши.

Трог. (Немисча «трог» тогора деган мазмунни беради). Музликлар ҳаракати натижаси, жойлашган водий тубини тогарасимон тарзда ўйиб «ишлов» беради. Шунинг учун трог

водийларининг асосий қисми кенг бўлиб, ён бағри тик зинасимон шаклда ривожланган (17-расм).



**17-расм. Трог водийсининг кесмада кўриниши
(В.Девис бўйича).**

Троллар қор чизигидан юқори худудларда ҳозирги замон тоғ музликлари билан узвий баглиқ ҳолда ривожланар экан, табора чуқурлаша боради.

Баъзи ҳолатларда троллар қор чизигидан қуий худудлар бўйлаб ҳам учрашини кўрамиз. Бу ҳолат қадимги геологик даврларда мавжуд бўлган тоғ музлик (палео музлик) ларининг тарқалиш майдонларини курсатиб туради.

Кар (шотланд тилида corrie) кўза демакдир – кўзанинг оғзига монанд, қуш (қалдирғоч) уясини эслатувчи ботиқлардир (18-расм). Карлар циркларнинг юқори қисмини ташкил этган ҳолда, деворлари тик, туб қисмлари эса, ётиқ, эгарсимон бўлган ҳолда, алоҳида ажралиб турувчи фирн қопламидан иборат музликлари мавжуд бўлади, реликт тарздаги карлар тубида эса кичик тоғ кўллари кузатилади. Реликт турдаги карлар замонамизда ҳам сақланган бўлиб, қор чизигидан қуий худудларда учрайди. Карлар баъзан устма-уст жойлашганлиги учун зинасимон ҳолат касб этади (19-расм).



Бойсунтог. Каррланган далалар.




Хисор тоги. Карст водийси бўйлаб карст даҳаналари, узоқдан эса қуэста ва унинг ортида сиртлар рельефи қўриниб турибди.



Күхитанг тоги. Хомкон карст күли.




Помир тоги. Муз курсиси ёки құзиқорини.




Енма-ён жойлашган кар.




Музлик тили.




Муз ёриги.




Термокарст күли.



**18-расм. Кар (А) ва трог (Б) нинг бўйлама кесмаси.
1.Охирги мореналар, 2. Трог кифти, 3-қоялар, 4-трог.
(Л.П.Шубаев бўйича)**



A



Б

**19-расм. Карларнинг ривожланниш босқичлари. А – ёш кар.
Б – Ривожланган кар (С.Л.Кузнецов бўйича).**

Ривожланыётган карлар қор чизигидан юқорида жойлашган ҳолда, кар ботиқларига мудом қор ва фирн түплана бориб, ўз оғирлиги туфайли карларнинг қуиң деворидан ошиб туша бошлайди. Натижада фирм ҳаракати туфайли нивал нураш, экзарация туфайли карларнинг чукурлиги орта боради ва улар ривожланышда давом этади.

Карлинг. Қор ва муз ҳаракати туфайли пирамидасимон, учбурчак, қиррадор ҳолатта кирган чўққилар карлинг деб аталади. Кўпгина ҳолатларда уларнинг орқа девор қисмida карлар ривожлангани учун ўша томони бирмунча тик ҳолат касб этади.

Музлик цирки. Циркус лотин тилида доира деган мазмун беради. Тоғларнинг юқори қисми бўйлаб амфитеатр шаклида бир томони очиқ ҳолда ривожланган, товоқсимон табиий чукурлик. Музлик цирклари совуқдан нураш ҳамда музлик ҳаракати туфайли ривожланади. Шу боисдан циркларнинг туб қисмida доимо музликлар учрайди. Циркларнинг деворлари бўйлаб карлар ривожланади. Қадимги реликт цирклар қор чизигидан қуида ҳам жойлашиши мумкин. У ҳолатда ушбу туркумдаги циркларнинг шаклланишида қадимги тоғ музликларининг иштироки сезилади.

Эквилиен – чўққиларнинг муз таъсирида ясиланиши. Музликлар ўз ҳаракати давомида нафақат водийларни, балки фирм областидан қуида турувчи айрим чўққиларни ҳам босиб ўтиш жараёнида уларни силлиқлаб, учқир ҳолатлардан, ясси, тўмтоқ ҳолатта келтиради.

Альтiplinasiya – лотинча *altus*-баландлик, *planatio*-текислик. Гольс (ўрмон қопламидан юқори қисми) худудидан юқори худудлар бўйлаб совуқ ҳарорат, қор қоплами, нураш, солифлюкция ва ҳ.к. натижасида қиррадор чўққиларнинг, рельефнинг текисланиши. Альтiplinasiya жараёнида фирм қатламининг таъсири кучлироқ сезилади.

Тоғ музликларининг устки қисмida юз берувчи табиий географик жараёнилар ва шакллар қуидагилардир:

Музлик қозонлари. Музлик ёриқлар бўйлаб ҳаракатла-наётган оқимнинг қуруқликдаги исполин қозонлари, каби таг қисми ётиқ, ёнлари тик ривожланган қозонсимон ривожланган ўйиқлар ҳосил қилиши туфайли шаклланади. Музлик қозонларининг шаклланишида оқим билан биргаликда айланма ҳаракат қилаётган, турли ўлчамдаги харсанг парчалари ва қайроқтошларнинг роли каттадир. Щу боисдан муз қозонларининг ўлчами, унинг шаклланишига сабабчи бўлаётган сув оқимининг миқдорига боғлиқ ҳолда юзага келади.

Муз ёриқлари. Тоғ музликларининг ҳаракати туфайли юзага келади. Чунки, музликлар ҳаракатланганда кучли босим вужудга келади. Натижада музлик ёрилиб-ёрилиб кетади. Бу ёриқлар, айниқса, музликнинг тил қисми бўйлаб шаклланади ва тўрт гурухга бўлиб ўрганилади:

1. Ёнлама ёриқлар – музликнинг ён ва ўрта қисмларидағи ҳаракат тезлигининг бир-биридан фарқ қилиши натижасида.

2. Бўйлама ёриқлар – музлик ҳаракатлана бориб, водийнинг тор жойида кенг қисмига ўтганда, эластиклик хусусиятига эга бўлган музлик кенгаяди ва бўйламасига ёрилиб бир неча ўнлаб йўналишда ривожланиб кетади.

3. Кўндаланг ёриқлар – музлик эластик хусусиятига эга бўлганлиги туфайли ўз ҳаракати давомида водий тагидаги нотекис (дўнг) нуқталарини босиб ўтар экан синади ва натижада кўндалангига ёрилиб кетади. Натижада музликнинг юза қисми зинасимон ривожланган шакл касб этади.

4. Бергшрунлар – музликнинг фирм қисмida шаклланган ёриқлар. У фирм ва қоялар туташган чизиқлар бўйлаб ривожланади (18-расм).

Музлик ёриқлари ёқсан ва шамол учиреб келтирган қор қоплами билан ёпилиб қолиши туфайли, улар музлик устида ҳаракатланиш учун жуда катта хавф тугдиради.

Муз тегирмонлари. Муз стаканларининг таг қисмida ҳосил бўлган капилляр ёриқлар бўйлаб сувнинг ҳаракати туфайли ҳосил бўлган бўшлиқ тabora кенгая ва чукурлаша

боради. Натижада ҳосил бўлган ўбқон шаклан ривожлана бориб, йирик оқимларни ҳам ютиб кета оладиган ўлчамга эга бўлади. Муз тегирмонлари туфайли юзадаги оқим музликнинг ўрта ёки таг қисмида ҳаракатланаётган оқимга кўшилишига сабабчи бўлади.

Муз тегирмонлари ҳам унинг юзаси бўйлаб ҳаракатланиш учун катта хавф тугдирувчи ҳосилалар ҳисобланади.

Муз горлари. Музликнинг тил қисмида, аникроғи унинг энг қуий қисми бўйлаб шаклланган бўшликлар. Муз горлари эриган муз сувининг ташқарига чиқиш нуктларидан шаклланади. Муз горларининг кириш қисми ва ички деворлари эриш натижасида турли жимжимадор шакллар билан қопланади.

Муз дарвозалари. Музликнинг эриб пасайиши ёки шамол, сув таъсирида эришидан қолган қисми водий бўйлаб, асосий муз массасидан узилган қисми, баъзан яхлит ҳолда кўпир, равоқ тарзига кириб қолишидир.

Муз стаканлари. Музлик устида цилиндрисимон шаклда ҳосил бўлган ўйиқлар. Муз стаканлари асосан қора рангдаги йирик бўлмаган тоғ жинси бўлакларининг қуёш нури остида қизиб, музликни ўйиб кириши натижасида ҳосил бўлади. Демак, муз стаканларининг тубида доимо унинг ҳосил бўлишига сабабчи бўлган тоғ жинси бўлаги ётади. Муз стаканларига эриган қор ва муз суви йигилиб, қайта тўлиб қолиши мумкин, акс ҳолда ушбу музлик формалари, юк ташувчи жониворлар, инсоннинг ҳаракатланиши учун хавфли ҳолатларни келтириб чиқаради. Муз стаканларининг радиуси 15-20 см гача бўлган ҳолда, чукурлиги ўнлаб см ларни ташкил этади.

Муз қўзиқоринлари. Бундай музлик формалари муз стаканларининг акси бўлган жараён натижасида шаклланади. Яъни бу ерда қулаб тушган тоғ жинси бўлагининг тагидаги музликка нисбатан ён атрофдаги муз қатламлари тез эриб кетади. Чунки йирик харсангтошнинг таг қисми қуёш нурида қизимасдан, совуқ ҳолича сакланади, атрофдаги муз эса қуёш

нури таъсирида эриб юза қисми пасая боради ва харсангтош тагидаги музликка таянган ҳолда «кўтарилиб» қолади. У баъзан қўзиқорин шаклини олган ҳолда, баъзан баҳайбат курсини эслатади. Шу боисдан айрим адабиётларда музлик курсилари деб ҳам айтилади.

Муз қўзиқоринларининг бош қисмини ташкил этувчи харсанглар айрим ҳолларда бир неча тоннагача бўлган ҳолатда, музлик сатҳидан 2-3 м баландликкача кўтарилиб туради. Шу боисдан уларга яқинлашиш ва тегиниш ўта хавфли ҳолатлардан бири ҳисобланади.

Нунатаклар. Музликлардан ҳоли ёки музлик бўйлаб юқорига кўтарилиб турган қоя – она жинс қатламларидир. Улар кўпгина ҳолатларда найзасимон қиррадор бўлади. Нунатаклар тоғ музликларида бирмунча камроқ, материк музликлари бўйлаб кўпроқ учрайди.

Мавзуга оид савол ва топшириқлар


1. Музликлар ва уларнинг турлари ҳақида тушунча беринг.
2. Материк музликлари билан боғлиқ ҳолда шаклланадиган табиий географик жараёнлар қандай кечади?
3. Материк музликлари таъсирида шаклланувчи рельеф формалари қандай шаклланади?
4. Тог музликлари ва уларнинг табиий қисмлари тўғрисида тушунча беринг.
5. Тоғ музликлари билан боғлиқ ҳолда юз берувчи қандай табиий географик жараёнларни биласиз?
6. Тоғ музликлари таъсирида юзага келувчи рельеф формалари хусусида сўзлаб беринг.

8-мавзу. Гравитацион куч етакчилигига юзага келадиган табиий географик жараёнлар

Ушбу гурӯхга сурилма, солифлюқция, нивация, кўчки каби табиий географик жараёнлар киради.

Сурилма. Сурилма – тог ёнбагирлари бўйлаб, шунингдек, кўл, денгиз, жарликлар сув омборлари, каръер, каналларнинг тик қирғогида, тог жинслари массасининг пастга сурилиб (сирғаниб) тушишига айтилади (20-расм).

Сурилма тушунчаси соф туркӣ ӯзакдан иборат бўлган халқ табиий географик термини бўлиб, сурилиш, сирпаниш каби мазмун беради. Сурилма термини халқаро эмас. Масалан, рус тилида «оползень» дей аталади. Бу тушунча ушбу жараённинг табиий хусусиятлари ва худудий географик тарқалиш жиҳатларидан ўша жойда яшовчи халқларнинг ўзаро алоқа тили иштирокида келиб чиқкан ҳолда шакланган.



20-расм. Сурилманинг кесмаси.
Б-сув ўтказувчи қатлам, н-сув ўтказмас қатлам.
(В.А. Обручев бўйича).

Сурилма табиатда қуйидаги сабаблар туфайли юз бериши мумкин:

- Тик ён бағирлар тагининг дарё оқими, сув омбор, денгиз абразияси туфайли жарликлар тарзида емирилиши;
- Сув ўтказмайдиган қатлам устида, сув ўтказадиган ғовак (лёсс, тупроқ, қум, шағал аралаш) тўртламчи давр ётқизикларининг қават-қават ҳолда ётиши;

- Содир бўлган атмосфера ёғинлари, эриган қор суви, қисман сунъий сугориш туфайли ғовак тўртламчи давр ётқизиқларининг сувга бўкиши;
- Сув ўtkазмайдиган қатлам йуналиши бўйлаб гидрогое-логик горизонтнинг шаклланиши ва сирпанувчи юза ҳосил бўлиши;
- Бўккан ғовак жинслар солиштирма оғирлигининг ортиши натижасида кия ён бағир бўйлаб тўпланган жинслар-нинг гравитацион куч туфайли сурилиб кетиши.

Сурилма юзага келишида иштирок этувчи ёрдамчи омиллар:

- Антропоген таъсир сурилма юз бериши мумкин бўлган худудларда мавжуд бўлган ўрмон қопламининг кесиб ташланиши;
- Сунъий сугориш туфайли грунтнинг меъёридан ортиқ даражада бўкиши;
- Кон қазиши, портлатиш, темир йўл ва автомобиль йўлларини барпо этиш туфайли ер юзасининг енгил тебраниши;
- Сейсмик таъсирнинг фаоллашуви, яъни зилзила-ларнинг тез-тез такрорланиши.

Сурилмаларни Д.С.Кизевальтер, Г.И.Раскатов, А.А.Рижова (1981) тўртта йирик гурухга бўлиб ўрганади. Улар куйидагилардан иборат:

Ўирилиш билан бирга кечувчи сурилмалар. Бу туркумга хос сурилмалар йирик мустаҳкам бириккан тўртламчи давр ётқизиқ (лёсс, кум, шағал аралаш катлам)ларнинг сурилиб бўлак-бўлак ҳолда кириб қолиши туфайли юз беради. Ушбу туркумдаги сурилмалар юз бергач, сурилган грунт массаси ва сурилмадан ажралиб қолган тургун ён бағир бўйлаб цирк кўринишидағи тик қиррали деворсимон қиялик шаклланади. Шу боисдан улар сурилма цирки деб аталади.

Ҳақиқий сурималар. Бу турдаги сурималар сиљиган массанинг қалинлиги, сурилиш күлами, шаклига күра турлича бўлиши мумкин.

Хандақсимон – кичик суримачалар. Бу турга мансуб сурималарда сиљиш массасининг қалинлиги 5 м дан кам бўлиб, фақат юза қатламларни ташкил этувчи ғовакдор жинсларнигина қамраб олади.

Оқмалар. Сиљиши массасининг қалинлиги 1 м дан қалин бўлмаган ҳолда нураш пўстининг энг юза қисминигина қамраб олади. Демак, ушбу тўртгала гуруҳ ичида энг муҳим аҳамият касб этувчиси иккинчи гурухга мансуб бўлган ҳақиқий сурималар экан.

Сурималарнинг тузилиши. Сурима гарчанд бир бутун сурилувчан, аралаш таркибли жинслар массасини ташкил этсада, у шартли равишда куйидаги қисмларга бўлинади:

- Сув ўтказмайдиган қатlam ёки сурилиш юзаси;
- Суримадан ажралиб қолган ёнбагир ёки сурима цирки;
- Сурима базиси ёки куйи қисми;
- Сурима супалари;
- Сурилган жинслар уюми ёки сурима ўркачи;
- Сурима боши;
- Сурима тили.

Сурималарнинг олдини олиш ва унга қарши кураш чора-тадбирлари. Сурималарнинг олдини олиш ва унга қарши кураш чора-тадбирларини икки гурухга бўлган ҳолда ўрганиш мумкин.

Профилактик ёки пассив ҳолатда. Бу жараён даврида куйидаги ҳолатларга йўл қўймаслик мақсадга мувофиқдир:

- ✓ Сурима юз бериси мумкин бўлган ён багир бўйлаб грунт таркибида нам микдорининг ошиб кетмаслигига эришиш;

- ✓ Сунъий сугориш жараёнини белгиланган қатъий тартиб асосида амалга ошириш;
- ✓ Мәлүм миқдорда детонация берувчи манбага айланадиган автомобиль, темир йүл ва бошқа қурилиш ишларини режали тарзда олиб бориш;
- ✓ Сурилма юз бериши мумкин бўлган ён бағирнинг куйи қисмини турли мақсад (курилиш ишлари, канал ўтказиш ва ҳ.к.) ларда тик кесишилишига йўл қўймаслик;
- ✓ Сурилма юз бериши мумкин бўлган худудларда кон қазиш, портлатиш ишларини олиб боришни тартибга солиш.

Асосий ёки фаол олиб бориладиган (сурилмага қарши) ишлар тартиби:

- ✓ Сурилмани келтириб чиқарувчи гидрологик оқимни ҳавфли майдондан четга буриб юбориш ва шу орқали грунтнинг бўкишига йўл қўймаслик;
- ✓ Сурилма юз бериши мумкин бўлган ён бағирнинг куйи қисмida кўл, сув омбор, денгиз каби ҳавзалар бўлган ҳолатда абразиянинг кучини кирқиш учун тўлқин ҳаракатини сусайтирувчи қурилмалар барпо этиш;
- ✓ Грунтни бўкишидан ҳимоя қилиш мақсадида ён бағир бўйлаб зах қочиравчи дренажлар барпо этиш;
- ✓ Грунтнинг сирпанишига тўсқинлик қилувчи темирбетон конструкцияли қурилмалар яратиш.

Солифлюкция. Солифлюкция термини, лотин тилида solut-тупроқ, fluchus-оқим, яъни грунт қатламишининг оқипи деган мазмунни беради.

Солифлюкциянинг географик тарқалиши асосан абадий музлөқ ерлар ва баланд тог минтақасига хос худудларга тұғри келади. Бундай жойларда грунт йилнинг аксарият қисмida музлаб ётади, ҳаво ҳарорати бирмунча кўтарилигач ернинг юза сатҳигина эрийди. Қор қопламининг мунгазам эриши, ёмғир ёғиши натижасида эса, нам тупроқ янада кўпроқ бўқади. Натижада оғирлиги ошиб, гравитацион куч таъсирида қуйига

томон секинлик билан оқа бошлайди. Бу ҳаракатни англатувчи бир неча ташқи кўрсаткичлар мавжуд:

- ўша ерда мавжуд бўлган дараҳтлар йирик бута ва симёғочларнинг ялпи қийшайиб қолиши;
- йўлларнинг деформация олиши;
- зинапоясимон, суфасимон яланглик, дўнгликларининг шаклланиши;
- ҳосил бўлган дўнгликларнинг олд қисмида курум^{*}-ларнинг тўпланиши.

Солифлюкция натижасида сувга бўкиб, юмшаган ва қиялик ҳамда гравитацион куч туфайли силжиш даражасига етган грунтнинг ҳаракати жуда суст кечади. Бу кўрсатгич турли шароитда турлича бўлиши мумкин. Бу жараён мобайнида силжиётган грунтнинг совуқ таъсирида музлаши ҳамда ҳарорат бирмунча илигач эриб, заррачаларининг янада майдаланиппи унинг ҳаракатини фаоллаштиради. Бу кўрсатгич $5\text{--}10^0$ қияликдаги ён бигирлар бўйлаб атига бир неча см бир фасл бўйича эса бир неча метрга етиши мумкин.

Нивация. Солифлюкция кўп ҳолларда нивация билан биргалиқда кечади. Нивация (лотинча nivis - қор деган мазмунни беради) ён бағир бўйлаб тўпланган қор қопламиининг ҳаво ҳароратининг илиши туфайли бу ердаги тоғ жинси бўлакларининг қор билан биргалиқда ҳаракатлана бориб, янада кичикроқ бўлакчаларга парчаланиши, тўпланиши, сочилиши туфайли юз беради. Умуман олгаңда, нивация эриган қор суви таъсирида ёки музлаган грунтнинг эриб, ўзига хос рельеф ҳосил қилиш жараёнидан иборатdir.

Кўчки. Тоғ ёнбағирларида йигилиб қолган қор қопламиининг оғирлик кучи туфайли қуига томон шитоб

* Курум – Курумлар, турли ўлчамдаги тоғ жинси парчаларининг ён бағр бўйлаб тартибсиз сочилиб, уюлиб етишидир. Махмуд Кошгари «Девони лугитит турко» асарида, (I том 485-бет) курум қадимги туркча сўз бўлиб, коя мазмунини беради, деб ёзади.

Дарҳакиқат, курум-ёкут тилидан ўзбекчига ағдарилганда тош деган мазмун беради. Курумлар туфайли тош дентизлари, тош дарёлари шаклланади. Тош дарёлари курумларнинг чизикий йўналиш бўйича таржалиши, тош дентизлари эса курумларнинг кенг ялангликлар бўйлаб шаклланишидир.

билин күчіб тушиши күчки дейилади. Күчки – соф туркий ұзакдан иборат халқ табиий географик терминидір.

Күчки тушунчаси, сурима, тоғ жинсларининг қулаң әки суримиб тушиши, аксарият ҳолатларда қор қопламининг күчишига нисбатан ишлатилади. Бу табиий географик жараённинг юз бериши, ёнбағирнинг юқори қисміда йигилиб қолған қор қопламининг шиддат билин күйига томон суримиб, күчіб тушиши туфайли юзага келади. Бу ҳолатнинг шаклланишига қорнинг күп микдорда йигилиб қолиши, қор қопламининг қайтадан кристалланиши, ҳарорат таъсирида зичланиши ва ниҳоят ўз оғирлик кучи остида ҳаракатта келиши сабабчи бүлади. Күчкининг ҳаракатланиши одатда ҳавонинг шовқин-сурон күтарилиши, портлаш, ўқ узилиши, қычқириқ, остида тебраниши каби энг суст таъсир остида ҳам бошланиши хусусиятлайдір. Күчкілар даврида 1,5-2 млн м³ гача қор қопламининг ҳаракатта келгандығы аниқланған. Бунда күчіб тушувчи қор қопламининг қалинлиғи 60 м га қадар етади. Қор күчкілари барча тоғли мінтақалар учун хос бўлиб, аҳоли пунктлари, сайёхлик лагерлари, алоқа тармоқлари, йўллар, ўрмон қоплами ва чорва моллари учун жиҳдий хавф туғдириши мумкин.

Мавзуга оид савол ва топшириқлар.

1. Гравитацион кучлар таъсирида юз берувчи табиий географик жараёнлар хусусида тушунча беринг.
2. Суримани келтириб чиқарувчи асосий омиллар нима?
3. Суримани келтириб чиқарувчи ёрдамчи омиллар нима?
4. Сурималарнинг турларини күрсатинг.
5. Сурималарнинг олдини олиш ва унга қарши кураш чора-тадбирлари қандай амалга оширилади?
6. Солифлюция жараёны қандай юз беради?
7. Күчки тұғрисида сұзлаб беринг.

9-мавзу. Антропоган таъсир туфайли юзага келадиган табиий географик жараёнлар

Инсон таъсири туфайли шўрланиш, иккиламчи шўрланиш, ботқоқланиш, агрозерозия, сув омборлари, сунъий кўллар қирғогининг абразияга учраши каби табиий географик жараёнлар ривожланиши мумкин.

Шўрланиш. У қурғоқчил үлкаларда суғоришда сувдан ўта исрофгарчиллик билан фойдаланиш туфайли ер ости сув сатҳининг кўтарилиб кетиши натижасида юзага келади. Шўрланиш, айниқса, пастқам жойларда минераллашган ер ости сувларининг юзага кўтарилиши, кўлларининг йилнинг иссиқ фаслларида куриб қолиши туфайли тупроқ қоплами бўйлаб хлорид ва сульфат тузларининг йигилишидан кучайиб кетади. Шу боисдан Куйи Амударё, Куйи Зарафшон, Мирзачўл, Марказий Фарғона, Қарши, Жанубий Сурхондарёning кўпгина худудлари XX асрнинг ўргаларидан бошлаб кўриқ ерларни ўзлаштириш, сувдан суғоришда исрофгарчиллик билан фойдаланиш туфайли шўрланган.

Шўрланишнинг олдини олиш учун суғориш маданиятига амал қилиш билан биргаликда, грунт сувлари юзага яқин ётадиган майдонлар бўйлаб зовурлар қазиш юқори самара беради. Ушбу гидротехник иншоотлар грунт суви сатҳининг нақадар юқори ёки қуий қатламларда ётиши билан боғлиқ ҳолда сийрак ёки зич тарзда қазилади. Бундан ташқари, зовурлар грунт суви сатҳини пасайтира оладиган таъсир майдонининг кенглиги ва ётқизиқларининг сув ўтказувчалик даражасига кўра, оралиқ масофалари 50-200 м атрофида бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Шунда ҳар бир гектар шўрланган ёки шўрланиши мумкин бўлган ерга 45-55 м атрофида зовур тўғри келиши мумкин. Бу кўрсаткич оша борган сари, унга тўғри пропорционал равишда ҳосилдорлик миқдори ҳам орта боради.

Зовурларни тупроқ қоплами шўрланмасдан олдин ташкил этиш мақсадга мувофиқ. Чунки бу ҳолатда тупроқни

шўрланишини олдини олиш билан биргаликда, куруқ тупрок қатлами бўйлаб қазиц ишлари енгиллашади. Энг асосийси тупроқ таркибида турли туз миқдорининг ошиб кетишига ва шўр ювиш ишларининг олдини олишга эришилади.

Иккиламчи шўрланиш. Бу табиий географик жараён обикор дехқончилик қилинадиган ҳудудлар бўйлаб тупроқ қоплами тузли ёки сульфатли ётқизиқлар устида ётган ҳолатларда юзага келади. Чунки сувни экин далаларини суғориш мақсадида керагидан ортиқча сарфлаш туфайли юзага келувчи нам тупроқ қопламининг таг қисмида жойлашган тузли, гипсли қатламгача етиб боради. Натижада ушбу қатламга таъсир этган грунт суви туз, гипсни эритиб, маълум миқдорда шўрланади. Ёз фасли ҳаво ҳарорати кўтарилиб тупроқ юзаси қуригач, капилляр каналчалар орқали нам тупроқ юзасининг юқори қисми томон харакатлана боради ва юзага етгач қуёш ҳарорати остида парчаланиб, кислород ва водородга ажралиб кетади. Сув таркибидаги турли туз, гипс минераллари эса тупроқ юзасида тўпланиб қолаверади. Натижада йиллар ўтиши билан ушбу жараён муттасил ривожлана бориб, тупроқ юзасида тўпланаётган туз заррачаларининг миқдори орта боради ва тупроқ шу тариқа шўрланади.

Иккиламчи шўрланишнинг олдини олиш учун даставвал тупроқ юзасига туз, гипс қатламлари яқин турган пайкалларда суғориш ишларини рентабелли суғориш маданиятига қатъий амал қилган ҳолда ва албатта, қадимги суғориш ишлари юзасидан тўпланган халқ қадриятларини самарали қўллаш орқали эришиш мумкин. Иккиламчи шўрланиш ва шўрланиш юз берган далаларда алмашлаб экишни йўлга кўйиш, шўрланиш даражасини пасайтирувчи экинларни кўпроқ экиш, маҳаллий ўғитлар, чиринди, қоқ кесак билан далаларни озиқлантириш юксак самара беради.

Ботқоқланиш. Ушбу жараён табиий ҳолда кечгани каби, сунъий тарзда ҳам амалга ошади. Суформа дехқончилиқда сувни керагидан ортиқча равишда сарф қилиш натижада

грунт суви сатҳининг кўтарилиб, юзага қадар етиши туфайли вужудга келади. Республикамиз ҳудудида антропоген таъсир туфайли ботқоқланган майдонлар шўрланган, иккиламчи шўрланган, чўлланишга учраган майдонлар каби кўп эмас.

Чўлланиш. Ушбу табиий географик жараён иқлимининг курсоқчил келишига боғлиқ ҳолда табиий келиб чиқишига эга бўлиши билан биргаликда, инсон омилиниңг ердан нотўғри фойдаланиши каби сунъий тарзда ҳам амалга ошиши мумкин. Айниқса, экин майдонларидан узлуксиз фойдаланиш, алмашилаб экишни четлаб ўтиб, кимёвий минерал ўғитлардан, турли пестициidlар, дефолиантлардан меъеридан ортиқ даражада фойдаланиш оқибатида тупроқ унумдорлиги пасаяди. Натижада бир вақтлари ҳосилдор бўлган майдонлар, ҳосилсиз ерларга айланиб, экин унмайдиган чўл тарзини олади. Интернет маълумотларига кўра ҳозирги пайтда планетамиз бўйлаб антропоген таъсир туфайли 9 млн.кв.км майдонда чўл ҳосил бўлган. Ҳар йили тахминан 21 млн.га ер тўлиқ бузилмоқда. Суғориладиган ерларнинг энг унумдор 6 млн. га майдони эса чўлга айланмоқда.

Агрозозия. Дехқончиликда экин майдонларидан нотўғри фойдаланиш туфайли юзага келади. Агрозозия ҳам эрозия каби сув ва шамол таъсирида, инсон омилиниңг аралашуви туфайли юзага келади.

Шамол таъсирида юзага келувчи агрозозия, шудгорланган майдонлар бўйлаб тупроқ юза қатламишининг учиреб кетиши туфайли юзага келади. Республикамизнинг 37,9% ҳудуди маълум микдорда шамол таъсирида эрозияга учраётган бўлса, бу ҳолат шудгорланган майдонлар бўйлаб, айниқса, кучаймоқда. Шамолнинг тезлиги 15м/с дан ортганда, баъзи шудгорланган ернинг 25 см қалинликдаги қатламишининг учиреб кетиши кузатилади. Тупроқ қопламишининг 3-5 см қалинликдаги қатламини агрозозияга учраши, айниқса, кенг тарқалған (Э.В.Қодиров ва б. -1999). Агрозозиянинг шамол таъсирида юз беришини олдини олиш учун кулислар ташкил этиш муҳим аҳамият касб этади.

Агрозерозиянинг сув таъсирида юз бериши, нотўғри сугориш, қия майдонларни нотўғри шудгорлаш туфайли шаклланади. Ушбу ҳолат жарланиш жараёнини келтириб чиқаради. Натижада ҳосилдор ерлар фойдаланишга яроқсиз, унумсиз пайкалларга айланади.

Мавзуга оид савол ва топшириклар

1. Антропоген таъсир туфайли юзага келувчи табиий географик жараёnlар хусусида тушунча беринг.
2. Шўрланиш қандай юзага келади?
3. Иккиласми шўрланиш тўғрисида сўзлаб беринг.
4. Ботқоқланиш, чўлланиш, агрозерозия жараёни қандай кечади?

10-мавзу. Табиий географик жараёnlарнинг юз бериши туфайли вужудга келувчи рельеф шакллари ва уларнинг халқ табиий географик терминлари орқали ифодаланиши

Илмий луғавий маъно берувчи сўзга «термин» деб айтилади. Термин лотинча сўз бўлиб, чегара, чек деган маънени беради. У инсон ҳаёти, фаолияти ёки билимининг бирор соҳасига оид муайян тушунчанинг бошқа тушунчалар билан нисбатини ифодаловчи сўз ёки сўз бирикмасидир. Худди шундай тушунчалар халқ ибораларида ҳам кўлланилади. Ушбу тушунчалар табиатда рўй бераётган ҳодисалар кўринишларини билиш учун уларнинг ҳар бири аниқ термин орқали ифодаланади. Ўша сўзлар, кўпгина ҳолатларда муайян тапонимларнинг шаклланишига сабабчи бўлади. Шу боисдан уларни чукур ўрганиш лозимдир. Чunksi, халқ терминлари билан таниш бўлмаган мутахассис тапонимнинг этимологик мазмунини очиб бера олмайди. Ваҳоланки, уларнинг кўпчилиги адабий тилдан узоқ бўлганлиги учун, илмий адабиётларда учрамайди ёки кам учрайди. Шу боисдан халқ терминлари ўзак ўрнида келган

топономик атамалар нотаниш сўз сифатида нотўғри талқин қилинади ёки умуман фойдаланилмайди. Натижада бундай топонимларнинг мазмуни ё бузиб талқин этилади, ёки номаълумлигича қолади ва топономик тадқиқот мақсадига тугал эриша олмайди. Демак, топонимлар билан иш олиб бораётган тадқиқотчинининг муҳим вазифаларидан бири халқ терминларини чукур ўрганишдан иборатdir. Биз қуйида айрим халқ терминлари билан боғлиқ ҳолда шаклланган топонимларга мисоллар келтирамиз ва уларни этимологик мазмунини очиб беришга ҳаракат қиласиз. Улар худуднинг рельефи, тоғ жинсларининг турлари, иклими, ички сувлари, тупроқ қоплами, органик дунёси билан боғлиқ равишда шаклланган халқ терминлари ва жой номларидир.

Чоҳак – гипс қатламларининг тартибсиз равишида қалашиб ётишини англатадиган тушунча. Чоҳ – чукур, ак кичрайтирувчи аффикс ўрнида келади. Чунки чоҳак – гипс тарқалган худудлар кучли карстланиб, натижада кўплаб карст даҳаналари – чукурлар тарзида шаклланади. Шу боисдан Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларининг тоғли худудларида яшовчи аҳоли бундай жойларни чоҳак тош, Мингчукур дея атайди. Шу боисдан Мачайдарё ҳавзасида Чоҳаклининг гори, Чахокли майдон каби топонимлар мавжуд.

Урғочитош – сланец қатламларининг тезда қат-қат бўлиб бўлакларга ажralиб кетиш хусусиятидан келиб чиқсан ҳолда Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларининг тоғли худудларида шу атама тарзида ифода этиладиган топонимлар учрайди. Масалан, Сангардакдарё ҳавзасидаги (Боғча қишлоғи атрофи) кичик сойлик Урғочитошли номи билан юритилади.

Қийир – делювиал ётқизиқларининг ён бағир бўйлаб ёйилиб ётган кўриниши. Шу боисдан қийирли номи билан юритилувчи аронимлар жанубий гарбий Ўзбекистоннинг тоғли худудларида мавжуд.

Бел – довон тушунчасини ўтайди. Шимолий Нурота тизмасидаги Қизил бел, Бойсун тогидаги Белаути довонлари каби атамалар шулар жумласидандир. Бу ерда «бел» атамаси

жонивор ёки инсоннинг бел қисми, анатомик тушунча тарзида эмас, аксинча тоғнинг ошув жойи-дөвон сингари англашилаяпди ва у маҳаллий халқ орасида жуда кенг тарқалган жонли иборалар қаторидан ўрин олади.

Газа – бу тушунча ҳам бирон бир баландлик, қир ёки тоғнинг ошув жойини қир учини англатувчи тушунчадир. Аслида газа эмас кеза, кезиши маъносида ишлатилиши түғрироқдир. Ҳатто Оқ газа (Кетмон чопди тизмаси), Қизил газа (Нурота тизмаси) каби сифатлар билан тўлдирилиши ўша довоннинг неоген даврига хос қизил ётқизиқлари билан ёки гипсли қатламлар чиқиб ётган, бальзан соз тупроқдан иборат бўлган довоннинг табиий географик хусусиятларигача англатади.

Зов – қояли жинслардан ташкил топган тик жарлиқдир. Зов тушунчаси орқали кўп ҳолатларда куэсталар ёки куэстасимон рельеф формалари тушунилади. Туркистон тизма тоғларининг Зомин туманига тегишли худудда Зовқўтон номли жой мавжуд бўлиб, учала томондан тик қоялар билан ўралган кичик сойликнинг бошланиш тарафини ташкил этади. Табиий географик тузилишига кўра қўй-эчки қамаладиган кўтонни эслатганлиги ёки шу мақсадда фойдаланилганлиги учун ҳам Завқўтон номини олган бўлиши табиий. Ҳисор тогида Зовталаш дараси ва шу номли ирмоқ мавжуд. Аслида Зовталаш эмас, Зовтараш кўриниши, тарашламоқ маъносига яқинроқдир.

Ховарлик – ҳовар текислик маъносини берса, «лик» жой мазмунини англатувчи, балки кўплик аффикси тарзида қатнашяпди. Бу тушунча айниқса Қашқадарё, Сурхондарё воҳаларининг тоғлик худудларида яшовчи аҳоли томонидан кенг қўлланиладиган халқ терминидир. Шу боисдан Ҳисор тоғларида катта Ҳовор, кичик Ҳовор ва ҳоказо каби тушунчалардан ташкил топган аронимлар кўплаб учрайди.

Фарғона водийсида эса худди шу тушунчага ўхшаб кетувчи дапсон ёки дебсан ароними мавжуд. У кўпроқ ён бағирлардаги текис майдончаларни англатади. Шу боисдан

Фарғона вилояти, Ўзбекистон туманида Депсан номли қишлоқ мавжуд (Қораев С. 1978, 556-бет).

Ёноқ – бу атама ҳам анатомик тушунча эмас, аксинча ён бағрни англатувчи аронимдир. Ҳалқа жар дарёсининг чап ирмогидаги Ёноқсой мисол бўлади. Олманинг навига нисбатан ҳам «ёноқи» - «жоноқи» тушунчаси ишлатилади. Бу ерда у тарам - тарам қизғиши қирмизи ёноқ-қўринишидаги олма, фитонимни англатади.

Қутқа – сой ўзани бўйлаб қояли қатламнинг очилиб қолиши туфайли ҳосил бўлган рельеф қўриниши. Бу тушунча Нурота этакларида яшовчи маҳаллий аҳоли томонидан кенг қўлланилганлиги учун Қутқали сой гидроними мавжуд. Уни мутлақо Қутчи этноними билан алмаштириб бўлмайди. Чунки ҳар иккаласининг ўзагида ҳам Қут тушунчаси мавжуд бўлсада, у дастлаб залворли, баракали кутли тушунчасида келади «қа» аффиксдир. Иккинчи тушунчада «Қутти» яъни кути, кутисозлар аҳолининг ноёб ҳунарини англатувчи топоним тарзида қатнашмоқда.

Шўх – Ушбу атаманинг мазмуни мутлақо ҳаракат маъносини бермайди. Аксинча у петронимдир, яъни тоғ жинсларининг хусусиятини англатувчи атамадир. Шўх, лёсс қатламлари орасида учровчи нўхат катталигидаги шаклсиз, қаттиқ жинс. Таркибида инсон организми учун зарур тузлар учраганилиги учун, айниқса, ёш болалар ва ҳомиладор аёллар севиб истеъмол қилишади. Гилкори иш, айниқса, андава тортишда халақит берганлиги учун ушбу элемент маҳаллий аҳоли томонидан «шўх» атамаси тарзида қўлланилса керак. Лёсс таркибида шўхнинг кўпайиши унумдорликнинг пасайишига сабабчи бўлади. Шунинг учун Шўхли сой тушунчасини сувнинг ҳаракатини англатувчи гидронимлар туркумига киритиш нотўғридир.

Гурпак – тупроқ юзасининг ташқи таъсир туфайли уваланиб, ундеқ майин ҳолатга келиши. Гурпак тупроқли ҳолат чизиқли йўналиш бўйлаб тарқалган ҳолда, Нурота тоғи атрофида яшовчи, аксарият туркман уруғига хос ўзбеклар

томонидан кенг құлланилади. Туркманча гурпа – күрпа маъносини беришини эсласак, ак – аффикс ҳолатида қатнашади. Юмшоқ тупроқ қопламининг күрпадек юмшоқ ҳатто окувчан ҳолатини ҳис қилишимиз мумкин. Каттақұрғон яқинидаги Катта күрпа қишлоғи асли Каттақұрғон - Иштихон тракти бүйидаги қадимғи мавзе бұлиб, қишлоқ бўйлаб ўтувчи йўлнинг қадимда ёз фасллари гурпак тупроқ бўлиб ётганлигини англатади ва бу табиий ҳолат ойконимга кўчганлигини кўрамиз. Дарҳақиқат қишлоқ ташкил топган нуқта «гурпак» ҳосил қилувчи типик табиий - географик шароитга мосдир.

Тупроқ юзасининг «гурпак» ҳолатга келиши, айниқса, ён бағирлардан иборат бўлган нотекис рельефли ҳудудларда сув ва шамол эрозиясининг ўчогига айланади. Шу боисдан асосан жарланиш жараёни учун энг кулай шароит тутғидувчи дастлабки ҳолат, «гурпак»ли юзанинг мавжудлиги, дея ҳисоблаш мумкин. Балким шу боисдан жарланишнинг «классик» даражада ривожланиши айнан Жанубий Нурота этакларига хос хусусиятдир.

Созлов – соз тупроқнинг чиринди микдори энг кам учрайдиган қатлами Нурота этакларида яшовчи дехқонлар, тандирчи хунармандлар томонидан кенг құлланиладиган маҳаллий термин: созловда дехқончилик яхши натижА бермасада, у қадимги ирригаторлар томонидан юқори баҳоланган. Чунки созлов бўйлаб ўтказилган канал ёки ариқ ўзанида шимилиш микдори максимал кўрсатгичга эга бўлар эди. Масалан Дарғом канали ҳам созлов бўйлаб ўтказилган. Бу ҳолатни маҳаллий ирригаторлар, созлов бўйлаб ўтган ариқ тубидаги кўлмакнинг шимилиш микдори кам бўлганлиги учун ҳатто ёз фасллари ҳам бир неча кунларгача сақланиб туришига сабаб қилиб кўрсатадилар. Шу боисдан суви энг узоқ ва бузилмасдан сақланувчи ҳовузлар созловда бунёд этилган.

Байир – Чўл Байир-Сурхонтоғда жойлашган карст массивидир. Аслида байир чўлларда шамол туфайли пайдо

бүлган ўйдим чуқур жойларга нисбатан айтилади (С.Қораев-1978, 153 бет). Сурхонтоғ кучли карстлангани учун Чұлбайир унинг иккінчи номи. Баъзи халқ терминлари жонли тиңда мавжуд бўлиб, кенғ ишлатилсада, унга боғлиқ топономик атамаларни учратмадик. Масалан: балас тушунчаси Зарафшон воҳасининг ўрта қисмлари (Каттақўргон шаҳри атрофи)да қум мазмунини беради. Шу каби халқ терминларидан ташкил топган топономик атамаларни маҳсус тарзда ўрганиш нафакат оронимлар, балки барча турдаги географик номларнинг асл моҳиятини англашда катта аҳамият касб этади.

Тақир – чўл ҳудудлари бўйлаб, ботиқларнинг марказий қисмларида шаклланадиган мавсумий қўллар (қоклар) ўрнида шаклланадиган текис, аммо юзаси ёрилиб, қатқалоқ ҳолга келган рельеф шакли. Томди тумани ҳудудида Оқтакир номли қишлоқ мавжуд.

Қиёт – дарё террасаси. Иштихон тумани ҳудудида Қиёт номли қишлоқ мавжуд.

Гуртук ёки кўртук – қор қопламининг пасткамлик, сой, жарликларда шамол учираши туфайли қалин, зич қатлам ҳосил қилган жой. Шеробод туманида Гўртак номли қишлоқ бор.

Гум – оқаётган сувнинг чуқур жойи. Дехқонобод туманида Гумбулоқ номли қишлоқ бор.

Обгурда – сув ўйиб юборган жой. Форсийда Обгурда – об-сув, гурда буйрак, яъни сув оқиб кирган жой, деган мазмун беради.

Қоқ – чўллардаги мавсумий қўллар. Каттақўргон туманида Қоқ номли қишлоқ мавжуд. Қоқ тушунчаси куритилган, қуриб қолган мазмунини беради. Шу боисдан куритилган меваларга (олма қоқи, қовун қоқи, шафтоли қоқи) нисбатан ҳам шу тушунча қўлланилади. Бу ерда қоқ тушунчаси кўл тарзида тўпланган сув ҳавзасининг қуриб, қолишига нисбатан ишлатилмоқда.



Тектоник кучлар таъсиринда ётқизиқларнинг бурмаланиши.



Арча дараҳтининг нурашга (биологик) таъсири.



Нураш түфайли шаклланган ётқизиқлар.




Гарбий Тянь-Шань. Ёнбагирнинг жарланишига учраб емирилиши.



Гарбий Тянь-Шань. Ўзан эрозияси.



Гарбий Тянь-Шань. Курумлар.



Абрация туфайли қирғоқнинг емиришиши.



*Гарбий Зарафшон тизмаси.
Корразия туфайли гаройиб шаклга кирган қоя.*

Мавзуга оид савол ва топшириқлар

1. Табиий географик жараёнлар билан боғлиқ ҳолда шаклланган халқ теминлари ҳақида тушунча беринг.
2. Табиий географик жараёнлар мазмунини англатувчи топонимлар ҳосил бўлиши мумкинми?
3. Мустақил тарзда табиий географик жараёнларни ифода этувчи топонимларга мисоллар келтиринг.
4. Табиий географик жараёнлар туфайли ҳосил бўлган рельеф шаклларини англатувчи топонимларга мисоллар келтиринг.

ХУЛОСА

Табиий географик жараёнлар умумий ер билими, табиий география, геоморфология, умумий геология, инженерлик геологияси, гляциология каби қатор фанлар доирасыда ўрганилсада, география йўналиши бакалаврлари уни мустақил фан сифатида ўзлаштирмас эдилар. Шу сабабли ушбу фанга доир айрим муаммолар ечими ўзга турдош предметлараро сочилиб кетган, баъзилари эса, аксинча юқорида номлари қайд этилган барча предметларда такрорланар эди. Натижада табиий географик жараёнлар тушунчасига доир кўпгина масалаларни ўрганишда маълум қийинчиликлар шаклланар эди. Шунинг учун «География ўқитиш методикаси» таълим йўналиши бакалавр талабалари учун ушбу қўлланмани яратиш зарурияти пайдо бўлди. Ҳозирги пайтда фан ва маданиятнинг тез суръатлар билан ривожланаётганлиги табиий географик жараёнларни ўрганиш ўта зарур аҳамият касб этади. Чунки, табиий географик жараёнларнинг табиат ва жамиятда туттган ўрни улкандир. Шу боисдан табиий жараёнлар қадимги даврларданоқ кўпгина табиатшунос олимларнинг дикқат марказларидан ўрин олди. Ватандошларимиз Наршахий, Абу Райхон Беруний, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби алломаларнинг асарларида табиий географик жараёнларнинг айрим турлари хусусида фикрлар мавжуд бўлсада, улар фан сифатида фақат XIX асрнинг охири XX асрнинг бошларига келиб шакллана бошлиди. Натижада Л.С.Берг, А.А.Борзов, А.А.Крубер, А.С.Барков, Б.Ф.Добринин, И.С.Шукин ва уларнинг издошлари сифатида бир гурух олимлар шаклланди.

Улар ва уларнинг издошлари табиий географик жараёнларни турли нуқтаи назардан туриб тадқиқ этдилар. Шунга қарамасдан, бизнинг давримизга қадар табиий

географик жараёнларни олий ўкув юртларида мустақил фан сифатида ўрганиш амалга оширилмади. Бунинг учун алоҳида ўкув қўлланмалар, дарслклар яратилмади. Ушбу ўкув қўлланма айнан шу мақсадлар учун хизмат қиласди. Бу китоб ўкувчини табиий географик жараёнларнинг ўрганилиш тарихи, табиий географик жараёнларнинг келиб чиқишига кўра таснифланиши, ҳар бир туркумга хос табиий географик жараёнларнинг назарий масалалари, географик жиҳатдан тарқалиши, табиатдаги роли, ижобий ва салбий аҳамияти хусусида тушунча бера олади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Белоусов В.В. Основы геотектоники – Москва: Недра, 1975.
2. Гвоздецкий Н.А. Карст. – Москва: География, 1957.
3. Корженевский А.Л. Геоморфология и гляциология Памир-Алая. – Ташкент: «Фан», 1979.
4. Маҳмуд Қошгарий. «Девону лугатит турқ» I том. – Тошкент: «Фан», 1960.
5. Кизевальтер Д.С., Раскатов Г.И., Рыжова А.А. Геоморфология и четвертичная геология. М. «Недра» 1981.
6. Колесник С.В. Умумий ер билими қисқа курси. – Тошкент: «Ўқитувчи», 1966.
7. Леонтьев О.К., Рычагов Г.И. Общая геоморфология. – Москва: «Высшая школа», 1979.
8. Маматкулов М. Ўзбекистонда тарқалган табиий географик жараёнлар. Фан-техника тараққиёти ва география. – Самарқанд, 2007, 16-17 ноябрь илмий-амалий конференция материаллари.
9. Маматкулов М. Карст Западного и Южного Тянь-шаня. – Тошкент: «Фан», 1979.
10. Нигматов А.Н. Геоэкологические аспекты заовраженности и техногенный нарушенности земель Узбекистана. – Тошкент: Изд НУУз 2005.
11. Нигматов А.Н., Юсупов Р. Табиий географик комплекслар ва эззоген жараёнлар. – Тошкент: ЎзМУ, 2006.
12. Низомов А. Ҳисор булоқлари. – Тошкент: «Мехнат», 1989.

13. Рафиқов А.А., Ваҳобов Х., Қаюмов А., Азимов Ш. Амалий география. Академик лицей ва касб-хунар колледжлари учун ўкув қўлланма. – Т.: «Шарқ», 2008, 21 б.
14. Рахимбеков Р. ва бошқалар. Географиядан изоҳли лугат. – Тошкент: «Ўқитувчи», 1979.
15. Седенко М.В. Основы гидрогеологии и инженерной геологии. – Москва: «Недра», 1979.
16. Тушинский Г.К. Основы общей и региональной гляциологии. – Москва: Изд.МГУ, 1971.
17. Ҳикматов Ф.Х. Водная эрозия и сток взвешенных наносов горных рек Средней Азии. – Ташкент: «Фан ва технология», 2011.
18. Ҳикматов Ф.Х. ва бошқалар. Гидрология атамалари ва тушунчаларининг русча-ўзбекча лугати. – Тошкент: Университет, 1993.
19. Дуйсенов Е. Селевые потоки. – Алма-ата: «Илм», 1966.
20. Шульц «Ўрта Осиё» гидрографияси. – Т.: «Ўқитувчи», 1969.
21. Щукин И.С. Общая геоморфология. – М.: «Мысль», 1967.
22. Акбаров А. Тоғлар табиати. – Т.: «Фан», 1985.
23. Қодиров Э.В. ва бошқалар. Табий мухитни муҳофазалашнинг экологик асослари. – Т.: «Ўзбекистон», 1999.
24. Шанцер Е.В. Очерки учения о генетических типах континентальных осадочных образований. – М.: «Наука», 1966.

МУНДАРИЖА

	Кириш.....	3
1-мавзу	Табиий географик жараёнларнинг илмий ўрганилиш тарихи.....	6
2-мавзу	Табиий географик жараёнларнинг турлари ва уларни ҳосил булишига кўра таснифлаш.....	13
3-мавзу	Тектоник ҳаракатлар туфайли юзага келувчи табиий географик жараёнлар.....	18
4-мавзу	Зилзила таъсирида вужудга келадиган табиий географик жараёнлар.....	22
5-мавзу	Иқлим омиллари таъсирида юзага келувчи табиий географик жараёнлар.....	27
6-мавзу	Сув фаолияти туфайли ҳосил буладиган табиий географик жараёнлар ва рельеф формалари	40
7-мавзу	Музликлар билан боғлик ҳолда шаклланадиган табиий географик жараёнлар	71
8-мавзу	Гравитацион куч етакчилигига юзага келадиган табиий географик жараёнлар.....	89
9-мавзу	Антропоген таъсир туфайли юзага келувчи табиий географик жараёнлар.....	96
10-мавзу	Табиий географик жараёнларнинг юз бериши туфайли вужудга келувчи рельеф шакллари ва уларнинг халқ табиий географик терминларида ифодаланиши.....	99
	Хулоса.....	106
	Фойдаланилган адабиётлар	108

**АСРОР НИЗОМОВ, НУСРАТУЛЛА АЛИМҚУЛОВ,
ЗУҲРАХОН ТИЛЛЯХОДЖАЕВА**

**ТАБИЙ ГЕОГРАФИК
ЖАРАЁНЛАР**
(Ўқув кўлланма)

Тошкент – «Fan va texnologiya» – 2015

Мухаррир: М.Ҳайитова
Тех. мухаррир: М.Ҳолмуҳаммедов
Мусаввир: Д.Азизов
Мусахҳиха: Н.Ҳасанова
Компьютерда
саҳифаловчи: Ш.Мирқосимова

E-mail: tipografiyacnt@mail.ru Тел: 245-57-63, 245-61-61.
Нашр.лиц. А1№149, 14.08.09. Босишига руҳсат этилди 09.04.2015.
Бичими 60x84 $\frac{1}{16}$. «Times Uz» гарнитураси. Офсет усулида босилди.
Шартли босма табоги 6,75. Нашр босма табоги 7,0.
Тиражи 200. Буюртма №29.

«Fan va texnologiyalar Markazining bosmaxonasi» да чоп этилди.
100066, Тошкент шаҳри, Олмазор кўчаси, 171-уй.